

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
УЗОҚ ШАРҚ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ ТИЛЛАРИ ФАКУЛТЕТИ

ХИТОЙ ФИЛОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ

Саодат Носирова

ХИТОЙ ТИЛИ ТАРИХИ

ФАНИДАН

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

Билим соҳаси: 100000 – Гуманитар соҳа

Таълим соҳаси: 120000 – Гуманитар фанлар

Таълим йўналиши: 5A120102 – Лингвистика

ТОШКЕНТ – 2012

КИРИШ

Бугун хитой тилини ўрганишга қизиқиш ортиб боргани сайин, ўзбек хитойшунослиги ҳам кундан-кунга ривожланиб бормокда. Масалан, сўнгги ўтган ўн йилларда хитой тили ва адабиётини ўрганишга бағишиланган илмий тадқиқотлар бунга айнан мисол бўлиши мумкин. Аммо кейинги йилларда хитойни ўрганиш бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар бу соҳада ҳали кўплаб ишларни қилиш кераклигини кўрсатмоқда. Бу масала кўпроқ хитой тили дарслклари, ўқув қўлланмалар чоп этиш билан боғлиқ. Шундай экан, ушбу масалалар ечими ўрганилаётган мамлакат қадимги хитой тили, хитой тилишунослиги тарихи, хитой фонологияси, шунингдек, хитой тилининг долзарб муаммоларини ўрганиш заруриятини пайдо қилмоқда.

Қадимги ва Ўрта асрларда хитой иероглифларига транскрипция бериш усулларини аниқлаш;

Транскрипция беришнинг Фанчиэ усули ва бу усул келиб чиқиш тарихининг объектив ва субъектив сабаблари очиб бериш;

Фанчиэнинг қўлланиш усули ва бу усулда хитой тилшунослигига яратилан луғатларни ўрганиш;

Шу маънода, хитой тилида фонетика илмининг хусусан, транскрипция беришнинг ривожланиш босқичлари, усуллари ва уларнинг фонологиядаги аҳамиятини ўзбек тилида ёритилиши — мавзуни ўрганишнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Нутқ товушларини аниқ ифодалаш учун ишлатиладиган ёзув транскрипция дейилади. Транскрипциянинг асосий қоидасига кўра сўзлар қандай эшитирса, шундай ёзиб олинади. Транскрипцион белгилар, одатда маълум ўзгаришлар киритиш орқали традицион алфавитлар(рус, лотин ва ҳ.к.) ҳамда уларга қўшимча белгилар асосида тузилади.

Мазкур фан кесимида хитой тили тарихи соҳаси тил шаклланиши, ривожи, даврийлаштирилиши, қадимги тил грамматик ва стилистик хусусиятлари мавзулари асосида ёритилади. Жами 10 маъруза киритилган бўлиб, 40 соатлик ўқув режага мослаштирилган.

I Мавзу: Хитой тилининг тарихий даврларга бўлиниши

Дарснинг ўқув мақсади: қадимги хитой тили даврийлаштирилиши ҳақида, венянь тили ривожи, адабий ёдгорликлар, А.Масперо таклиф этган даврлаштириш системаси, Хитой тилшунос олимни Ван Ли томонидан «汉语史稿» (hànyǔ shǐgǎo) китобида таклиф этилган даврлаштириш тизими, Россиялик тилшунос олимлар эса асосан С.Е. Яхонтов таклиф этган таснифи, 文言文 wényánwén сўзининг лексик-семантик таҳлили, Венянни ўрганишнинг аҳамияти, Венян хусусиятлари ҳақида маълумотга эга бўлиш.

Таянч тушунчалар: венян, адабий ёдгорлик, архаик хитой тили, ўрта давр хитой тили, замонавий хитой тили

Хитой тили тарихи 3000 минг йилдан кўпроқ даврни қамраб олади. Аммо Хитой тили тарихи ҳақидаги манбаларнинг камлиги ва даврлаштиришдаги қийинчиликлар сабабли ҳозирги пайтгача умумқабул қилинган хитой тили тарихини таснифи мавжуд эмас. Баъзи хитойшунос олимлар бу борада изланишлар олиб борган бўлиб, улар томонидан таклиф этилган даврлаштириш шартли бўлиб, қадимдан бизгача етиб келганлари ҳам адабий ёдгорликлар асосида амалга оширилган.

Хитойшуносликда А. Масперо¹ таклиф этган давларга бўлиш модели дунё хитойшунослигига яхши маълум. У хитой тили тарихини 3 катта даврга бўлган, ҳар бир даврни ўз ўрнида илк ва сўнгига бўлган. Бу даврлаштириш касрий кўринишга эга:

¹ Анри Масперо (1883-1945) – француз хитойшунос олими, Хиндиҳитой тиллари ва тарихи бўйича мутахассис. Йирик асари: «Қадимги Хитой» (1927). Ушбу китоб қадимги Хитойнинг м.а. XII-Шасрлари тарихи ва маданиятини ўз ичига олади.

- 1) архаик (қадимги) хитой тили: а) илк архаик (Хан давригача, яъни Милоддан аввал III асртага бўлган даврни ўз ичига олади); б) сўнгги архаик (милодий III асртага);
- 2) ўрта хитой тили: а) илк ўрта (милодий IVдан VIII-IX асртага); б) сўнгги (XII асртага бўлган давр);
- 3) замонавий: а) илк замонавий (XII-XVII асрлар); б) сўнгги (XVIII-XX асрлар);

Яна бир муқобил қўринишдаги даврлаштириш Хитой тилшунос олими Ван Ли² томонидан «汉语史稿»³ (hàn yǔ shǐgǎo) китобида таклиф этилган. У хитой тили тарихини 4 даврга бўлган:

- 1) **上古期** (shànggǔqī) – илк ёзма манбаларда келтирилган қадимги хитой тили, III асртага бўлган даврни ўз ичига олади. Асосий хусусияти: бўлишсиз ва сўроқ гапларда олмош тўлдирувчиши феълдан олдин жойлашиши; шунингдек кириш оҳангнинг (入声⁴ rùshēng) икки тури мавжуд бўлганлиги. Милодан аввал. III ва IV асрлар ўтиш даврлари ҳисобланади;
- 2) **中古期** (zhōnggǔqī) – ўрта давр хитой тили, м.а. IV-милодий XII асрларни қамраб олади. Асосий хусусияти **是** (shì) боғламаси; олиб чиқилган тўлдирувчили натижа конструкцияси; **儿** (ér), **子** (zǐ), **了** (le), **着** (zhe) суффикслари (қўшимчалари); ва пасаювчи оҳангнинг (去声 qùshēng)⁵ пайдо бўлиши. Ўтиш даври – XII-XIII асрлар;

² Ванг Ли (王力) (1900-1986) Хитой тилшунос олими, 60 га яқин лингвистик асар муаллифи.

³ “Хитой тили тарихи таснифи” Пекин (北京) 1958.

⁴ Кирish оҳангни (入声) 4 оҳангдан бири. Замонавий хитой тили баъзи диалектларида (粤语-юэ, 吴语-y, 阵南语-min) халигача сакланиб қолган, аммо путунхуа (хитой оғзаки адабий тили)да аллақачон муомаладан чиқкан.

⁵ Замонавий хитой тилидаги 4-оҳангга тўғри келади.

3) 近代期 (jìndàiqī) – янги хитой тили, XIII-XIX асрлар (Афюн урушигача бўлган давр). Хусусияти: шимолий шевада шундай аталмиш “Хира ундошлар” (浊声母 zhuóshēngmǔ), -t билан тугайдиган қофиялар ва кириш оҳангининг йўқолиши. Ўтиш даври: 1840 йил (Афюн урушининг бошланиши)дан 1919 йил (“4 май” ҳаракати)гача бўлган давр;

4) 现代期 xiàndàiqī – замонавий хитой тили, XX аср бошидан то ҳозирги давргача бўлган жараён. Хусусияти: ғарб тиллари грамматикасининг таъсири кучайиши, ҳамда катта микдорда кўп бўғинли сўзларнинг пайдо бўлиши.

Ван Ли фикрича, энг асосий мезон – грамматик тизимдаги ўзгариш, Масперо эса буни фонетикадаги ўзгариш деб ҳисоблади. Шунга қарамасдан, ҳар икки олим таклиф этган даврлаштириш бирбиридан катта фарқ қилмайди.⁶

Россиялик тилшунос олимлар эса асосан С.Е. Яхонтов⁷ таклиф этган таснифни тан олишади. Унга кўра, хитой тили тарихи қуидагича бўлинади:

- 1) Мумтоз давргача бўлган жараён: Милоддан аввал. V асргача яратилган илк ёзма ёдгорликлар тили;
- 2) Мумтоз давр: Милоддан аввал.V-III асрлар (Чжоу сулоласи охири ва Чин сулоласи) ва қисман кейинги 4 аср (Хан сулоласи) даври, яъни милодий II асригача яратилган ёзма манбалар тили;
- 3) сўнгги қадимги: III-IV асрлар⁸;
- 4) ўрта давр: IVдан XII-XIV асрларгача;
- 5) замонавий.

⁶ 8,33

⁷ Яхонтов Сергей Евгеньевич (1926 йда туғилган). Замонавий ва қадимги хитой тили грамматикаси, хитой тили тарихи, хитой диалектлари бўйича етакчи мутахассис. Хитойшунослик, Жануби-Шарқий Осий тиллари ва умумий тилшунослик бўйича, 80 дан зиёд илмий ишлари чоп этилган.

⁸ 9,7

Қадимги хитой тили иккига бўлинади:

- 1) қадимги оғзаки тил – 雅言 (yǎyán)
- 2) қадимги ёзма тил - 文言 (wényán), 白话 (báihuà)

Ян – қадимги давларда шундай аталган қонун ва меъёрларга солинган оғзаки тил ҳисобланади. Ян Милоддан аввал. VII-VI асридан то милодий III асригача (ҳаммаси бўлиб 10 аср атрофида) муомалада бўлган. Конг Ингда (孔穎達)нинг «Чженгвен» китобида қуидагича ёзилади:

“雅言，正言也。”⁹ (Yǎyán, zhèng yán yě) – Я тили Хитойда ишлатилган энг дастлабки оғзаки тил, замонавий путунхуага тўғри келади. Тарихий манбаларда ёзилишича, я тили Чжоу сулоласи даври маҳаллий диалект асосида юзага келган.¹⁰

Конфуций¹¹ Лу давлатида ўз мактабини очган ва илм ўргатган. Унинг 3000 нафар шогирди Хитойнинг турли томонларидан келишган эди. Дарсларни Конфуций я тилида олиб борар эди. Гапларимиз далили сифатида қуидаги мисолни келтирамиз:

“子所雅言，《诗》、《书》、执礼，皆雅言也。” (Zǐ suǒ yǎyán, 《Shī》、《Shū》、zhílǐ, jiē yǎyán yě) – Конфуций маъruzаларни я тилида ўқирди, қолганлар ҳам я тилида гапиради; «Шижинг», «Шужинг»¹² ҳам шу тилда ёзилган.¹³

⁹ Сихай (辞海), Шанхай, 2008, 1-жилд 509-б

¹⁰ Чжоу сулаласи (м.а. XI аср – м.а. 221 йил). Пойтахи – Фэнгао шахри (丰镐) (хозирги Сиан шаҳрининг шимоли-гарби)

¹¹ Конфуций - 孔子 (м.а.551-479) – Хитой буюк мутафаккир олими, донишманди, сиёсатшунос, педагог. “Ружя” фалсафий мактаби ҳамда конфуцийчилик таълимотининг асосчиси. Унинг асосий ғоя ва қарашлари “Лунюй” (Мулоҳазалар ва сухбатлар) асарида ўз аксини топган. (Сихай 2-жилд 1176-б)

¹² Бу асарлар ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш учун мазкур ишнинг 23-бетига қаранг

¹³ 《Лунюй·Шуэр》 (22,56)

Қадимий хитой тили – “замонавий хитой тили”нинг ота-бобоси бўлиб, 1919 йил 4 май ҳаракатидан¹⁴ олдинги тарихий жараёндаги хан миллатининг умуммиллий тили ҳисобланади.

Бу тил замонавий хитой тили билан умумий тил асосига эга, лугатшунослик ва грамматика тузилиши ҳам ўзаро мослашади; бироқ лексик тизим ва оғзаки тил нутқаи назаридан замонавий хитой тилидан катта фарқ қиласи. Қадимги хитой тили одатда қадимги ёзма тилни ифодалайди, “**венян**” ва “**қадимги байхуа**”¹⁵ ни ўз ичига олади. У аввалги даврлар тиллари хусусиятларини ўзида мужассамлаштириб, гоҳида ўта мураккаб ғоялар ёзма баёнининг турли тил усулларини ишлаб чиққан.

Венян – Милоддан аввал. VII-VI асрдан то 1919 йил 4 май ҳаракатигача (ҳаммаси бўлиб 27 аср атрофида) ишлатилган. Чин (эр.авв III аср), Хан (эр. авв. 206-эрамиз 220) сулолалари давригача оғзаки нутқда ишлатилган ва бу сулолалардан кейин олимлар томонидан шу тил қофиясида ёзма шаклга келтирилган тилдир. Венян Яян (**雅言**) асосида вужудга келган.

Баҳор ва Куз (Чунчю), Жанг филувчи подшоликлар (Чжанго)¹⁶ даврида қоғоз ҳали кашф этилмаган, ёзув бамбук тахтачалар, ипак ва бошқа буюмларга акс эттирилган. Ўша пайтларда ҳам (ҳозиргидек) ипак жуда қиммат бўлган. Бамбук тахтачаларига эса қўп иероглифларни сифдириб бўлмасди. Шунинг учун бир ўрамга янада

¹⁴ 4 май ҳаракати (五四运动) – Хитой тарихида империяга қарши қаратилган йирик қўзғолон ҳаракати. 1919 йил 4 май Пекинда талабалар намойиши билан бошланган. Бу ҳаракат Хитойда марксизм ғоясини тарқалишини тезлаштириди.

¹⁵ Қадимги байхуа – VII-VIII асрдан ҳозирги пайтга қадар (13 аср атрофида) муомалада бўлган. Доимо венян билан курашиб келган: 5 аср пассив, 8 аср актив кураш олиб борган. Байхуада асосан оммабоп адабиёт асарлари ёзилган, яъни у оддий халқ учун мўлжалланган мазмунан осон, содда, омма тушунадиган тилдир. 1919 йил 4 май ҳаракатидан кейин венян ўрнини байхуа эгаллаган. Байхуа – шимолий диалект асосида шаклланган бўлиб, оғзаки нутқга якин бўлган ёзма тилдир. 白话文 báihuàwén – “садда тилда мақола ёзмоқ” маъносини англатади.

¹⁶ Шарқий Чжоу (M.a.771-221 йиллар) даври иккига бўлинади: 春秋 (Чунцю) ва 战国 (Чжанго)

күпроқ маълумотни сиғдириш учун, унчалик муҳим бўлмаган қайдларни ўчириб ташлашга тўғри келарди.

Айтиш мумкинки, венян дунёдаги энг қадимги *ихчамлаштирилган ёзув тури*дир. Кейинчалик “қоғоздан” кенг қўламда фойдаланиш бошлангандан сўнг, расмий хужжатларни венянда ёзиш одатий тусга кирди, бу эса ўша давр одамларини венянни янада яхшироқ ўрганишига туртки бўлди. Бунинг устига венянда қўлёзмалар ёзиш анча тежамкор эди.

文言文 wén yánwén сўзининг лексик-семантик таҳлили. Бу сўздаги биринчи 文 wén - “ёзма тилда ёзилган мақола” маъносини билдиради. 言 yán – ёзмоқ, акс эттиromoқ маъносини беради. Охирги 文 wén – асар, мақола каби маъноларни билдиради.

文言文 – бу ёзма тилда мақола ёзмоқ тарзида таржима қилинади.

Демак, **文言文** – бу хитой ёзма адабий тили.

Венян оғзаки тил ва ёзувнинг маданият, тарих билан боғлиқлигини ҳам ўзида акс эттиради. Тил кўпинча оғзаки мулоқот воситаси бўлгани учун, реал ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ. Тил ҳали маданият ҳолатига кирмаган экан, у ҳаёт анъаналарини давом эттириш вазифасини бажаролмайди. Венян эса аллақачон маданиятга айланган, десак адашмаймиз.

Венянни ўрганиш жараёнида бизда хато фикр пайдо бўлиши мумкин: қадимги одамлар сўзлашганда ҳам худди шундай, яъни венян матнларида ёзилгандек мулоқот қилишганми?

Аслида қадимги хитойлар ўз фикрини ифода этишганда, бу фикрнинг ёзувда акс эттирилган шакли ва талаффуз қилинган шакли бир-биридан катта фарқ қилган. Масалан, бирор одамдан овқат егани ҳақида сўралганда, оғзаки тилда: “吃饭了吗?” chī fàn le ma? (“Овқат

едингми?”) тарзида ифодаланса, худди шу савол ёзма тилда (венян): “饭否?” fàn fǒu? (“Овқатландингми?”) кўринишида бўлган.¹⁷

Хитойда қадимда ёзилган барча асарлар ёзма тилда битилган. Шунинг учун ҳозирда қадимги хитой тили “文言文” деб аталади.

Венян хитой маданиятининг дурдонаси, ота-боболар хитой халқига қолдирган бекиёс бойликдир. Хитой таълим тизими бўйича ўқувчилар ўрта мактабдан бошлаб венянни ўрганишади. Бу эса хитой халқининг ўз тарихи ва маданиятига бўлган катта ҳурмати ва қизиқишидан далолат беради.

Венян жуда ранг-баранг тилдир. Хитой анънавий маданиятининг асосий қисми венянда битилган. Бу эса 3000 йиллик тарихни ўз ичига олади.

Венянни ўрганишнинг ахамияти. Венян аллақачон муомаладан чиққан, фақат ёзувда сақланиб қолган, холос. Аммо венян ёзуви хали ҳам ўрганилади. Нима учун?

Сабаби эса венянни билиш орқали Хитой қадимги ва классик давр бадиий ёдгорликларини ҳақиқий кўринишида мutoала қилиш ва ушбу манбаларнинг асл қадр-қимматини ҳис этиш мумкин бўлади.

Венян ҳам билим ҳисобланади. Хитой тилини акс эттириш, тасвирлаш, унинг ички тузилиши, хусусиятлари венянни ўрганган инсон учун янада яққол намоён бўлади. Венянда ёзилган матнларни ўқиб мутола қилинганда хитой тилининг нағислиги, ўзига хослиги, Хитой анъналари, маданияти, тарихи ҳис қилинади.

Венянни ички тузилишини ўрганиш орқали эса замонавий хитой тилини янада чукурроқ англаш, грамматик тузилиш ва баъзи жумбоклар ўз-ўзидан ечимини топади.

Венян хусусиятлари. Венян матнларини ўқиш жараёнида илмнинг ўзгача сехрини ҳис этиш мумкин. Сабаби, венянда максимал кам

¹⁷ 14,14

белгилар (иероглифлар) орқали катта қўламдаги тушунчалар акс эттирилган. Зеро кўриб чиқилганидек, у – дунёдаги энг дастлабки вужудга келган ихчамлаштирилган ёзув тури.

Венян: 不者，若属皆且为所虜。Fǒu¹⁸ zhě, ruò shǔ jiē qíě wéi suǒ lǔ.¹⁹

Байхуа: 不这样的话，你们这一班人都将被他们俘虜。Bú zhèyàng de huà, nǐmen zhè yì bān rén dōu jiāng bì tāmen fúlǔ.

Таржимаси: Агар шундай йўл тутмасангиз, барчангиз уларнинг қулига айланасиз.

Юқоридаги икки тил матнини таҳлил қўйдагича. Фикрни ёзувда акс эттириш учун венянда 9 та белги ишлатилган бўлиб, гап ихчам ва қисқалиги билан фарқ қиласи. Байхуада эса аналогик ғояни очиб бериш учун 18 та (икки баробар кўпроқ!) белги ишлатилган.

Зеро, тилда венян матнларини таржимаси ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Шунинг учун бир қатор венянда ёзилган манбаларда тарихий матнга байхуадаги шарҳ илова қилинади.

Кўйида венянни замонавий тилга таржима қилганда қайси жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида фикр боради.

- аввал бутун матнни кўздан кечириб чиқиш;
- асосий ғояни тушуниб олиш;
- тартиб бўйича таржимани бошлаш;
- ҳар бир гапни таржима қилаётганимизда, у гапдан олдинги ва кейинги гаплар мазмунини ҳисобга олган ҳолда таржима қилиш;
- ижодий ёндашиш зарур, акс ҳолда таржима қуруқ ва маъносиз чиқади;
- одам, географик номларни таржимаси.

¹⁸ 不 инкор сўзи қадимги хитой тилида fǒu тарзида талаффуз қилинган. Замонавий хитой тилида bù тарзида ўқиласи.

¹⁹ «Тарихнома·Сянной фаолияти бўлими»

Замонавий Хитойда қадимги хитой тили услубидаги афоризм ва шиорлар жуда оммабоп. Юқорида Жинмэн ороли қояларидан бирида (ХХР, Тайван ҳудуди) Чан Кай-ши²⁰ чақириғи венянда акс эттирилган: "毋忘在莒" (Wú wàng zài Jǔ), "Ёдингиздан чиқарманг, - (биз) Жюй (шахри)дамиз!"²¹.

Мавзу бўйича саволлар:

- 1.Хитойшуносликда А. Масперо таклиф этган давларга бўлиш модели дунё хитойшунослигига қайси жиҳатлари билан машхур?
2. Ван Ли томонидан «汉语史稿» (hànyǔ shǐgǎo) китобида таклиф этилган даврлаштириш қайси қисмлардан иборат?
3. Қадимги хитой тили қайси қисмлардан иборат?
4. Венянни замонавий тилга таржима қилганда қайси жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим?

Амалий машғулот вазифалари ва саволлари:

- 1.Сима Чиен. “Тарихчи битиклари” матнидан лавҳанинг асосий мазмунини гапириб беринг.
- 2.Венян тилида фаол қўлланиладиган эгалик кишилик олмошлари қайслар? Уларнинг замонавий хио йтилида эквивалентлари.
- 3.Қадимги хитой тилида қўлланилган равишлар ва уларнинг замонавий тилда ишлатилиши.

Мустақил таълим вазифалари:

- 1.Сима Чиен. “Тарихчи битиклари” матнидан лавҳани таржима қилинг.
- 2.Матнда учраган кишилик олмошлари, равишларни таҳлилини амалга оширинг.

²⁰ 蒋介石 (Jiǎng Jièshí) Цзянг Цзеши (1887–1975) – Хитой қуролли кучлари қўмондони, генералиссимус,

мутафаккир давлат арбоби. 1925 йили Сонг Ятсен (孙逸仙 Sūn Yìxān) ўлимидан кейин Гоминданг партиясига бошчилик қилган. Умрининг охирги 26 йилини Тайванда ўтказиб, шу ерда вафот этган.

²¹ www.wikipedia.org

2 МАВЗУ. Венянда ёзилган қомусий ёдгорликлар

Дарснинг ўқув мақсади: «Тўрт муқаддас девон» (四书) ва «Беш муқаддас тўплам» (五经), «Дасюэ», «Чжунгюнг», «Лунюй», «Менг-зи», «Шижинг», «Шужинг», «Шангшу», «Шангшу»нинг замонавий нусхаси, «Шангшу»нинг қадимги нусхаси, «Лижи», «Ижинг», «Чунчю», «Зожуан», «Гонгянг жуан», «Гулянг жуан», «Эря» хусусиятлари ҳақида маълумотга эга бўлиш .

Таянч тушунчалар: классик венян тили, конфуцийшунослар, ёзма адабий ёдгорликлар.

Классик венян даври адабий ёдгорликлари ичида конфуцийшунослар тўплами таркибига кирган китоблар алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу тўплам 13 китобни ўз ичига олади.²²

Конфуцийшунос олимларнинг 2 хил тўплами мавжуд:

«Тўрт муқаддас девон» (四书) ва «Беш муқаддас тўплам» (五经).²³

²² Жанубий Сонг (1127-1270) даврида тўплам шаклига келтирилган 十三经 :

1. 《周易》 (м.а. XI-VIIIаср)
2. 《周礼》 (м.а. XI-IIIаср)
3. 《诗经》 (м.а. X-Vаср)
4. 《孝经》 (м.а. VIII-Vаср)
5. 《尚书》 (м.а. VI-Vаср)
6. 《左传》 (м.а. VI-Vасрлар)
7. 《论语》 (м.а. V-IIIаср)
8. 《公羊传》 (м.а. V-IIаср)
9. 《谷梁传》 (м.а. V-III)
10. 《仪礼》 (м.а. V-IIасрлар)
11. 《尔雅》 (м.а. V-II аср)
12. 《礼记》 (м.а. IV-Iаср)
13. 《孟子》 (м.а. IIIаср)

²³ “Сишу” номланиши Сонг даврида (960-1270), “Ужинг” эса Хан даврида (м.а. 206-эрдамиз 220) юзага келди.

«Тўрт девон» Конфуций таълимотини ўрганувчилар учун бирламчи ўкув қўлланмаси бўлиб хизмат қилган. Ушбу манба мажбурий ўкув материали сифатида қабул қилиниб, илмий даража бўйича имтиҳонларда фойдаланилган. Ўша давр талабларига кўра, илмий даража номзоди қадимги файласуфлар тилида ўз фикр-гояларини ифода этиши ҳамда «Тўрт девон»ни ёддан билиши шарт эди.²⁴ «Беш муқаддас тўплам» эса расмий ғоя ва таълим тизимининг асоси деб тан олинган.

«Сишу» (四书) қуйидаги китобларни ўз ичига олади:

1. «大学» Dàxué (Буюк таълимот)
2. «中庸» Zhōngyōng (Билим ўчоги)
3. «论语» Lùnyǔ (Сухбат ва мулоҳазалар)
4. «孟子» Mèngzǐ (Менг-зи)

«Ужинг» (五经)²⁵ қуйидаги китоблардан иборат:

- 1) «诗» Shī (Шеърлар);
- 2) «书» Shū (Тарих);
- 3) «礼» Lǐ (Маросимлар);
- 4) «易» Yì (Ўзгаришлар китоби);
- 5) «春秋» Chūnqīū (Баҳор ва Кузлар).

Булардан ташқари қуйидаги тўрт асар ҳам 13 муқаддас девон таркибига киритилган:

- 1) «左传» Zuǒzhuàn (Зо Чюминг солномаси);

²⁴ 8,40

²⁵ Олтинчи муқаддас китоб – 乐经 (Yuèjīng) – Мусика китоби. Маълумотларга кўра, м.а. 3 аср охирида Чин Шихуанг қатағонлари пайтида йўқолиб кетган.

- 2) «公羊传» Gōngyángzhuàn (Гонгянг солномаси);
- 3) «穀梁传» Gǔliángzhuàn (Гулянг солномаси);
- 4) «尔雅» ěryǎ («Эря» луғати).

«Дасюэ»

«Дасюэ» түқкіз мұқаддас китобдан бири бўлиб, дастлаб «Ли» (礼) таркибига кирган.²⁶ Тахминан Чин ва Хан сулолалари арафасида (М.а. III-милодий Шасри) конфуцийшунослар томонидан ёзилган.

Манбаларга кўра, бу китобни Зенгзи²⁷ ёзган. “Дасюэ” З та бўлимдан иборат: бир жинг (经) ва икки жуан (传).

Сонг сулоласи даврида (960-1270) «Дасюэ» «Лижинг»дан ёзиб олинган. Ўша даврда «Дасюэ», «Лунюй», «Менг-зи» ҳамда «Чжунгюнг» билан бир қаторда ўқитилган. Жанубий Сонг (1127-1270) даври императори Чунси²⁸ ҳукмронлиги даврида Чжузи²⁹ «Тўрт девон девони»ни яратиб, «Дасюэ», «Чжунгюнг», «Лунюй», «Менг-зи»ни биргаликда «Сишу» (Тўрт девон) деб атайди.

«Чжунгюнг»

9 мұқаддас китобдан бири. Дастлаб «Лицзи» таркибига кирган. Аньанага кўра, Курашувчи подшоликлар даврида (М.а.403-221) Зиси³⁰ томонидан ёзилган. Замонавий олимларнинг фикрича, “Чжунгюнг” Чин даврида (М.а. 221-207) Менг-зи мактаби номаёндалари томонидан тузилган. “Чжунгюнг”да ўша даврдаги илм-фан тараққиётига мос ҳолда

²⁶ 22,682

²⁷ 鲁子(м.а.505-436) – Чунцю сулоласи даврида яшаган, Конфуций (孔夫子) шогирдларидан бири. Йирик мутафакир олим. Давомчилари томонидан “зонгшэнг” (宗圣) - “авлиё” номи берилган. (Сихай, 4-жилд 2669-б)

²⁸ Чунси (淳熙) 1174-1189 йилларда ҳукмронлик қилган.

²⁹ Чжузи (朱熹) – (1130 - 1200) Хитой файласуфи ва тарихчиси, неоконфуцийчилик таълимоти асосчиларидан бири. (Сихай, 4-жилд 2812-б)

³⁰ Зиси (子思) - (М.ав. 483-402) Чжанго даври файласуфи. Асл исми – 孔伋 (Kǒngjí), Конфуций набираси хисобланади. (Сихай, 4-жилд 2847-б)

ахлоқ қоидалари ва табиат қоидалари ёритилган. Сонг сулоласи (960-1270) даврига келиб, у «Дасюэ», «Лунюй», «Менг-зи» билан биргаликда «Сишу» деб номлана бошлади.

«Лунюй»

«Лунюй» ҳам тўққиз китобдан бири бўлиб, Конфуций фикр-мулоҳазаларининг тўпламидир. 20 бўлим, 492 банддан иборат. Конфуций шогирдлари томонидан Конфуцийнинг тўғридан-тўғри нутқи ҳамда уларнинг эшигларни асосида тартибга солиниб, ёзилган. Унда Конфуцийнинг сухбати, шогирдларининг саволларига жавоблар ҳамда улар орасидаги баҳс-мунозаралар акс эттирилган. Бу китоб 80 йил давомида ёзилган, илк бор м.а. 4000 йилда пайдо бўлган.³¹

Жанубий Сонг сулоласи императори Чунси даврида (1174-1189) Чжуси уни «Дасюэ», «Чжунюн» ва «Менг-зи» билан бирлаштириб, «Тўрт девон» деб номлайди.

«Менг-зи»

«Менг-зи» тўққиз китобдан бири бўлиб, Курашувчи подшоликлар (м.а. 403-221) ҳукмронлигининг ўрталарида Менг-зи ва унинг шогирдлари Ван Чжанг (万章), Гонг Сонгчоу (公孙丑) ва бошқалар томонидан ёзилган. «Менг-зи»да Қадимги Хитой буюк файласуфи Менг-зининг³² қарашлари акс этган. «Хан китоби» нинг “Адабиёт ва санъат” бўлимида (汉书·艺文志) «Менг-зи»нинг 11 боби киритилган бўлиб, ҳозирги қунгача 4 боби сақланиб қолган. Анъанага кўра, булардан ташқари «Менг-зининг бегона китоби» номли тўрт китоби ҳам бор. Бу китоб ҳозиргача етиб келмаган.³³

³¹ 12,46

³² Асл исми Мэнг Кэ (孟軻), (м.а. 372-289) яшаган қадимги Хитой файласуфи. (Сихай, 2-жилд 1460-б)

³³ Бугунги кунда «Мэнгзи бегона китоби» (孟子外书)нинг Минг Таоши томонидан ёзилган сохта нусхаси мавжуд. (22,683)

Китобда Менг-зи ва шогирдларининг ҳаётдаги турли вазиятларда; сиёсат, таълим, фалсафа соҳаларида фикр ва мулоҳазалари берилган. Жанубий Сонг императори Чунси хукмронлиги (1174-1189) даврида Чжуси уни ва «Лунюй», «Дасюэ» ва «Чжунгюнг»ни бирлаштириб, «Сишу» га айлантирган.

«Шижинг»

«Шижинг» (Шеърлар девони) – тўққиз муқаддас китобдан бири. М.а. XI-VII асрларда шаклланиб, VI-V асрларда Конфуций томонидан таҳрир қилиниб, тўплам сифатида нашр этилган. 3000дан ортиқ халқ қўшиқларини ўз ичига олган. Энг дастлабки шеър ва қўшиқлар тўплами ҳисобланади. Халқ, сарой ва ибодат билан боғлик шеъриятни ўз ичига олади. Қадимда «Ши» деб номланган, конфуцийшуносларнинг муқаддас девони сирасига киради. Ҳаммаси бўлиб 305 бўлимдан иборат. «Шижинг» қуйидаги катта уч қисмга бўлинади:

1. «Фэнг» (风 Урфлар)
2. «Я» (雅 Одалар)
3. «Сонг» (颂 Қўшиқлар)

«Фэнг» таркибига 15 та Гофэнг (国风 Давлат урфлари); «Я» таркибига «Дая» (大雅 Катта Я) ва «Сяоя» (小雅 Кичик Я); «Сонг» таркибига «ЧжоуСонг» (周颂), «ЛуСонг» (鲁颂) ва «ШангСонг» (商颂) киради.

Шэнси, Шанси, Хэнан, Шандонг ва Хубей провинциялари худудларида яратилган, деб тахмин қилинади.

«Шужинг»

«Шужинг» («Накллар девони» ёки «Тарих девони»). Бошқача номланиши – “Шангшу”. (尚书). Унда энг қадимги, яъни м.а. XXIV-VIII асрлар тарихи акс эттирилган. Анъанага кўра, Конфуций томонидан м.а.V асрда ёзилган. Чин Шихуанг(м.а.259-210)³⁴ томонидан м.а. 213 йилда ёндириб ташланган, м.а. 178 йилда эса бу асарни ёддан билган машхур олим Фу Шэнг томонидан қисман тикланган.

«Шангшу»

«Шангшу» («Тарих девони»)нинг яна бир номи «Шу» ва «Шужинг»дир. «Шангшу» 9 муқаддас китобдан бири ҳисобланади. Бу китобда Хитойдаги қадимий тарихий хужжатлар ва қадимда машхур бўлган китобларнинг тўплами берилган. Анъанага кўра, Конфуций томонидан таҳрир қилинган. Аслида эса айрим қисмлари, жумладан, «Яодян» (尧典), «Гаотаомоу» (皋陶谋), «ЮйГонг» (禹贡), «Хонгфан» (洪范) кабилар конфуцийшунос олимлар томонидан тўлдирилган.

«Шангшу»нинг қадимги ва замонавий тилда ёзилган нусхалари мавжуд:³⁵

«Шангшу»нинг замонавий нусхаси

28 бобдан иборат. Маълумотларга кўра, Конфуций томонидан тузилган, лекин «Яодян», «Гаотаомоу», «ЮйГонг», «Хунгфан» каби бобларнинг барчаси кейинчалик конфуцийшунослар томонидан тўлдирилган. Ғарбий Хан сулоласи даврида³⁶ энг дастлабки нусхаси Фу Шэнг томонидан ёзиб қолдирилган, иероглифлар лишу³⁷ ҳусниҳат турида ёзилган.

«Шангшу»нинг қадимги нусхаси

³⁴ 秦始皇帝 Асл исми – Инг Чженг (嬴政). Чин сулоласи асосчиси. Ҳукмронлик йиллари - м.а. 246 - 210 йиллар. (Сихай, 3-жилд 1700-б)

³⁵ 22,683

³⁶ М.а. 206 – эрамизнинг 25 йиллари

³⁷ 隶书 Лишу – 4 асосий ҳусниҳат услубларидан бири. Расмий ёзув. Ўзига хослиги – иероглифларнинг квадрат кўринишида бўлиши.

Яна бир номи «Ишу» (逸书) бўлиб, «Шангшу»нинг турларидан биридир. «Ханшу»да ёзилишича, Хан даври императори Уди³⁸ ҳукмронлигининг охирги йилларида Лююй деган одам Конфуций яшаган хонадоннинг деворидан бу китобни топиб олган. «Шангшу»нинг қадимги нусхаси замонавий нусхасига қараганда 16 бобга кўпроқ. Бунинг сабаби Чин ва Хан давридан олдин фойдаланилган “Гувен” (古文³⁹)да ёзилганидир. Шарқий Хан сулоласи олими Дулиннинг⁴⁰ таъкидлашича, Зенг Дечи (曾得漆)нинг китоби «Қадимги Шангшу»нинг асл нусхаларидан биридир. Барча мумтоз конфуцийшунос олимлар буни асл нусха сифатида тан олишган, замонавий конфуцийшунослардан Вэйюан (魏源)⁴¹, Гонгзи Чжен (龚自珍)⁴², Канг Ювей (康有为)⁴³ ва бошқалар бу нусхани қалбаки деб ҳисоблашади.

«Ли» («礼») 3 қисмдан иборат:

1. «Или» («仪礼»⁴⁴)
2. «Чжоули» («周礼»)
3. «Лицзи» («礼记»).⁴⁵

«Лижи»

³⁸ 汉武帝 (м.а.156-87) – Ғарбий Хан сулоласи императори. Ҳукмронлик йиллари – м.а.140-87.

³⁹ Қадимги Ин ёзуви. Хитой ёзувининг энг қадимги кўриниши бўлиб, тошбақа косаси ва ҳайвонлар суюкларида акс эттирилган (жягувен). Улар орқали қадимги одамлар турли маъбуд, аждодлар руҳига мурожаат қилишган, фол очишган

⁴⁰ 杜林 (?-47) - Шарқий Хан даври таниқли абабиётшунос олими. Асл исми – Бошан (伯山) (Сихай, 1-жилд 478-б)

⁴¹ Вэйюан (1794-1857)

⁴² Гонгзи Чжен (1792-1841)

⁴³ Кангю Вей (1858-1927)

⁴⁴ Бу асарни Конфуций яратган деб тахмин қилинади.

⁴⁵ 8,40

«Лижи» (礼记) - «Маросимлар» ёки «Низомлар» ҳақидаги қайдлар.

М.а. IV-I асрлар давомида турли муаллифлар томонидан ёзилган. Турли маросимлар ва жамиятда ўзини тутиш қоидалари ҳақида баён қилинган. «Лижи»ни билмаган киши ҳеч қандай лавозимга тайинланиши мумкин бўлмаган ва маданиятли ҳисобланмаган. Кейинчалик неоконфуцийшунослар даврида (XII аср) «Тўрт девон» (四书) муаллифи Чжу Си унга «Лижи»нинг икки бўлими: «Чжунгюнг» (中庸) ва «Да сюэ» (大學)ни киритган.

«Ижинг»

«Ижинг» (易经)нинг яна бир номи – «Чжоуи», қисқартирилган номи – «И». «Ўзгаришлар китоби» деб ҳам аталади. Тўққиз муқаддас китобдан бири. Ғарбий Чжоу сулоласи даврида (м.а. XI-VIIIаср) ёзилган деб тахмин қилинади. Таркибида «Жинг» (经) ва «Жуан» (传) икки бўлим акс этган. «Жинг» асосан 64 та триграммама⁴⁶ ва 384 изоҳдан иборат. Ҳар бир изоҳ ва триграммага шарҳ илова қилинади, улар фол очиш учун ишлатилган.

Қадимги анъанага кўра, Фуси⁴⁷ триграммани чизади, Вэнванг⁴⁸ эса уларга изоҳ беради. Бу китобнинг илк кўриниши Ин давлатининг тугатилиши ва Чжоу сулоласи арафасида яратилган. «Жуан» (传) бўлими «Жинг»га берилган илк изоҳ ҳисобланади, 10 бўлимдан иборат, шу сабабли умумий номи «Ўнлик» («十翼»)⁴⁹)дир. Илк манбаларга кўра, бу китобни Конфуций

⁴⁶ 卦 guà – триграмма. Учта яо (爻)дан иборат алоҳида белги. www.wikipedia.org

⁴⁷ 伏羲 Fúxī – Хитойнинг энг биринчи афсонавий императори, Шарқ хукмдори. Паоси (庖牺), Тайхао (太昊) деб ҳам аталган. Афсоналарга кўра, инсон бошли ва аждаҳо Тангали мавжудот тарзида тасвирланган. Конфуцийшунослик хисоби бўйича м.а. 2852-2737 йиллари (хаммаси бўлиб 115 йил) хукмронлик қилган. Унинг турмуш ўртоғи – маъбуда Нюйва. (Сихай, 1-жилд 599-б)

⁴⁸ 文王 Wénwáng (周文王 Zhōu Wén Wáng – Ўқимишилар Қироли) Туғилганда берилган номи - Чжоу Зичан. М.а. XII асрда яшаб ўтган. Чжоу вилояти (удел) ҳокими бўлган. Афсонага кўра, Хитойда интелегенцияни бошлаб берган инсон. (Сихай, 4-жилд 2221-б)

яратган. Ҳозирги замон олимларининг изланишларига кўра, бу китоб Курашувчи подшоликлар даври охирги йиллари ёки Чин ва Хан сулолалари арафасида конфуцийшунос олимлар томонидан ёзилган. “Чжоуи” илк Хан даврида унинг икки хил қўлёзма нусхаси бўлган.



Фуси триграммма ва тошбақа билан бирга

(伏羲坐像)

«Чунчю»

«Чунчю» (春秋) – Қадимги Хитойнинг энциклопедик ёдгорлиги. Лу мамлакати (鲁国) йилномаси бўлиб, Хитойда илк яратилган солнома асар ҳисобланади. М.а.ІІІ асрда Чин подшолиги даврида яратилган. Хитой тарихи ва фалсафаси бўйича қимматбаҳо манба ҳисобланади.⁴⁹

«Chūnqīū» даги матнлар ўта ихчамлаштирилганлиги сабабли (матн ҳажми 16257 иероглиф), буларга изоҳлар унинг «左传» (Zuǒzhuàn), «公羊

⁴⁹ 8,39

传》 (Gōngyángzhuán), «穀梁传» (Gǔliángzhuán) номли бўлимларида бериб ўтилган.

«Зожуан»

«Зожуан» (左传) («Зо Чюминг солномаси») Маълумотларга кўра, Зо Чюминг(左丘明)⁵⁰ томонидан ёзилган. Асарда м.а. 722-468 йиллардаги воқеалар тафсилоти берилган. Асар матнлари эса асосан м.а. IV асрда тузилган, кейинчалик қайта тўлдирилган ва таҳрир қилинган. Шундан кейин «Зожуан» конфуцийшунос олимлар томонидан муқаддас китоблардан бири, яъни «春秋» (Чунчю)⁵¹ китобига шарх деб тан олинган ва конфуцийшунослар манбаларидан бирига айланди.

«Гонгянг жуан»

«Гонгянг жуан» (公羊传) ёки «Чунчю Гонгянг жуан», «Гонгянг Чунчю» («Гонгянг Гао солномаси») – конфуцийшунос олимларнинг муқаддас девонидан бири. «Чунчю» китобига шарх бўлиб, Курашувчи подшоликлар даврида (м.а. 403-221) Гонгянг Гао⁵² томонидан ёзилган. Дастрраб фақат оғзаки тарзда тарқатилган, Хан сулоласи (м.а.206-милодий 220) бошларига келиб китоб шаклига айлантирилган. Лу Ингонг⁵³ ҳукмронлигининг 14-йилидан бошлаб (м.а.722й), то Лу Айгонг⁵⁴ ҳукмронлигининг 14-йилигача (м.а.481й) бўлган тарихий жараёндаги воқеалар тафсилолари баён этилган.

«Гулянг жуан»

⁵⁰ Цзо Чюминг –Чунчю (м.а. 722-481) даврида яшаган тарихшунос олим. Аньянага кўра, иккала кўзи ожиз бўлган. Конфуций шогирдларидан бири, ҳамда унинг замондоши. (Сихай, Шанхай, 2008, 4-том 2878 бет)

⁵¹ Қадимги Лу подшолиги солномаси (м.а. 722-479 йиллар)

⁵² 公羊高 Gōng Yánggāo – Курашувчи подшоликлар даври (м.а.V-III аср) Чи мамлакати ёзувчиси. Аньянага кўра, Зися (Конфуций набираси)нинг шогирди. (Сихай, 1-жилд 683-б)

⁵³ 魯隱公

⁵⁴ 魯哀公

«Гулянг жуан» (穀梁传) ёки «Чунчю Гулянг жуан», «Гулянг Чунчю» («Гулянг Чи солномаси») – бу ҳам конфуцийшунос олимларнинг муқаддас девонидан бири. Курашувчи подшоликлар даврида (м.а. 403-221) Гулянг Чи⁵⁵ томонидан ёзилган. Дастраб фақат оғзаки тарзда тарқатилган, Ғарбий Хан сулоласи (м.а.206-милодий 25) даврига келиб китоб шаклига айлантирилган. Лу Ингонг хукмронлигининг 14-йилидан бошлаб (м.а.722й), то Лу Айгонг хукмронлигининг 14-йилигача (м.а.481й) бўлган тарихий жараёндаги воқеалар тафсилотлари баён этилган. Китобдаги шарҳлар савол-жавоб кўринишида бўлиб, «Чунчю»нинг “принципial моҳияти”ни очиб беришга қаратилган. Мазмунан «Гонгянг жуан» шарҳига яқин.

«Эря»

«Эря» (尔雅) – Хитой тарихида илк яратилган изоҳли лугат бўлиб, у бир неча юз йилликлар давомида кўплаб олимлар томонидан ишланиб келинган.⁵⁶ Тахминан м.а. V-II асрда ёзилган. Замонавий нусхаси 19 бўлим, 4300 сўздан иборат. Мазкур лексикографик асарда сўзлар тематик гурухларга ажратиб берилади. Масалан: тоғга оид сўзлар, самога оид сўзлар, сувга оид сўзлар ва ҳ.к.

«Эря» асари Танг ва Сонг сулолалари⁵⁷ даврига келиб, конфуцийшунос олимларнинг 13 муқаддас китобидан бирига айланди. «Эря» лугати Хитой халқига қолдирилган бебаҳо маданий бойлик ҳисобланади.

Мавзу бўйича саволлар:

1. «Тўрт муқаддас девон» (四书) ва «Беш муқаддас тўплам» (五经)

⁵⁵ 穀梁赤 Gǔ Liángchì - Курашувчи подшоликлар даври (м.а.V-III аср) Лу мамлакати олими. Анъанага кўра, Зися (Конфуций набираси)нинг шогирди. (Сихай, 1-жилд 708-б)

⁵⁶ 32,509

⁵⁷ Танг 唐 (618-907), Сонг 宋 (960-1279)

- Хитой иероглифлари сони ҳақида түлиқ маълумотга эга бўлиш.
- Хитой иероглифи ҳақида маълумотларга эга бўлиш.
- Таовэн хуснихатлари ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.
- Жагувэн хуснихати бўйича илмий тушунчаларга эга бўлиш.
- Шовэн жиези лугатида келтирилган иероглифлар сонини ўрганиш.

Амалий машғулот учун саволлар

- "Юй пян" (余篇) луғати ва "Кангши зидян (康数字点) луғатида келтирилган иероглифлар сони ҳақида маълум тушунчаларни ҳосил қилиш.
- "Жунгхуа да зидян (中华大字典) ва "Ханюй да зидян" (汉语大字典) луғатлар иероглифлар сони ҳақида статистик маълумотларга эга бўлиш.
- Иероглифларнинг кўпайиб бориш сабаблари хусусида аниқ тасаввурни пайдо қилиш.
- Хитой тарихида иероглифларни кўпайишига қарши олиб борилган расмий ҳужжатлар ҳақида маълумотларни тўплаш.
- Иероглифлар сони бўйича ёзилган тарихий манбаларни ўрганиш.
- Буддизм адабиётидан. “Орзулар дури” матни.

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар

- Иероглифик ёзувнинг пайдо бўлиши.
- Иероглифик ёзувнинг сон жиҳатдан кўпайиб бориши.
- Иероглифик ёзувнинг такомиллашуви масалалари.
- "Таовэн" (陶文) хуснихати ва ундаги иероглифлар сони.
- "Жагувэн" (閔古文) хуснихати ва ундаги иерогилфлар сони.
- Иероглифик ёзув тарихида "Шовэн жиези" (首問戒子) луғатининг ўрни.

З МАВЗУ. ҚАДИМГИ ХИТОЙ ТИЛИНИНГ ЛЕКСИК ТУЗИЛИШИ

Дарснинг ўқув мақсади: «Шо вен цзе зи» (说文解字) луғати, “Tōngjǐǎzì” ходисаси: Товушдошлар алмашинуви, Шенгмудошлар алмашинуви, Қофиядош бўғинлар алмашинуви, Сўз маъносининг ўзгариши, сўз маъносининг кенгайиши, сўз маъносининг торайиши, сўз маъносининг кўчиши ҳақида маълумотга эга бўлиш.

Таянч тушунчалар: «Шо вэн цзе цзы», 通假字 tōngjǐǎzì, 古今字 gǔjīnzì,) 同源字 tóngyuánzì, 连绵字 liánmiánzì, сўзлар мослашуви.

Чжао Кэчиннинг «Қадимги хитой тили лексикологияси» (古代汉语词汇学) китоби 15-бетида ёзилишича: “Хитой ёзуви – белгили ёзув турига киради. Ҳар бир иероглиф маълум бир шакл, ўқилиш ва маънога эга. Айтиш мумкинки, назарий жиҳатдан, иероглиф сўзга teng бўлиши мумкин.”

Милодий 121 йилида Сюй Шэн⁵⁸ «Шо вэн цзе цзы» (说文解字)⁵⁹ луғатини тузади.


Олим 10000га яқин иероглифларни ўрганиб чиқиб, иероглиф шакли асосида унинг маъноси ва келиб чиқишини тушунтириди. «Шо вэн цзе зи» – Қадимги Хитойда яратилган энг йирик филологик асар ҳисобланади. Бу луғатда сўзнинг фақатгина битта маъноси келтирилади, яъни асл маъноси (本义).

⁵⁸ 许慎 Xǔshèn (58—147) Шарқий Хан даври иероглифшунос, тилшунос, адабиётшунос олими. (Сихай, 4-жилд 2413-б)

⁵⁹ “Сўзлар таҳлили ва белгилар изоҳи”. Унда 10000га яқин иероглиф 540та калит (部) бўйича тизимга келтирилиб, таҳлил қилинган. (Сихай, 3-жилд 1977-б)

Демак, бу лексикографик асар Хитойда яратилган энг дастлабки луғат кўриниши, десак хато бўлмайди. Албатта «Шо вэн цзе зи» луғатида қайд қилинган сўз маънолари хатоликлардан ҳоли эмас. Ўша пайтларда тушунчалар кўп, иероглифлар эса кам бўлган. Баъзи тушунчаларга нисбатан алоҳида иероглифлар кашф қилинмаган бир пайтда, шу тушунчани ифодалаш учун бошқа иероглифлардан фойдаланилган. Масалан: «Шо вэн цзе зи» луғатида “易” (yì – осон) иероглифи тушунчасини ифодалаш учун “蜥蜴” (xīyì – калтакесак) тасвирий-расм туркумига (象形字 xiàngxíngzì) тегишли иероглифдан фойдаланилган.

Қадимги хитой тили 2-шахс олмоши дастлаб “女” (nǚ – аёл) иероглифи билан ифодаланганди. Кейинчалик сув калити⁶⁰ билан ёзиладиган “汝” (rǔ)га ўзгарди. Охир-оқибат замонавий шакл, яъни 你(nǐ) тарзида шаклланди.



«Шо вен цзе зи» (说文解字) луғати

Асрлар мобайнинда иероглифнинг маънолари кўпайди, шакл ҳамда маъно бир-биридан ажралди, иероглиф ва сўз ҳар хил кўринишга келди.

⁶⁰ “Бихуа, яъни нуқта ва чизиклар – иероглифларни ташкил қилувчи энг кичик бирликдир, калит эса бихуалардан ташкил топган каттароқ бирликдир”. (5,74)

Иероглифларнинг ривожланиши ва ўзгариши оқибатида лексик тизимда ҳам ўзгаришлар юзага келди.

Бу эса ўз навбатида қадимги хитой тили лексикасида қуйидаги тўрт ҳодисани келтириб чиқарди:

- 1) 通假字 tōngjiǎzì – ўзлаштирилган иероглифлар (公 $gōng$ ўрнига 功 , 果 $guǒ$ ўрнига 故);
- 2) 古今字 gǔjīnzì – қадимги замонавий иероглифлар (莫 $mò$ ва 暮 $mù$, 两 $liǎng$ ва 车 $liàng$, 原 $yuán$ ва 源 $yuán$, 要 $yào$ ва 腰 $yāo$);
- 3) 同源字 tóngyuánzì – қардош иероглифлар⁶¹ (浓 $nóng$ ва 衣 $nóng$, 张 $zhāng$ ва 涨 $zhǎng$);
- 4) 连绵字 liánmiánzì – жуфт (бирикмали) иероглифлар⁶² (玲珑 $línglóng$, 参差 $cēncī$, 蜈蚣 $wúgōng$, 姝娌 $zhóu lǐ$, 匆匆 $cōngcōng$, 津津 $jīnjīn$).⁶³

“Tōngjiǎzì” ҳодисаси

Сю Шэн «Содда ёзув ва мураккаб белгилар шархи» “Сюй” (叙) бўлимида ёзади: “本无其字，依声托事，令长是也”. (Běn wú qí zì, yī shēng tuō shì, lìng zhǎng shì yě.) – Аслида бу ҳодисани англатувчи ёзув (иероглиф) мавжуд эмас, шунинг учун бу сўзга товушдош ёки ўхшаш товушли бошка иероглифни олиб, у ёрдамида алоқадор сўз ифодаланган.⁶⁴

⁶¹ Дублет, яъни ўқилиши ўхшаш ёки яқин, маъноси ўхшаш ва келиб чиқиши бир бўлган иероглифлар. Бир хил тушунчани касб этувчи иероглифлар. (29,261)

⁶² Икки бўғинли, ажралмас сўзлар. Улар бир хил товушли (匆匆 cōngcōng), ўхшаш товушли (玲珑 línglóng), ва ҳар хил товушли (蜈蚣 wúgōng) уч кўринишга эга.

⁶³ 16,16

⁶⁴ 16,230

Tōngjiāzì (通假字)⁶⁵ – қадимги ёзма тилда баъзи иероглифларни ёзиш жараёнида уларнинг ўрнига шу иероглифлар билан талаффузи бир хил ёки ўхшаш бўлган бошқа иероглифни ёзиш. Қадимги ёзма тилда товуши бир хил ёки ўхшаш бўлган иероглифлар бошланғич иероглифни ўрнига ишлатилиши, бир хил товушли сўзлар ёки яқин товушли сўзлар ёзма белгилари орасидаги алмашиниш ҳодисасидир.

Масалан, “蚤” zǎo (бурга) иероглифидан фойдаланиб “早” (zǎo) яъни “тонг” маъноси ифодаланганди. Бу ерда “蚤” карзга олинган ёки ўзлаштирилган иероглиф деб аталади; алмашилган “早” эса бошланғич иероглиф дейилади.⁶⁶

Tōngjièzì усулининг қўйидаги турлари мавжуд:

- 1) **Товушдошлар алмашинуви** (ўзлаштирилган сўз ва бошланғич сўз бир хил ўқилади). Масалан “蚤” zǎo орқали “早” ни ифодалаш; 堂 táng (жой) орқали 堂 táng (фамилия) ни ифодалаш;
- 2) **Шенгмудошлар алмашинуви** (ўзлаштирилган ва бошланғич сўз юнмуси ҳар хил, лекин шенгмуси ўхшаш⁶⁷). Масалан, “培” péi (тарбияламок) орқали “憑” píng (суюнмок, асосланмок) маъносини ифодалаш; “果” guǒ (мева) орқали “敢” gǎn (журъат қилмок) ни ифодалаш;
- 3) **Кофиядош бўғинлар алмашинуви** (ўзлаштирилган ва бошланғич сўз шенгмуси ҳар хил, лекин юнмуси ўхшаш). Масалан, “伶” líng

⁶⁵ “Tōngjièzì” (通借字) деб ҳам аталади.

⁶⁶ 21,113

⁶⁷ Хитой тилида бўғин иккига бўлинади: 1. Шенгму (声母) – бўғин бошида келувчи ундош товуш. 2. Юнму (韵母) – бўғиннинг шенгмудан кейинги бўлаги.

(санъаткор) орқали “伸” shēn (чиқармок) маъноси, “崇” chóng (эъзозламок) орқали “终” zhōng (охират) маъноси ифодаланиши.

Бундай сўзлар қадимги ёзма тилда кўп учрайди, аммо кейинги даврга бориб аста-секин камайган. Замонавий хитой тилида умуман учрамайди.

2-2. Сўз маъносининг ўзгариши

Хитой тилидаги сўзларнинг қадимги ва замонавий маъно тушунчалари.

Қадимги хитой тилида шундай сўзлар борки, улар ҳозирги кунга қадар маъноси ўзгармаган. Мисол учун, 人 rén – одам, 大 dà – катта, 小 xiǎo – кичик, 飛 fēi – учмоқ ва ҳоказо, бу хитой тилининг асосий луғат бойлигидир. Баъзи сўзлар қадимда мавжуд, баъзи ҳодисаларнинг йўқолиши ва номи ўзгариши сабабли, ҳозирга келиб аллақачон муомаладан чиқиб кетган, масалан, “甬” yōng (Чжэцзян провинцияси, Нинбо шаҳрининг қадимдаги номланиши), “诸侯” zhūhóu (князлар, феодаллар) кабилар. Бу ҳодиса **сўзлар мослашуви** деб аталади. Баъзи сўзлар эса қадимда ва ҳозирда ишлатилиб, бироқ сўз маъноси ўзгаришга учраган, шунинг учун агар уларни замонавий хитой тилига асосланиб таржима қилсак, баъзи хатоликлар келиб чиқиши мукаррап. Сўз маънолари ўзгаришини таҳлил қилиб чиқиб, қуйидаги хусусиятларни ажратдик:

1) *сўз маъносининг кенгайииши.*

1. “江” jiāng

Қадимги хитой тилида Чанжян – Янзи (长江 Chángjiāng) дарёсини ифодалаган. Масалан, «Чунчю» (春秋) асарида ёзилишича: “楚人有涉江者。”⁶⁸ Chǔ rén yǒu shè jiāng zhě (Чу мамлакатида бир одам қайиққа ўтириб, Янзи (Чанжян) дарёсидан сузиб ўтди).

Замонавий хитой тилида “江” кенг маънода дарё ва дарёлар маъносида қўлланилади.

2. “脸” liǎn

Қадимги хитой тилида чехранинг ёноқ суюклари қисми (颧骨部分 quángǔ bùfen) маъносини англатган. Масалан, «По Чжен-зи» (破阵子 pòzhènzi)⁶⁹ асарида келтирилади: “笑从双脸生”. Xiào cóng shuāng liǎn shēng (Унинг икки ёноғидан табассум тараларди) Хозирги пайтда “脸” сўзи маъноси кенгайиб, чехра (面部 miàn bù) маъносида кенг қўлланилади.⁷⁰

3. “响” xiǎng

Қадимги хитой тилида акс-садо (回声 huíshēng) маъносини ифодалаган. Масалан, «Шуйжинг чжу» (水经注)⁷¹ номли асарда қуйидаги сатрларни ўқишимиз мумкин: “常有高猿长啸，属引凄异，空谷传响，哀转久绝”.

⁶⁸ 21, 485

⁶⁹ Шимолий Сонг сулоласи (960-1127) даврида яшаган Хитой шоири Ян Шу 晏殊 (991-1055) томонидан ёзилган. (32,2467)

⁷⁰ 34, 972

⁷¹ Шимолий Вэй сулоласи (386-557) географшунос олими, ёзувчилиси Ли Даоюан 麗道元 (Тахминан 470-527) қаламига мансуб асар. (Сихай, 2-жилд 1272-б). «Шуйжинг чжу» (Сувлар тўғрисидаги китоб) – энг қадимги географик асарлардан бири. Хитой сув тизимлари (дарёлар) ҳакида ёзилган.

Cháng yǒu gāo yuán cháng xiào, shǔ yǐn qī yì, kōng gǔ chuánxiǎng, āi zhuǎn jiǔ jué (Бу ерда маймуннинг қичқириши тез-тез эшитилиб туради, товуши жуда ўткир ва ғамгин, Конг тоғлари орасида акс-садони эшитиш мумкин, бу маъюс оҳанг анча вақтгача давом этади).

Замонавий хитой тилида “响” кенг маънода төвүүш (声音 shēngyīn) маъносини англатади.⁷²

2) сўз маъносининг торайиши.

1. “金” jīn

Қадимги хитой тилида барча металларнинг (金属 jīnshǔ) номланишини берган. «Сюн-зи»нинг “Таълим-тарбия назарияси” бўлимида (荀子· 劝学)⁷³ шундай дейилади: “金就砾则利”. Jīn jiù lì zé lì (“Металлни чаҳ тошида чаҳласа, у ўткир бўлади”).⁷⁴

Замонавий хитой тилида олтин (黄金 huángjīn) маъносида ишлатилади.

2. “宫” gōng - қадимги хитой тилида уй-жой, хонадон (房屋 fángwū) маъносини англатган. Масалан, «Чжанго цэ» (战国策)⁷⁵ асарида ёзилишича: “父母闻之，青宫除道”. Fùmǔ wén zhī, qīng gōng chú dào. (Унинг ота-онаси бу хабарни эшитгач, хонадон ҳамда ҳовлини тартибга келтиришди.) Замонавий хитой тилида 宫殿 gōngdiàn , яъни сарой маъносида ишлатилади.⁷⁶

⁷² 34,1712

⁷³ «Хўнзі» (荀子) – Чжанго даври таникли мутаффаккири, файласуфи, педагоги Сюн-зи (Тахминан м.а.313—238) қаламига мансуб фалсафий асар. (32,2435)

⁷⁴ 34, 799.

⁷⁵ «Курашувчи подшоликлар» солномасида ушбу давр (м.а.Vacp-221й) воқеалари акс этган. (32,2678)

⁷⁶ 34,473

3. “臭” xiù

Қадимги хитой тилида xiù, uc (各种气味 gèzhǒng qìwèi) маъносини англатган. Масалан,

- (1) «Ижинг» (易经): “同心之言，其臭如兰”. Tóng xīn zhī yán, qí xiù rú lán.
(Рост гап гүёки хушбўй орхидея каби ёқимлидир.)⁷⁷
(2) Дуфу (712-770)⁷⁸ шеъридан мисол келтирамиз:

朱门酒肉臭 Zhū mén jiǔ ròu xiù,

路有冻死骨 Lù yǒu dòng sǐ gǔ.

Бой уйидан гўшту шароб ҳиди таралар,
Йўл бўйида музлаб қотган суюк мурдалар.

Замонавий хитой тилида “臭” ёқимсиз хидли, бадбўй маъносини билдириб, сифат сўз туркумига оид ва қўпича chòu тарзида ўқилади.
З сўз маъносининг кўчиши.

1. “去” qù

Қадимги хитой тилида “离去” líqù (ташлаб кетмоқ, тарк этмоқ) маъносини билдирган. Мисол учун, «Шижинг»нинг “Вейфенг Шошу” бўлимида (诗经•魏风•硕鼠) ёзилишича: “逝将去女，适彼乐土”. Shì jiāng qù nǚ, shì běi lè tǔ (“Мен қасам ичиб айтаманки, сени ташлаб, обод ерларга кўчиб кетаман”)⁷⁹.

Замонавий хитой тилида “往” wǎng, яъни бормоқ маъносини ифодалайди.

2. “涕” tì

⁷⁷ 22,267

⁷⁸ 杜甫 Dùfǔ – Танг даври (唐代) таниқли шоири. Асл исми Зимей (子美)

⁷⁹ 22,378

Қадимда “眼泪” yǎnlèi (күз ёилари) маъносини англатган. Масалан, «Зожуан» (左传) да ёзилишича: “藏叔入，哭甚哀，多涕”. Záng shū rù, kū shèn āi, duō tì. (Занг амаки кириб келди, у жуда ғамгин эди, кўзларидан дарё-дарё ёш оқарди.)⁸⁰

Замонавий хитой тилида 鼻涕 bítì (бұрун суюқлиги) маъносида келади.

3. “盜” dào

Қадимги хитой тилида ўзри (小偷 xiǎotōu), ўғирламоқ (偷窃 tōuqiè) маъноларини билдирган. Масалан, «Зожуан» да ҳикоя қилинади: “窃人之财，犹谓之盜”. Qiè rén zhī cái, yóu wèi zhī dào. (Бирорларнинг бойлигини ўғирлайдиган одам ўғри дейилади.)⁸¹ Хозир қароқчи, босқинчи (强盜 qiángdào) маъносида қўлланилади.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Иерогилифик ёзув тарихида "Шовэн жиези" (首问戒子) лугатининг ўрни.
2. Tōngjiǎzì (通假字) деганда нимани тушунасиз, мисоллар келтиринг.
3. 古今字 gǔjīnzì деганда нимани тушунасиз, мисоллар келтиринг.
4. 同源字 tóngyuánzì деганда нимани тушунасиз, мисоллар келтиринг.
5. 连绵字 liánmiánzì деганда нимани тушунасиз, мисоллар келтиринг.

Амалий машғулот вазифа ва саволлари:

⁸⁰ 22,566

⁸¹ 22,527

1. Буддизм адабиётидан. “Түккіз раннгли жайрон” матни.
2. Матнни грамматик таҳлилини амалга ошириңг, Tōngjiǎzì (通假字) ходисаси қўлланилишига аҳамият беринг.

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар

- 1."Юй пян" (余篇) луғати ҳақида маълумот беринг..
2. "Кангши зидян (康数字点) луғатининг тарихий аҳамияти ҳақида маълумот беринг.
3. "Жунгхуа да зидян (中华大字典) луғати ҳақида маълумот беринг .
4. "Ханюй да зидян" (汉语大字典) луғати ҳақида маълумот беринг.

4 МАВЗУ. Венянда полисемия ҳодисаси

(Кўп маъноли сўзларнинг лексик-семантик таҳлили)

Дарснинг ўқув мақсади: “予” иероглифи, “骑” иероглифи, “数” иероглифи, “说” иероглифларнинг семантикаси. Қадимги хитой тилида тутган ўрни ва грамматик вазифалари, эҳтиром ва камтарликни билдирувчи сўзлар ҳақида маълумотга эга бўлиш.

Таянч тушунчалар: полисемия, лексик-семантик таҳлил, эҳтиром ва камтарлик сўзлари.

Хитой тилида бир сўз кўпинча бир қанча маъноларга эга бўлиши мумкин. Баъзи пайтда полисемияга учраган сўзларнинг ўқилиши ҳам турлича бўлади. Бу ҳолат қадимги хитой тилида нисбатан кўп учрайди.⁸²

1. “予” иероглифи:

⁸² Ушбу параграфда келтирилган барча мисоллар “Гудай ханюй сидян” (古代汉语词典 – Қадимги хитой тили луғати), Нанкин (南京) 2007 дан олинган.

1) yú - “мен”;

«Фенг Ванчжен» (冯婉贞 féngwǎnzhēn)⁸³ асаридан қуидаги иқтибосни келтирамиз:

“瞻予馬首可也。” Zhān yú mǎ shǒu kě yě - “Менинг отимнинг ҳаракатларига қара” (маъноси “Мендан асло кўзингни узма, буйруқларимни бажар”).


2) yǔ - “бермоқ”.

«Тарихнома» “Линсянг Жу фаолияти”⁸⁴ бўлимида (史记•蔺相如列传 shǐjì • Lìn Xiàngrú lièzhuàn) ёзилишича:

“欲予秦，秦城恐不可得” Yù yǔ qín, qín chéng kǒng bù kě dé (“Биз ўйлаймизки, Чинлар биздан талаб қилган нефритни уларга топширган тақдирда ҳам, улар ўз ваъдаси устидан чиқмай, бизга шаҳарни қайтариб беришмайди”.)

⁸³ Чинг (清) даври (1644-1911) шоири Сюйке (徐珂 1869-1928) томонидан ёзилган асар.

⁸⁴ “Шижи” (Тарихнома) – Хан сулоласи 汉代 (м.а. 206-эрамизнинг 220) тарихшунос олими Сима Чян (司马迁 Sīmǎ Qiān Тахминан м.а.145 (135)-90) қаламига мансуб асар. М.а. 109-91 йиллар давомида ёзилган бу китобда яримафсонавий Сариқ император 黃帝 (м.а.2600)дан то Хан сулоласи давригача бўлган тарих акс этган. 5 боб, 130 бўлимдан иборат. Бу боблар қуидагилар: 1. Бенжи (本纪 běn-jì) – ҳукмдорлар таржимаи ҳоли (12 бўлим). 2. Ши-жя (世家 shì-jiā) – оқсуяк ва амалдорлар таржимаи ҳоли (30 бўлим). 3. Ле-жуан (列传 liè-zhuàn) – буюк шахслар таржимаи ҳоли (Лао-зи, Мо-зи, Сюн-зи) (70 бўлим). 4. Шу (书 shū) – маросимлар, мусика, иқтисод каби ўша давр долзарб мавзулари (8 бўлим). 5. Бяо (表 biǎo) – хронологик жадваллар (10 бўлим).



“Шижи” (Тарихнома)нинг кириш қисми

2. “骑” иероглифи:

1) qí -“минмоқ”;

«Тарихнома» (史记) да ҳикоя қилинишича:

“吴骑此马五岁，所当无敌” Wú qí cǐ mǎ wǔ suì, suǒ dāng wú dí (“Мана 5 йилдирки, барча жангларда бу от менинг ажралмас дўстим бўлиб келган, айнан шу отим туфайли шу пайтгача енгилиш нималигини билмайман”)

2) jì - “отлик аскар”.

«Тарихнома» “Сянгюй таржимаи ҳоли” (史记·项羽本纪) бўлимида ёзилишича:

“乃令骑下马步行”。Nǎi lìng jì xià mǎ bù xíng. (“Буйруқ бераман, отлик аскарлар отидан тушиб, пиёда ҳаракатлансан”.)

3. “数” иероглифи:

1) shù – “ноаниқ миқдор”;

2) shǔ - “санамоқ”;

«Тарихнома» “Ченше шижя” (陈涉世家) бўлимида ёзилишича:

“楚兵数千人为聚者，不可胜数”。Chǔ bīng shù qīān rén wéi jù zhě, bù kě shèng shù (“Кўзғолон кўтарган бир неча минг Чу аскарлари тўда хосил қилишди, бу ҳолатда уларни ҳисоблаб чиқиш жуда ҳам қийин эди”)

Бу гапда биринчиси “数” shù ўқилади, кейингиси эса shǔ.

3) shuō - “кўп маротаба”.

«Учподшолик»⁸⁵ китобининг “У давлати ҳукмдорлари” бўлимида (三国志·吴书) ёзилишича:

“数犯边境”。Shù fàn biān jìng (“У давлатининг чегарасига кўп маротаба ноқонуний бостириб киришган”)

4. “说” иероглифи:

1) shuō - “дарак бермоқ, тушунтирумоқ”;

«Сюн-зи» “Чженгминг” (荀子·证明) бўлимида ёзилади:

“说不喻然后辨”。Shuō bú yù ránhòu biàn (“Тушунтирганда ҳам тушунмаган бўлса, исбот келтириб ҳақиқатни очиб бериш лозим”)。

2) shuì - “кўндирумоқ”;

⁸⁵ «Sānguózhì» (三国志) – Ғарбий Жин (西晋 265-316) сулоласи тарихшунос олими Ченшоу (陈寿 233-297) томонидан ёзилган. 65 бўлимдан иборат бўлиб, Учподшолик – Вэй (魏), Шу (蜀) ва У (吴) мамлакатлари тарихига бағишиланган. (32,1799)

«Курашувчи шоҳликлар» (战国策 zhànguócè) да ҳикоя қилинади:

“触龙说赵太后”. Chùlóng shuì zhào tàihòu (“Чулонг қироличани кўндириди”).

3) yuè - “хурсанд”.

«урушқоқ давлатлар» (战国策) да ёзилишича:

“秦王不说”. Qín wáng bù yuè (“Чин князи ғамгин кўринарди”.)

Кўпгина ҳолларда битта иероглифнинг турлича ўқилиши фақатгина оҳанг ҳар хиллигида акс этади, масалан “予” yú ва уй бўлиб ўқиласди. Лекин шундай ҳолатлар ҳам борки, бунда шенгму ҳар хиллиги кузатилади, масалан “騎” qí ҳамда jí ўқиласди; ёки юнмулари ҳар хил, масалан “数” shù ва shuò икки ҳил ўқиласди. Шунингдек шенгму ва юнмуси ҳар хил бўлган сўзлар ҳам бор: “说” shuō ва yuè ўқиласди.

Бундан ташқари, баъзи сўзлар гарчи кўп маъноларга эга бўлса-да, аммо ўқилиши ўзгармайди. Масалан: “因” yīn феъл бўлиб келганда “анъанани давом эттирмоқ” маъносини билдиради; равиш бўлганда эса “сабабли” маъносини билдиради; олд кўмакчи бўлиб келганида “туфайли” маъносини англатади, аммо ҳамма вақт yīn бўлиб ўқиласди.

Юқорида келтирилган ўқилиши бир хил, бироқ маъноси ҳар хил бўлган сўзлар маъносини аниқлашда қадимги ва замонавий хитой тилида англатган маъноларига аҳамият бериш зарур, луғат билан ишлаганда ҳам венян ҳамда байхуа тилларига асосланиб ҳар томонлама мос бўлган маънони танлаш мақсаддага мувофик, деб ўйлаймиз.

Эҳтиром ва камтарликни билдирувчи сўзлар

Қадимги хитой тилида ўзгаларни аташ учун мўлжалланган сўзлар гуруҳи – эҳтиром сўзлари (敬称 jìngchēng ёки 尊称 zūnchēng) деб аталади. Инсон ўз-ўзини аташ учун қўллайдиган сўзлар гуруҳи эса – камтарлик сўзлари (谦称 qiānchēng) дейилади. Бу икки гуруҳ сўзлари қадимда кенг ишлатилган, лекин кейинчалик анча камайган.⁸⁶

Эҳтиром сўзлари Хитой тилида 敬称 jìngchēng (баъзида 敬语 jìngyǔ) деб аталади. Бундай сўзлар ўзгаларга нисбатан қўлланилади. Қадимги хитой тилида 2-шахс кишилик олмоши “汝” rǔ , “尔” ēr бўлган, 3-шахс кишилик олмошлари “彼” běi, “其” qí, “之” zhī кабилар бўлган.

Бироқ хурмат, илтифотни ифодалаганда кўпинча эҳтиром сўзларидан фойдаланилган. Бунда хурмат қуидагича ифодаланганди:

1) хукмдорга: “王” wáng – қирол;

“君” jūn – хукмдор;

“陛下” bìxià – жаноби олийлари.

2) юкори лавозим эгаларига⁸⁷:

“将军” jiāngjūn – қўмондон;

“大夫” dàifu – вазир ва бошқалар;

“卿” qīng – амалдор;

“大夫”⁸⁸ dàfu – зиёли, уламолар.

⁸⁶ 18,119

⁸⁷ Юкори лавозимни эгаллаган шахсларга нисбатан уларнинг лавозим номлари ишлатилган.

⁸⁸ Хитойда Баҳор ва Куз (Чуньцю эр.авв 770-476) даврида жамият ижтимоий қатламларига бўлинган бўлиб, оқсуяклар синфига кирувчи З қатламдан бири - 大夫 бўлган. (诸侯 чжуҳоу (княз) → 大夫 дафу (уламо) → 士ши (зиёли)). Замонавий хитой тилида 大夫 dàifu ўқилиб, “шифокор” маъносида қўлланилади.

3) ёши каттароқ ва обрў-эътиборли одамларга:

“夫子” fūzi – эр;

“先生” xiānshēng – жаноб.

4) оддий одамларга: “子” zǐ.⁸⁹

Кимсани аташнинг яна бир усули бу – хурматни ифодаловчи равишилардан фойдаланиш, яъни феълдан олдин хурмат-эҳтиром билдирувчи сифатлашлар (эпитет) қўлланилган. Булардан кўп учрайдиганлари қуйидагилар: “敬” jìng – шарафга эга бўлмоқ; “謹” jǐn – эҳтиром ила. Масалан:

«Тарихнома» нинг “Ченше шижя” (史记·陈涉世家) бўлимида ёзилишича: “敬受命”. Jìng shòu mìng (Буйруғингизни қабул қилиш баҳтига муяссарман).

«Тарихнома» нинг “Сянгюй таржимаи ҳоли” (史记·项羽本纪) бўлимида: “謹諾” Jǐnnuò ! (Лаббай!).

Бундан ташқари “请” qǐng – илтимос, “幸” xìng – умид қилмоқ, “辱” rǔ – хорламоқ, ерга урмоқ, “惠” huì – саховат кўрсатмоқ каби сўзлар хурмат маъносини кучайтиришда хизмат қилган.

“请” ўзгалардан бирор ишни қилишга руҳсат сўралганда ишлатилган.

“幸”, “惠” қарама-қарши томондан эзгулик, розилик олмоқни ифодалайди.

“辱” эса камситишни эшитмоқ, ранжимоқни ифодалайди.

⁸⁹ 子 қадимда эркакларга нисбатан ишлатилган эҳтиром сўзи, ўзбек тилидаги –жон суффиксига тўғри келади

Камтарликни билдирувчи сўзлар шунингдек (谦称 qiānchēng)

камтарин атамалар деб ҳам аталади. Улар инсон ўз-ўзини ифодалаганида ишлатилган.

Одатда ёши улуғ инсонлар ёки тенгдошлар билан мурожаатда камтарликни билдирувчи сўзлардан кўп фойдаланилган. Қуйидаги усуллар орқали ифодаланган:

Биринчи усул: 1-шахс кишилик олмошлари ўрнига камтарликни ифодаловчи маҳсус атамаларни қўйиш. Масалан:

а) ҳукмдор ўзини “寡人” guǎrén – биз, “孤” gū – ёлғиз, ғариб каби номлар билан атаган.

б) ҳукмдорга нисбатан ёши улуғ инсонлар ёки унинг тенгдошлари ўзини “ 臣 ” chén – сизнинг қулингиз,“ 愚 ” yú – тентак,“ 仆 ” pú – хизматкорингиз,“ 小人 ” xiǎorén – пасткаш, “ 鄙人 ” bǐrén – қулингиз деб аташган. Баъзи бирлар ўзини исми билан ҳам аташган.

Иккинчи усул: камтарликни билдирувчи равишлардан фойдаланиш, яъни феълдан олдин камтарликни ифодаловчи маҳсус сўзларни ишлатиш, кўпинча “ 窃 ” qiè – пинҳона, “ 敢 ” gǎn – журъат этмоқ. “ 窃 ” пинҳона фикрни ифодалайди, бу фикр нотўғри бўлиши ҳам мумкин.

Масалан, Ли Сининг (?-M.a.208)⁹⁰ «Жянчжу кешу» (谏逐客书) асарида ёзишича:

“臣闻史议逐客卿，窃以为过矣”. Chén wén shǐ yì zhú kè qīng, qiè yǐ wéi guò yǐ. (Эшитишимча, сарой аёнлари мухожирларни мамлакатдан чиқариб юборишни таклиф қилишибди, менинг (пинҳона) фикримча, бундай чора қўллаш нотўғри).

⁹⁰ 李斯 Lǐ Sī – Чин давлат арбоби, Чин Шихуангнинг биринчи вазири. (32,1252)

“敢” gǎn – ўз муносабатининг эркинлигини билдиради. Масалан, «Зожуан»нинг “Ингонг⁹¹ хукмронлигининг биринчи йили” (左传•隱公元年) бўлимида ёзилишича:

“敢问何谓也”. Gǎn wèn hé wèi yě (Сўрашга ижозат берсангиз, бу нима дегани?)⁹².

Мавзу бўйича саволлар:

1. Хитой тилида полисемия ҳодисасига мисоллар келтиринг ва изоҳланг
2. Қадимги хитой тилида қайси сўз туркумлари, қайси иероглифларда полисемия ҳодисаси яққол кўзга ташланади?
3. Қадимги хитой тили матнларида қандай эҳтиром ва камтарлик маъносидаги сўзларни учратиш мумкин?

Амалий машғулот вазифа ва саволлари:

1. Ган Бао. “Рухларни излаш қадномалари” матни
2. Матнни грамматик таҳлилини амалга оширинг, полисемия ҳодисаси қўлланишига аҳамият беринг.

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар

1. V-асрда яратилган “Тўрт оҳанг нотаси” ва замонавий оҳангнинг ўхшаш ва фарқли томонлари.
2. Сун Мин ҳақида маълумотлар йиғиш ва таржима қилиш.

5 МАВЗУ. Венян тилида мурожаат шаклларида 多义词

⁹¹ 隐公 Yǐngōng (722-712) Чунцю даври, Лу подшолигида (鲁, хозирги Шандонг) хукмронлик қилган.

⁹² 22,486

Дарснинг ўқув мақсади: Мурожаат шакларини танлашда объектив омиллар: ижтимоий келиб чиқиш, ёш, сўзловчи ва тингловчининг жинси; ҳам субъектив омиллар: сўзловчининг тингловчига нисбатан ёндашуви (нейтрал ҳурмат, юқори даражадаги ҳурмат, атайлаб инсонни ғурурига, нафсониятига тегиш, инсонни камситиш, ҳафа қилиш) га амал қилиниши шакллари._Ўзини аташ шакллари (сухбат жараёнида) ҳақида маълумотга эга бўлиш.

Таянч тушунчалар: мурожаат шакллари, объектив омил, нейтрал даражадаги ҳурмат, ўзини аташ шакллари.

Қадимги хитой тилида битилган матнларнинг ўзига хос ҳусусиятларини яққол кўрсатувчи ифода шакллари - мурожаат сўзларидир. Қадимги Венъян тилида мурожаатнинг ифода шакллари хилма-хил ва ҳозирги хитой тилига нисбатан анча кўп бўлганлиги илмий асарларда келтирилади.⁹³

Мурожаат шакларини танлашда кўплаб ҳам объектив омиллар: ижтимоий келиб чиқиш, ёш, сўзловчи ва тингловчининг жинси; ҳам субъектив омиллар: сўзловчининг тингловчига нисбатан ёндашуви (нейтрал, ҳурмат, юқори даражадаги ҳурмат, атайлаб инсонни ғурурига, нафсониятига тегиш, инсонни камситиш, ҳафа қилиш) га амал қилинган. Шу муносабат ила, субъектив омиллардан келиб чиқиб, мурожаатнинг нейтрал, ҳурмат, камситиш шакллари мавжуд бўлган. Бир хил шаклдаги ибора, мурожаат сўзи ҳар хил вазиятларда ҳам ҳурмат ҳам ҳурматсизлик тарзида, ҳаттоқи камситиш шаклида қабул қилиниши мумкин бўлган. Масалан, *汝⁹⁴ ru сен* мурожаат шакли лавозими бир хил инсонга ёки ёшроқ инсонга нисбатан қўлланилиши нейтрал мурожаат сифатида қабул қилинган, ушбу мурожаат шаклининг лавозими юқорироқ инсонга нисбатан қўлланилиши эса камситиш,

⁹³ 简明唐诗本。- 北京、1990.- 97 页

⁹⁴ (书)你。现代汉语词典，2002年，1076页

беписандлик маъносини билдирган. Агар инсон сухбат давомида ўзини ёшлиқдаги исми билан атаб ўзга киши билан гаплашса – бу сўзлашувнинг хурмат категориясини билдирган, лекин шу вақтнинг ўзида сухбат қураётган инсонни исми билан чақириш юқори даражадаги хурматсизлик белгиси ҳисобланган. Шунинг учун ҳам қадимги Венъян тилида битилган матнларни таржима қилишда авваломбор сўзлашув шакли, сўзлашув вазияти ҳақида тушунча бўлиши шарт – даражаси teng лавозимдаги инсонлар сухбати-ми, қуий даража лавозимидағи инсон юқори даража лавозимдаги инсонга қаратада мурожаат қилинайти-ми, ёки анксинча, бу соҳадаги маълумотлар таржима жараёнида бирламчи омиллар сифатида гавдаланади. Кишилик олмошларидан ташқари мурожаат шакллари маъносида лавозим, унвон, қариндошлик муносабатларини билдирувчи сўзлар ҳам қўлланилган.

Инсон сўзлашув жараёнида ўзини аташ учун ишлатиладиган шакллар ҳам турлича бўлган: масалан, атоқли отлар ва айрим ўзига ҳос от сўз туркумидаги сўзлардан кенг фойдаланилган: **臣⁹⁵ chen** хизматчи, қўл остидаги киши, **亲⁹⁶ qie** канизак, **镁⁹⁷ ru** фақир, хизматкор ва ҳ. Баъзи мурожаат шакллари универсал характерда бўлган. Масалан, инсон ҳар қандай вазиятда ўзини кишилик олмоши билан аташи урф бўлган. Баъзи мурожаат шакллари фақат маълум бир жамият гурухи доирасида қўлланилган. Масалан, фақатгина князъ ўзини **寡人 gua ren** ман, ёлғиз ман; император ўзини **朕⁹⁸ zhen** Танҳо Мен каби сўзлар билан аташи мумкин бўлган. Баъзи бир сифатларнинг мурожаат шаклида бирикиб келиши мурожаатнинг хурмат даражасини янада оширган (大 da буюк, 明 ming

⁹⁵ 官使对皇帝上书或说话的自称。现代汉语词典，2002年，152页

⁹⁶ 古时女子谦称自己。现代汉语词典，2002年，1023页

⁹⁷ 古时男子谦称自己。现代汉语词典，2002年，987页

⁹⁸ “我”专用做皇帝自称。现代汉语词典，2002年，1601页

зиёли). Ўзини аташга қаратилган сўзлар кўпинча камситиш характерга эга бўлган сифат билан ишлатилган: 遇 уу ақлсиз, 不肖 ҳеч нарсага ярамайдиган. Бу каби сифатлар мурожаат шакли ўрнида ёки сухбат жараёнида сўзловчининг ўзини ўзи номлаши учун хизмат қилган ва кўпинча бундай мурожаат шаклларида от сўз туркумидаги сўзлар тушириб қолдирилган.

Ўзини аташ шакллари (сухбат жараёнида). Ҳар қандай инсон бошқа-бир инсон билан сўзлашганда ўзини 五 wu мен, 我 wo мен, 子 zi сен каби кишилик олмошлари билан атаган. Бу сўзлашувнинг нейтрал шакллари ҳисобланган. Ҳурмат маъносидаги сўзлашувда сўзловчи одатда ўзини ёшлиқдаги исми билан ёки “хурматни ифодаловчи” от сўз туркумидаги сўзлар билан атаган 臣⁹⁹ chen менким, Сизнинг қулингиз. Бунда тингловчининг қайси лавозимда эканлиги аҳамиятсиз эди.

Аёл киши лавозим жиҳатдан ўзидан юқори ва ҳаттоқи тенг мансабдаги киши билан сўзлашганда ўзини 亲¹⁰⁰ qie канизак деб айтган – бу шакл ҳурмат категориясидаги шакл бўлган. Император ўзини 肢¹⁰¹ zhen Танҳо сўзи билан атаган.

Ҳар қандай киши сўзлашувда ўзини 小人 xiaoren кичик одам ёки ўқимаган, оддий фуқаро сўзи билан атаган (антоним сифатида 君子 junzi зиёли, юқори маданиятли сўзи ишлатилган). Ўзини аташ сўзларининг аксарияти камситиш маъносига эга бўлган. Масалан, 不才 bucai иктиидорсиз, 不佞 buning ақлсиз, 賤 jian зоти наст .

⁹⁹ 官使对皇帝上书或说话的自称。现代汉语词典，2002年，152页

¹⁰⁰ 古时女子谦称自己。现代汉语词典，2002年，1023页

¹⁰¹ “我”专用做皇帝自称。现代汉语词典，2002年，1601页

Мурожаат шаклларининг нейтрал турларига 汝 ru *сен*, 若 ruo *сен*, 而 каби кишилик олмошлари, қадимги Веньян тилида от сўз туркумига оид 子 zi *сен* сўзи кенг қўлланилган. Иккинчи шахсни ифодалашда қўлланиладиган кишилик олмошлари ўрнига ҳам 子 zi бемалол ишлатилаверган. Лекин ўзидан юқори мансабдаги инсон билан сўзлашувда ўша инсонни кишилик олмоши билан аташ ўта ҳурматсизлик ҳисобланган. Ҳурмат маъносида инсонни унинг лавозими билан аташ, даражаси, унвони маъносидаги сўзларни қўллаш одат тусига кирган (王 wang *князь*, 公子 gongzi *шахзода*, 将军 jiangjun *генерал*, 太子 taizi *меросхўр*, 相 xiang *маслаҳатчи*, *вазир* ва б.). Шогирдга нисбатан 弟子 dizi сўзи, меҳмонга нисбатан 客 ke , 先生 xiansheng *жсаноб* маъносида (олдин туғилган), устозга 夫子 fuzi *деб* мурожаат этилган. Охирги икки шакл устоз билан муомалада ишлатилган. Ёши улуғ кишиларга нисбатан 隅 sou *қария* сўзи ишлатилган. Турмушга чиқкан аёлга нисбатан 婦 fu *рафиқа* сўзи қўлланилган. Кенг тарқалган ҳурмат маъносидаги мурожаат шакли сифатида 君 jun *жсаноб*, ўта ҳурмат маъносида 足下 zuxia *оёқ остидаги* сўзи қўлланилган.

Кўриниб турибдики, қадимги Хитой Веньян тилида мурожаат шакллари ва ўзини аташ шакллари ҳилма-хиллиги кузатилади. Бирон-бир мурожаат шаклини танлашда сўзлашувчиларнинг ёши, жинси, сўзлашувнинг пайти, вазияти каби объектив, сўзлашувчи ва тингловчининг бир-бирига муносабати каби субъектив омиллар таъсир кўрсатишини инобатга олсак, талабаларда қадимги Веньян тилидаги матнлларни тўғри таржима қилиш кўниумасини тўғри шакллантириш вазифаси ниҳоятда долзарбдир.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Қадимги хитой тилида мурожаат шакллари
2. Нейтрал ҳурматни билдирувчи сўзлар ҳақида, юқори ҳурмат сўзлари ва ўзини аташ сўзларига мисоллар келтиринг.
3. Венян тилида матнларни таржима қилишда мурожаат шаклларинингхилма-хиллиги қай воситаларда акс топади?

Амалий машғулот вазифа ва саволлари:

1. Лю И-цин. “Замондошлар ҳақида янги китоб” матни
2. Матнни грамматик таҳлилини амалга оширинг, полисемия ҳодисаси қўлланилишига аҳамият беринг.

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар

1. Ding Du ва Li Zhaolarning хитой фонологиясидаги ўрни ҳақида маълумот йиғиш.
2. Қадимги ва замонавий хитой тилида ҳурмат категорияси мавзусида реферат тайёрлаш.

6 МАВЗУ. ҚАДИМГИ ХИТОЙ ТИЛИДА МУСТАҚИЛ СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

Дарснинг ўқув мақсади: От – 名词 míngcí, Феъл – 动词 dòngcí, Сифат

– 形容词 xíngróngcí, Соң – 数量词 shùliàngcí, Олмош – 代词 dàicí,

Ёрдамчи сўз туркумлари: Равиш – 副词 fùcí, Кўмакчи – 介词 jiècí,

боғловчи – 连词 liáncí, Ёрдамчи сўзлар – 助词 zhùcí, Юклама – 语气词

уýqící, Ундов сўзлар – 叹词 tànící ҳақида маълумотга эга бўлиш.

Қадимги хитой тили матнларида мустақил ва ёрдамчи сўз туркумларни ажратади билиш кўникмасини ҳосил қилиш.

Таянч тушунчалар: 名词 míngcí, 动词 dòngcí, 形容词 xíngróngcí, 数量词 shùliàngcí, 代词 dàicí, 副词 fùcí, 介词 jiècí, 连词 liáncí, 助词 zhùcí, –语气词 yǔqìcí, 叹词 tànící.

Тилдаги сўзларнинг умумий грамматик маъно ва вазифаларига кўра маълум гуруҳларга бўлиниши **сўз туркумлари** деб юритилади.

Қадимги хитой тилида ҳам сўз туркумлари иккига бўлинган: мустақил сўз туркумлари (**实词** shící) ва ёрдамчи сўз туркумлари (**虚词** xūcí).

Хитой тилида аниқ бир (реал) маъно ифода этувчи сўзларга **мустақил сўз туркумлари** дейилади.¹⁰² Қадимги хитой тилидаги мустақил сўз туркумлари 5 гурухга бўлинган:

1. От – **名词** míngcí.
2. Феъл – **动词** dòngcí.
3. Сифат – **形容词** xíngróngcí.
4. Соn – **数量词** shùliàngcí.
5. Олмош – **代词** dàicí.¹⁰³

Ёрдамчи сўз туркумлари – якка ҳолда маъно англатмайдиган, гап бўлаги бўла олмайдиган, грамматик маъноларни ифодалашга хизмат қиласидиган сўзлардир. Улар мустақил сўзлар ва айрим гаплар орасидаги муносабатни англатишга хизмат қиласиди, сўзга ва гапнинг мазмунига турли қўшимча маънолар қўшади. Қадимги хитой тилидаги ёрдамчи сўз туркумлари 6 гурухга бўлинган:

¹⁰² 18,14

¹⁰³ 18,14

1. Равиши – 副词 fùcí.
2. Күмакчи – 介词 jiècí.
3. Боғловчи – 连词 liáncí.
4. Ёрдамчи сўзлар – 助词 zhùcí.
5. Юклама – 语气词 yǔqìcí.
6. Ундов сўзлар – 叹词 tàn cí.¹⁰⁴

Кўришимиз мумкинки, қадимги хитой тилида сон ва ҳисоб сўзлар бир туркумга киритилган. Замонавий хитой тилида эса улар алоҳида сўз туркumlари ҳисобланади. Равиши сўз туркуми қадимги хитой тилида ёрдамчи сўз туркуми бўлган, ҳозир эса мустақил сўз туркумига айланган.

1-§. *От сўз туркуми*

Хитой тилшунослаrinинг фикрича, инсон, нарса-буюм, вақт, жой номини билдирувчи сўзлар туркуми **от** дейилади.¹⁰⁵ Қадимги хитой тилидаги отларга қуидагилар мисол бўла олади:

孔子 kǒngzǐ – Конфуций;

孟子 mèngzǐ – Менг-зи;

民 míng – халқ;

人 rén – одам;

天下 tiānxià – Осмон ости (Хитой);

¹⁰⁴ 18,14

¹⁰⁵ 18,14

君子 jūnzi – олийжаноб инсон;

江 jiāng – Янзи дарёси;

河 hé – Хуангхе дарёси;

东 dōng – Шарқ;

南 nán – Жануб;

西 xī – Фарб;

北 běi – Шимол;

牛 niú – сигир;

羊 yáng – күй;

车 chē – арава.¹⁰⁶

Қадимги хитой тилидаги от сўз туркуми грамматик вазифалари замонавий хитой тили билан деярли ўхшаш. Гапда эга, тўлдирувчи, аниқловчи бўлиб келган. Замонавий хитой тилидан фарқли томони – баъзида ҳол гап бўлаги вазифасини бажарган, феъл ўрнида қўлланилган. Қуидада ушбу ҳодисаларни таҳлилини ўтказамиш:

I. *От ҳол вазифасида* Қадимги хитой тилида от қуидаги ўринларда ҳол бўлиб келган¹⁰⁷:

(1) *Киёслаш маъносини билдиргандা* От орқали кимса ёки нарсабуюмнинг иш-ҳаракат белгиси, услуби ҳамда ҳолати тасвириланади. Бунда от “像。。。一样” xiàng ... yíyàng, “像。。。似的” xiàng ... shìde (... -га ўхшаб) маъносини беради.

¹⁰⁶ 18,14

¹⁰⁷ 21,116

«Ляочжай ғаройиботлари» “Бўри ҳикояси” бўлимида (聊斋志异•狼
Liáozhāi zhìyì • láng)¹⁰⁸ ҳикоя қилинишича:

“其一犬坐于前”. Qí yī quǎn zuò yú qián (Бўри гўё ит каби тиззасида ўтирап
эди).

Бу гапда 犬 quǎn (ит) от сўз туркумига оид, гапда ҳол вазифасини
бажарган. Қиёслаш маъносини билдирган.



Пу Сонглин (1640-1715)

(2) Иш-ҳаракатнинг услуби, ҳолатини билдирганда

«Тарихнома» нинг “Сянгюй таржимаи ҳоли” (史记•项羽本纪 shǐjì•
Xiàngyǔ běnjì) бўлимида ёзилишича:

“吴得兄事之” Wú dé xiōng shì zhī (Мен унга худди акаси каби
ғамхўрлик қилишим қерак).

Бу гапда “兄” (xiōng – aka) ҳол вазифасини бажарган от бўлиб, “事” (shì
– ғамхўрлик қилмоқ) феълининг ҳолатини билдиromoқда. “Акасидек
ғамхўрлик қилмоқ” тарзида таржима қилинади.

(3) Жиҳоз ва жой номини билдирганда

«Юйгун тоғни сурди» ҳикоясида (愚公移山 Yúgōng yíshān):

¹⁰⁸ Чинг даври (清 1644-1911) Таникли новеллашунос ёзувчиси Пу Сонглин (蒲松龄 Pú Sōnglíng 1640-1715) қаламига мансуб асар. Ляочжай тахаллуси остида ижод қилган бу ёзувчи 400 дан ортиқ новеллалар яратган. «Ляочжай ғаройиботлари» сюжети турли фантастик воеаларга лимо-лим.

“用箕畚把土石运到渤海边上”. Yòng jīběn bǎ tǔ shí yùndào bóhǎi biān shang (У ҳокандоздан фойдаланиб тошларни денгиз қирғоғига обориб ташлади).

“箕畚” (jīběn – хокандоз) оти ҳол бўлиб келган, ишлатилган жиҳозни ифодалайди. Гапда ҳол вазифасини бажарган.

От ҳол бўлиб келадиган бу ҳолатда, қадимги хитой тилидан замонавий хитой тилига таржима қилганимизда энг яхиси отдан олдин “用” (yòng – фойдаланмоқ), “拿” (ná – олмоқ) ёки “在” (zài - да, жойлашмоқ) каби сўзларни қўшиш керак. От ҳол вазифасини бажарганда ҳеч кандай алоҳида кўрсаткич мавжуд эмас, асосийси иккала тил маъносидан келиб чиқсан ҳолда ўрганишимиз лозим.

II. Отнинг феъл ўрнида келиши. Қадимги хитой тилида кўпгина отлар феъл сифатида ишлатилиб, гапда кесим вазифасини бажариши мумкин бўлган. От феъл вазифасини бажарганда, отнинг маъноси бутунлай йўқолмайди, балки қўшимча маъно қўшилади.

«Зожуан» “Цаогуй мунозараси” (左传•曹刿论战 zuǒzhuàn•Cáoguì lùnzhàn) бўлимида:

“齐人三鼓”. Qí rén sān gǔ (Чи аскарлари уч маротаба дўмбира чалишди).¹⁰⁹

“鼓” (gǔ – дўмбира) оти феъл сифатида ишлатилган, “дўмбирага урмоқ” маъносини беради, кесим вазифасини бажарган.

Отнинг қўлланилиши усуллари

¹⁰⁹ 22,495

- От феъл ўрнида келганида, ўзидан кейин тўлдирувчини олади.¹¹⁰

Масалан:

1) «Тарихнома» “Сянгюй таржимаи ҳоли” бўлими (**史记•项羽本纪**

shǐjì• Xiàngyǔ běnji):

“先破秦入咸阳者王之”. Xiān pò qín rù xián yáng zhě wáng zhī (Аввал

Чин қўшинига хужум қилиб, Сянянгни бу ерга олиб келамиз, кейин эса уни тахтга ўтқизамиз).

“王” (wáng – қирол): от сўз туркумига киради, бу гапда “之” тўлдирувчисидан олдин келиб, “қирол қилмоқ, тахтга ўтқизмоқ” маъносини беради. “王 之” - “уни тахтга ўтқизиш” деб таржима қилинади.

- От феъл маъносини билдирганда, ўзидан кейин тўлдирувчи олиб, субъектив “хисобламоқ” маъносини билдиради. Масалан:

«Сюн-зи» “Фу” бўлимида (**荀子•賦 Xúnzǐ • fù**):

“友风而子雨”. Yǒu fēng ér zǐ yǔ (Шимолни ўз дўстим, ёмғирни эса

фарзандим деб биламан).

“友” yǒu (дўст) “子” zǐ (фарзанд) асли от сўз туркумига оид, бу гапда феъл маъносини ифодалаган: “... дўст деб билмоқ”, “фарзанд деб хисобламоқ” деб таржима қилинади.¹¹¹

III. Йўналиш отларининг ишлатилиши. Қадимги хитой тилида, йўналиш отлари одатда қуйидаги ҳолларда ишлатилган:

¹¹⁰ 21,117

¹¹¹ 18,19

1) одатда бошқа отлар билан бирга қўлланилади (шунингдек “之”, “以” каби сўзлар орқали ясалади), бунда жой номини ифодалайди.

Замонавий хитой тили билан ўхшаш. Масалан:

(1) «Мулан шеъри» (木兰诗 Mùlánshī)¹¹²да ёзилади:

“东市买骏马”. Dōngshì mǎi jùn mǎ (Шарқий бозорда яхши от сотилади).

“东” dōng (шарқ) йўналишни билдирувчи от “市” shì (бозор) билан бирикиб, жой номини билдирган.

2) феълдан олдин келиб, бу иш-ҳаракат қилинган жой ёки йўналишни кўрсатади.

«Узун маъюс куй» (长恨歌 cháng hèn gē) шеърида¹¹³:

“上穷碧落下(穷)黄泉”. Shàng qióng bì luò xià (qióng) huáng quán (Юқорига чиқсанг осмонни кўрасан, пастга тушсанг ер остига дуч келасан).

Бу гапда “上” shàng, “下” xià сўзлари “穷” qióng (тугамоқ, ниҳоясига етмоқ) феълининг йўналишини кўрсатмоқда.

3) “于” yú (олд кўмакчиси) ни феълдан кейин қўйиб, жойлашувни билдириш мумкин.

«Ляочжай ғаройиботлари» “Бўри ҳикояси” бўлимида (聊斋志异•狼 Liáozhāi zhìyì • láng):

“其一犬坐于前”. Qí yī quān zuò yú qián. (Битта бўри гўё ит каби олд томонда ўтиради).

¹¹² Юэфу (Қадимги хитой халқ қўшиқлари) дан намуна

¹¹³ Бай Жюи (白居易 772-846) – Танг даври (唐 618-907) шоири қаламига мансуб асар. (Сихай 1-жилд 72-б)

“于” (олд күмакчи) ва “前” (от) бирикиб, “олд томонда” маъносини билдирган. Гапда ҳол вазифасини бажарган.

IV. Вақт отларининг қўлланилиши. Қадимги хитой тилида вақт отлари 3 турга бўлинади:

(1) феълдан олдин келиб, иш-харакат содир бўлган вақтни ифодалайди. Масалан: Ли Дао Юаннинг «Уч тоғ дараси» (三峡 sānxiá):

“朝发白帝, 暮到江陵”. Zhāo fā Báidì, mù dào Jiānglíng. (Биз эрталаб Байди шаҳридан чиқиб кетиб, кечқурун Жянлингга етиб бордик.)¹¹⁴

Бу гапда от сўз туркумига оид 朝 (эрталаб), 暮 (кечқурун) 发 (йўлга чиқмоқ), 到 (етиб бормоқ) феълларига боғланиб, гапда ҳол вазифасини бажарган.

(2) кун, ой, йил каби сўзлар феълдан олдин ишлатилиб, “хар куни” (每日 měirì, 日日 rìrì), “хар ой” (每月 měiyuè, 月月 yuèyuè), “хар йил” (每岁 měisui, 岁岁 suìsuì) деган маъноларни билдиради.

Масалан: «Сюн-зи»нинг “Таълим-тарбия назарияси” бўлимида (荀子·劝学):

“君子博学而日参省乎己”. Jūnzǐ bó xué ér rì cān shěng hū jǐ. (Буюк ҳукмдор кўпгина илмларни ўрганади ҳамда ҳар куни ўз-ўзини имтиҳон қиласди)¹¹⁵.

Бу гапда 日 rì (кун) оти “хар куни” маъносини англатиб, 参省 cān shěng (имтиҳон қилмоқ) феълига боғланган. Гапда вақт ҳоли бўлиб келган.

¹¹⁴ 34,2001

¹¹⁵ 34,1319

(3) “日” rì (кун) сўзи сифатдан олдин келиб, иш-ҳаракатнинг ривожланиш жараёнини билдиради. “一天比天” yì tiān bǐ tiān (кундан кунга, борган сари) маъносини англатади.

«Учподшолик» “Чжу Гэ-Лянг” хикояси (三国志・諸葛亮傳 sānguózhì• Zhūgěliàng zhuán):

“于是与亮情好日密”. Yúshì yǔ liàng qíng hǎo rì mì. (Чжу Гэ-лянг ва мен ўртамиздаги дўстлик кундан кунга ортиб борарди)¹¹⁶.

Ушбу гапда 日 (кун) сўзи 密 (яқин) сифатидан олдин келган, “кундан кунга”, “борган сари” маъносини билдирган. Гапда ҳол вазифасини бажарган.

Феъл сўз туркуми

Хитой тилшуносларининг фикрича, инсон ёки нарса-буюм иш-ҳаракати, психологик кечинмалари, ривожланиши, ўзгариши ва бошқа ҳаракатни билдирувчи сўзлар **феъл** дейилади.¹¹⁷ Қадимги хитой тилидаги феъл грамматик хусусиятлари ва синтактик вазифалари замонавий хитой тили билан ўхшаш. Гапда кесим, ҳол гап бўлаклари вазифасини бажарган. Қуйидагича ўзига хосликлари мавжуд:

I. *Феъл гапда ҳол бўлиб келиши.* Қадимги хитой тилида феъл гапда кўпинча ҳол вазифасини бажариб, иш-ҳаракат ҳолати ёки бажарилиш усулини билдирган. Бунда феъл кесимдан олдин жойлашган. Кўпинча икки феъл орасига “而” ér боғловчиси қўйилган.

«Сюн-зи»нинг “Таълим-тарбия назарияси” бўлимида (荀子·劝学):

¹¹⁶ 34,1319

¹¹⁷ 18,50

“吾跂而望矣”. Wú qí ér wàng yǐ. (Мен оёқ учида туриб, олисларга боқардим).

“跂” qí (оёқ учида турмок) феъли “望” wàng (назар солмоқ, қарамоқ) феълининг ҳолатини билдириб, гапда ҳол вазифасини бажарган.

II. Феълнинг гапда кесим бўлиб келиши. Феъл гапда кесим вазифасини бажарганда, у ифода этган иш-харакат эга томонидан бевосита бажарилмайди, балки бу вазифа тўлдирувчига юклатилади. Бунда феълнинг орттирма нисбати¹¹⁸ ясалади.

«Тарихнома» “Сянгюй таржимаи ҳоли” бўлими (史记•项羽本纪 shǐjì• Xiàngyǔ běn jì):

“项伯杀人，臣活之”. Xiàngbó shā rén, chén huó zhī. (Сянгбо одамларни ўлдириб, жиноят қилди, мен эса уни ҳаётини сақлаб қолдим).

Бу гапда “活” (яшамоқ, тирик бўлмоқ) “之” (унга) тўлдирувчиси билан бирикиб, “унга ҳаёт баҳш этмоқ” маъносини билдирган.

3-§. Сифат сўз туркуми

Хитой тилшуносларининг фикрича, инсон ёки нарса-буюмнинг шакли, хусусияти ва у иш-харакатининг ҳолатини билдирувчи сўзлар **сифат** дейилади.¹¹⁹ Уларга қўйидагилар мисол бўла олади:

大 dà – катта;

小 xiǎo - кичик;

长 cháng – узун;

¹¹⁸ Орттирма нисбатдаги феъллар иш-харакатнинг бошқа бирор шахс ёки нарса-буюм воситасида бажарилганлигини билдиради.

¹¹⁹ 18,65

短 duǎn – калта;

高 gāo – баланд;

低 dī – паст;

红 hóng – қизил;

白 bái – оқ;

富 fù – бой;

贵 guì – қиммат;

美 měi – нафис;

恶 è – хунук;

从容 cóngróng – секин;

仓皇 cānghuáng – ховлиққан;¹²⁰

Веняндаги сифат грамматик ва синтактик хусусиятлари жиҳатидан замонавий хитой тили (байхуа)даги сифат билан деярли бир хил. Гапда асосан аниқловчи, ҳол, кесим бўлиб келган. Баъзида эга ва тўлдирувчи бўлиб келиши ҳам мумкин бўлган, аммо бундай сифатлар сифатлик хусусиятларини аллақачон йўқотган, отлашган сифатга айланган. Куйида бу ҳолатни кўриб чиқамиз:

I. Сифатнинг отлашиши ҳодисаси. Қадимги хитой тилида сифат гапда эга ва тўлдирувчи бўлиб келиши мумкин бўлган, яъни сифат отлашиш хусусиятига эга бўлган.¹²¹

¹²⁰ 18,65

¹²¹ 21,119

«Зожуан» “Нанг Гонг хукмронлигининг 19-йили” (左传•襄公十九年 zuǒzhuàn•Nánggōng shíjiǔ nián):

“大母侵小”. Dà wú qīn xiǎo. (Катта мамлакат кичик мамлакатни босиб олиши керак эмас.)

“大”, “小”: асли сифатлар, аммо бу гапда “катта мамлакат”, “кичик мамлакат” маъносида келган, “侵” (босиб олмоқ) феълининг эгаси ва тўлдирувчиси бўлиб келган.

II. Сифатнинг феъллашиш ҳодисаси. Қадимги хитой тилида сифатнинг феъллашиш ҳодисаси кўп учрайди. Бунда сифат ўзидан кейин тўлдирувчи олади.

Цао Цаонинг¹²² «Чжитун тянлинг»(置屯令 zhìtún tiánlìng) асарида:

“夫定国之术，在于强兵足食”. Fū dìng guó zhī shù, zài yú qiáng bīng zú shí.¹²³(Мамлакатда тинчлик-барқарорликни ўрнатиш учун, қуролли кучларни янада кучайтириш, халқни эса озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш лозим.)

“强” (кудратли, кучли), “足” (етарли) сифатлари бу гапда “使。。。强盛” shǐ。。。qiángshèng – “кучайтироқ”, “使。。。充足” shǐ。。。chōngzú – “етарли даражада таъминламоқ” маъноларини билдирган. Демак, сифат маъноси феълга ўзгарган.

Сифат гапда феъл вазифасини бажариб, ўзидан кейин тўлдирувчини олганда, эга томонидан тўлдирувчини сифат ифода этган хусусиятга эгалиги субъектив равишда эътироф этилади.

¹²² Цао Цао (曹操 Cáocāo 155—220) – Учподшолик даври давлат арбоби, саркардаси, шоир, харбий маҳорат ҳақидаги асарлар муаллифи. М.а. III аср бошига қадар Хан даври (м.а.206-эрамиз 220) хукмдори ва бу сулолани тугатган шахс сифатида тарихга кирган. (Сихай 1-жилд 212-б)

¹²³ 18,1230

Масалан: Тао Чяннинг¹²⁴ «Шафтоли гули битиклари» (桃花源记 táo huā yuán jì):

“漁人甚異之”. Yú rén shèn yì zhī. (Балиқчига бу ҳолат жуда ғалати туюлди.)¹²⁵

“異” (ғалати) сўзи асли сифат бўлиб, бу гапда маъноси феълга кўчишини кузатамиз: “认为。。。異” rènwéi。 。 。 yì – “бирор ҳолатни ғалати деб ҳисобламоқ” маъносини англатади.

Сон

Хитой тилшуносларининг фикрича, нарса-буюм ёки иш-ҳаракатнинг саноғини билдирувчи сўзлар **сон** деб аталади. Веняндаги сон сўз туркуми **сон** ва **ҳисоб сўзларни** ўз ичига олган.¹²⁶

Сон

Қадимги хитой тилидаги соннинг қўлланилиши замонавий хитой тилидан фарқ қиласи, қуйидаги хусусиятларга эга:

I. Гапда аниқловчи, ҳол вазифасини бажарган, бунда одатда ҳисоб сўз ишилтилмаган.

1. Сон+От

«Юйгун тоғни сурди» ҳикоясида (**愚公移山** Yúgōng yíshān):

“太山王屋二山”. Tàishān Wángwū èr shān. (Тайшань ва Вангу бу икки тоғ.)

¹²⁴ Тао Чян (陶潛 365-427) – Шарқий Жин даври (317-420) шоири. Тао Юан-минг (陶淵明 táo yuānmíng) тахаллуси билан кўпроқ машхур. 160 та шеъри бизгача етиб келган. Шеърларида бир қатор ахлоқий масалаларни кўтарган. (Сихай, 3-жилд 2074-б)

¹²⁵ 34,1852

¹²⁶ 18,84 Замонавий хитой тилида ҳисоб сўзлар алоҳида сўз туркуми ҳисобланади.

“二” èr (икки): сон бўлиб, “山” shān (тоғ) отини аниқлаб келган, гапда аниқловчи вазифасини бажарган.¹²⁷

2. Сон+Феъл

«Учподшолик» “Чжу Гэ-Лянг ҳикояси” (三国志・諸葛亮传 sānguózhì• Zhūgěliàng zhuán) бўлимида:

“由是先主遂諸亮，凡三往，乃见”。 Yóu shì xiān zhǔ suì Zhūliàng, fán sān wǎng, nǎi jiàn. (Шу сабабли Чжу Гэ-лянг хузурига ҳаммаси бўлиб уч марта ташриф буюрдим, шундагина уни кўриш баҳтига мұяссар бўлдим.)

“三” (уч) сон сўз туркуми, “往” (бормоқ) феълинини холатини билдиримоқда, гапда ҳол вазифасини бажарган.

II. Сон предметнинг саногини билдирганда, баъзида отдан кейин жойлашган.

От+Сон

Вей Сюэ-И¹²⁸ «Хэ чжоужи» (核舟记):

“通计一舟，为人五，为窗八”。 Tōngjì yī zhōu , wéi rén wǔ , wéi chuāng bā。 (Битта қайиқда ҳаммаси бўлиб бешта одам, саккизта дераза бор.)

“一” (бир) сони отдан олдин келган, “五” (беш), “八” (саккиз) эса аксинча отдан кейин келган.

III. Каср, чама, ноаниқ сонлар ифодаланиши замонавий хитой тиидан фарқ қиласади:

¹²⁷ 21,120

¹²⁸ 魏学洢 Wèi Xuéyī (Тахминан 1596-1625) – Минг (1368-1644) даври Таниқли ёзувчиси. (32,2214-б)

a) Каср сон

I) Махраж+Сурат=Каср сон

«Тарихнома» нинг “Ченшэ шижя” (史记•陈涉世家) бўлимида:

“而戍死者固十六七”. Ér xū sǐ zhě gù shí liù qī. (Чегара посбонларидан ҳалок бўлганлар сони 10 дан 6, 7ни ташкил қиласиди¹²⁹.)

б) Чама сон одатда “可” kě, “所” suǒ, “许” xǔ сўзлари орқали ясалади.

2) “可” (“所”, “许”)+ Сон=Чама сон.

«Хан китоби» “Қирол Чжанг ҳикояси” (汉书•王章传) бўлимида:

“年可十二”. Nián kě shí èr. (У чамаси 12 ёшларда эди.)

c) Ноаниқ сон

Қадимги хитой тилидаги сон баъзида шакл жиҳатдан аниқ сон бўлса-да, аслида ноаниқ бўлиши ҳам мумкин бўлган. Одатда “三” (3), “九” (9), “百” (100), “千” (1000), “万” (10000) сингари сонлар шулар сирасига кирган. Шунинг учун уларни сўзма-сўз таржима қилиш мумкин эмас, балки “кўп” тарзида таржима қилинади.

Масалан: «Лунюй»:

“季文子三思后行”. Jì Wénzǐ sān sī hòu xíng. (Жи Вензи ҳар бир ишни етти ўйлаб, кейин кесади.)¹³⁰

IV. Соннинг феъллашиши.

¹²⁹ 60-70% га тўғри келади.

¹³⁰ 22,50

Масалан: «Тарихнома» “Чин Ши-хуанг фаолияти” (史记•秦始皇本纪) бўлимида:

“古时，天下散乱，莫之能一”. Gǔshí, tiānxià sǎnluàn, mò zhī néng yī.
(Қадим замонларда Хитойда тартибсизлик ва парокандалик ҳукм сурарди, ҳеч ким бу давлатни бирлаштириш уддасидан чиқолмади.)

Бу гапда “—”: “бир” маъносини берувчи сон, “统 —” tǒngyī
(бирлаштироқ) феъл маъносини билдирган.

5§ . Ҳисоб сўзлар

Қадимги хитой тилидаги ҳисоб сўзлар замонавий хитой тилига нисбатан камроқ ишлатилган, бироқ уларнинг мавжудлигини ҳеч ким инкор қилолмайди. Ҳозирги замон хитой тилига ўхшаб қадимги хитой тилининг ҳисоб сўзлари ҳам икки катта гурухга бўлиниши мумкин:

1. **名量词** míngliàngcí (物量词 wùliàngcí) – ном ҳисоб сўзлари;
2. **动量词** dòngliàngcí – ҳаракат ҳисоб сўзлари;¹³¹

Ном ҳисоб сўзлари – от сўз туркуми билан қўлланадиган ҳисоб сўзлар (дона, соп ва ҳ.к.).

Ҳаракат ҳисоб сўзлари – феъл сўз туркуми билан қўлланадиган ҳисоб сўзлар (марта, маҳал ва ҳ.к.).

Қадимги хитой тилидаги ҳисоб сўзлар сон билан бирикиб, сон ҳисоб сўзларини ҳосил қилган. Қуйидаги икки моделни кўриб чиқайлик:

1) Сон+Ҳисоб сўз+От

“吾不能为五斗米而折腰”. Wú bùnéng wéi wǔ dǒu mǐ ér zhéyāo. (5
доу¹³² гуруч учун улар олдида ўзимни бунчалик ерга урмайман.)¹³³

¹³¹ 4,24

¹³² Қадимги Хитойда ишлатилган оғирлик бирлиги, 1 доу 10 литрга teng келади.

2) От+Сон+Хисоб сўз

“我持白璧一双，欲献项王”. Wǒ chí bái bì yì shuāng, yù xiān Xiàng wáng. (Ўзим билан бир жуфт нефрит тошини олиб келдим, Сянг қиролига тақдим этмоқчиман.)¹³⁴

Венянда қуйидаги ҳисоб сўзлар кўп учрайди: “钩”¹³⁵, “仞”¹³⁶, “钟”¹³⁷, “镒”¹³⁸, “斗”¹³⁹. Улар замонавий хитой тилида аллақачон муомаладан чиқкан.¹⁴⁰

Олмош

От, сифат, сон, равиш ўрнида қўлланадиган сўз туркуми **олмош** дейилади. Унинг асосий вазифаси нутқдаги такрорланишларни олдини олиш, уни лўнда ва содда бўлишини таъминлаш. Қадимги хитой тилидаги олмошлар уч турга бўлинади:¹⁴¹

- 1) кишилик олмошлари (称代词 chēng dàicí)
- 2) кўрсатиш олмошлари (指示代词 zhǐshì dàicí)
- 3) сўроқ олмошлари (疑问代词 yíwèn dàicí)

I. Кишилик олмошлари – шахсни билдирадиган олмошлар, яъни ушбу олмошлар фақатгина отларни ўрнида қўлланилади. Кишилик олмошлари ўз ўрнида биринчи шахс олмошлари, иккинчи шахс олмошлари ва учинчи шахс олмошларига бўлинади.

¹³³ «Пу китоби» “Тао Цян ҳикояси” бўлими (普书•陶潜传 pǔshū•Táo Qián zhuán)

¹³⁴ «Тарихнома» “Сянгюй таржимаи ҳоли” бўлими (史记•项羽本纪 shǐjì•Xiàngyǔ běnjì)

¹³⁵ Қадимги оғирлик бирлиги, 15 килограммга тенг.

¹³⁶ Узунлик бирлиги, 8 (7) чи (1 чи=10 ҷун= 32 см); 2,5 метр га тенг.

¹³⁷ Ҳажм бирлиги, 640 литрга тенг.

¹³⁸ Оғирлик бирлиги, 1000 грамм, яъни 1 кг (20 лянг)га тенг.

¹³⁹ Ҳажм бирлиги, 10 литрга тенг.

¹⁴⁰ Бу ҳисоб сўзларнинг маъноси “Гудай ҳанюй сидян” (古代汉语词典 – Қадимги хитой тили лугати)дан олинди.

¹⁴¹ 18,106

Биринчи шахс кишилик олмошлари Венянда қуидалар биринчи шахс олмошлари ҳисобланган:

- 1) “余” yú;
- 2) “予” yú;
- 3) “我” wǒ;
- 4) “吾” wú;
- 5) “朕” zhèn;
- 6) “卬” áng;
- 7) “台” yí.

Одатда “予”, “余”¹⁴² ва “我” гапда эга, түлдирувчи ва аниқловчи бўлиб келган.

(1) 我非爱其财而易之以羊. Wǒ fēi ài qí cái ér yì zhī yǐ yáng. – Мен бойлик ортириш мақсадида буни қўйга алмаштираётганим йўқ. («Менг-зи» “Лянхой ванг шанг” бўлими)¹⁴³

(2) 尔为尔，我为我。 Ěr wéi ěr, wǒ wéi wǒ. – Сен – бу сен, мен – бу мен. («Менг-зи» “Гонг Сонг чоушанг” бўлими)¹⁴⁴

¹⁴² “予” ҳамда “余” қадимги хитой тилида бир хил талаффуз қилинган, лекин ҳар хил ёзилган ва бир хил ишлатилган. Баъзи манбаларда “予” («Шангшу 尚书»), айримларида эса “余” («Зожуан 左传») дан фойдаланилган.

¹⁴³ 22,122

¹⁴⁴ 22,141

Биринчи мисолда “我” олмоши гапда эга вазифасини бажарган, иккинчи мисолда аввал келган 我 – эга, кейингиси эса – кесим бўлиб, “мен” маъносини билдиради.

吾 биринчи шахс кишилик олмоши Дастрлабки Чин (221-207) даври хитой тилида гапда эга ва аниқловчи вазифасини бажара олган. Бундан ташқари бўлишсиз гапларда тўлдирувчи вазифасини бажарган, гапдаги тартиби феълдан олдин бўлган.

(3) 吾妻之美我者私. Wú qī zhī měi wǒ zhě sī. – Рафиқам мени қаддиқомати келишган деб ўйлайди, мени жуда яхши кўради. («Курашувчи шоҳликлар» “Чи стратегияси” бўлими)¹⁴⁵

Учинчи мисолдаги 吾 олмоши “妻” (рафиқа, от сўз туркуми)нинг аниқловчиси вазифасини бажарган, “менинг” тарзида таржима қилинади. “朕” кишилик олмоши Дастрлабки Чин даврида асосан гапда аниқловчи ва эга вазифасини бажарган.

(4) 朕皇考曰伯庸。Zhèn huáng kǎo yuē bó yōng. – Менинг раҳматли отамни исми Бо Юнг эди. (Чю Юан «Лисао»)¹⁴⁶

Тўртинчи мисолда 朕 олмоши “皇考” (раҳматли ота, от)ни аниқлаб, гапда аниқловчи вазифасини бажарган. Таржимаси - “менинг”. “台” олмоши кўпинча гапда эга ва аниқловчи вазифасини бажарган.

(5) 朝夕纳诲, 以辅台德。Zhāo xī nà huì, yǐ fǔ yí dé. – Бутун кунимни илм ўргатишга бағищлайман, давлат бошқаруви муоммоларини бартараф этиш – мен учун энг оқилона вазифадир. («Шангшу» “Шоминг шанг” бўлими)¹⁴⁷

¹⁴⁵ 34,1648

¹⁴⁶ 34,2011

¹⁴⁷ 34,1843

Бешинчи гапда 台 кишилик олмоши “德” (ахлоқ, от)ни аниклаб, гапда аникловчи вазифасини бажарган. Таржимаси – “менинг”. “印” биринчи шахс кишилик олмоши күпчилик ҳолларда гапда эга вазифасини бажарган.

(6) 人涉印否, 印须我友。Rén shè áng fǒu, áng xū wǒ yōu. – Бошқалар дарёning нариги қирғоғига ўтишди, мен эса ўтмадим, сабаби мен дўстимни кутишим керак эди. («Шижинг» “Бейфенг” бўлими)¹⁴⁸ Олтинчи гапдаги иккала 印 олмоши ҳам гапда эга вазифасини бажарган, “мен” тарзида таржима қилинади.

Қадимги хитой тилида “台” ва “印” нисбатан кам ишлатилган. Қадимги тарихий манбаларни кўздан кечирав эканмиз, бу сўзларнинг таржимасига алоҳида аҳамият беришимиз керак.

Иккинчи шахс кишилик олмошлари. Венянда иккинчи шахс кишилик олмошларидан кўпинча қуидагилар ишлатилган:

1) “女” nǚ (“汝” rǔ);

2) “尔” ěr;

3) “若” ruò;

4) “乃” nǎi;

5) “而” ér.

Ушбу иккинчи шахс олмошлари ҳам ўз ўрнида икки гурухга бўлинади:

Биринчи гурух “女” (“汝”), “尔”, “若” бу 3 та олмош гапда эга, тўлдирувчи ва аникловчи вазифасида келиши мумкин.

¹⁴⁸ 34,17

(1) 居, 吾语女。Jū wú yǔ nǚ. – (Сен) Бироз ўтириб тур, мен сенга ҳаммасини гапириб бераман. («Лунюй» “Янгхо” бўлими)¹⁴⁹
Биринчи гапда 女 олмоши “语” (гапириб бермок, феъл)нинг тўлдирувчиси бўлиб келган, таржимаси – “сенга”.

(2) 若虽长大, 好带刀剑, 中情怯耳。Ruò suī zhǎng dà, hào dài dāojiàn, zhōng qíng qiè ěr. – Гарчанд сен бўйинг баланд, қадди-қоматинг келишган йигит бўлсанг-да, ўзинг билан доим қурол олиб юрасан, аслида сен қўрқоқсан. («Тарихнома» “Инхоу таржимаи ҳоли” бўлими)¹⁵⁰

Иккинчи гапдаги 若 олмоши ҳам гапда эга вазифасини бажариб, “сен” тарзида таржима қилинади.

Иккинчи гурух “乃”, “而” олмошлари гапда асосан аниқловчи, баъзи пайтларда эга вазифасини бажарган, тўлдирувчи бўлолмаган.

(3) 若归, 试私从容问而父。Ruò guī, shì sī cóngróng wèn ér fù. – Сен уйга қайтгач, бу ҳақда секин отангдан сўраб кўр. («Тарихнома» “Цао Сянго таржимаи ҳоли” бўлими)¹⁵¹

Учинчи гапда 而 “父” (ота, от сўз тур.) дан олдин келиб, аниқловчи вазифасини бажарган. Таржимаси – “сенинг”.

Учинчи шахс кишилик олмошлари. Қадимги хитой тилида учинчи шахс олмошларидан қўпинча қуйидагилар ишлатилган:

- 1) “其” qí;
- 2) “之” zhī;

¹⁴⁹ 22,99

¹⁵⁰ 34,1338

¹⁵¹ 22,111

3) “厥” jué;

4) “彼” bǐ.

Кишилик олмошларнинг кўплик шакли Замонавий хитой тилида кишилик олмошларининг бирлик ва кўплик шакллари мавжуд ва улар шакл жиҳатидан ҳар хил:

1) бирлик шакли: 我 wǒ, 你 nǐ, 他 tā;

2) кўплик шакли: 我们 wǒmen, 你们 nǐmen, 他们 tāmen.

Қадимги хитой тилида эса кишилик олмошларининг бирлик ва кўплик шакллари фарқланмаган. У ҳолда кўплик ва бирлиқдаги маънони қандай ажратиш мумкин деган савол туғилади. Бунинг икки йўли бор:

а) матн бўйича. Яъни венян матни таржимаси қоидаларига биноан, бу гапдан олдинги гапларни таҳлил қилиш орқали тўғри маъно чиқарилади;

б) айрим кўпликни билдирувчи сўзлар орқали. Хан сулоласи (М.а. 206-милодий 220)дан кейинги даврларда, венянда кишилик олмошлари билан бирга қўлланиб, кўплик маъносини билдирувчи қуидаги сўзларни учратишимиз мумкин:

“bèi”, “cáo”, “shǔ”, “děng”, “chái”

Бу сўзлар мустақил лексик маънога эга, шунинг учун уларни кўплик қўшимчаси деб бўлмайди, замонавий хитой тилидаги “**们**” (мен-кимсаларга нисбатан кўплик суффикси) дан фарқ қиласди. Улар “**бир гурӯх, бир туркум**” деган маъноларни билдириб, аниқ матн таркибида олмошларнинг кўплик маъносини ясайди.

«Зожуан» “Жао Гонг ҳукмронлигининг 24 йили” (左传•昭公二十四年) бўлимидан¹⁵² қуидаги мисолни келтирамиз:

“吾侪何知焉？” Wú chái hé zhī yān? (Биз буни қаердан биламиз?)

Қадимги ёзма манбаларни кўздан кечираётганимизда, қуидагиларни кўпликдаги кишилик олмошлари деб қабул қилишимиз керак:

“биз” – 我輩，我屬，吾屬，吾侪；

“сиз” – 若曹，汝曹，公等，若屬；

“улар” – 彼等。¹⁵³

II. Кўрсатиш олмошлари. нарса-буюм, кимсани кўрсатиш учун ишлатиладиган олмошлардир. Қадимги хитой тилида кўрсатиш олмошлари ўз ўрнида 5 гурӯхга бўлинган:

1. Яқинни кўрсатувчи олмошлар (近指)
2. Узокни кўрсатувчи олмошлар (远指)
3. Гумон олмошлари (虚指)
4. Бўлишсизлик олмошлари (无指)
5. Белгилаши олмошлари (旁指)

1. Венянда асосан “^{s hì}是” “^{c ī}此” “^{s ī}斯” “^{z ī}茲” “^{z hī}之” яқин масофани кўрсатувчи олмошлар бўлиб, “бү”; “бү ер”; “бү ерда”; “бундай” каби таржима қилинган.

¹⁵² 22,604

¹⁵³ 34,126

● 之子于归，宜其室家。Zhī zǐ yú guī, yí qí shì jiā. – Бундай қиз турмушга чиқса, борган хонадонини баҳтли қиласи. («Шижинг» “Жоунан” бўлими)¹⁵⁴

2. Венянда асосан “夫” “彼” “其” олмошлари узоқ масофани кўрсатувчи олмошлар сифатида қўлланилган, “ана у”, “ана у ер”, “ундай” каби маъноларни англатган.

3. Қадимги хитой тилида асосан “某”, “或” бу икки гумон олмошлари ишлатилган бўлиб, “кимдир”, “нимадир” каби маъноларни англатган. “某” гапда аниқловчи ва эга, “或” эса асосан эга вазифасини бажара олган.

● 项燕为楚将，数有功，爱士卒，楚人怜之。或以为死，或以为亡。

Xiàngyàn wèi chǔ jiāng, shuò yǒu gōng, àishìzú, chǔ rén lián zhī. huò yǐ wéi sī, huò yǐ wéi wáng. – Сянгян Чу давлатининг буюк саркардаси бўлиб, кўп маротаба қаҳрамонлик кўрсатган, аскарларни ҳимоя қиласи, Чу халқи уни қадрлайди. Баъзилар у учун халок бўлган, баъзилар эса қочиб кетишган. («Тарихнома» “Ченшэ шижя”)¹⁵⁵

4. Бўлишсизлик олмошларидан қадимги венянда “莫” “无” ишлатилган.

“Хеч ким”, “хеч нарса” тарзида таржима қилинади.

● 子曰：“莫我知也夫!” Zǐ yuē: “mò wǒ zhī yě fū!” – Конфуций деди: “Хеч ким мени тушунмайди!” («Лунюй» “Сянвен” бўлими)¹⁵⁶

¹⁵⁴ 22,357

¹⁵⁵ 34,682

¹⁵⁶ 22,87

5. Қадимги хитой тилида белгилаш олмоши вазифасини асосан “^{t ā}**他**”

олмоши бажарган. Дастреб “^{t ā}**他**” кишилик олмоши эмас, балки белгилаш маъносини билдирувчи олмош сифатида қўлланилган. “**Бошқа**”, “**бошқалар**” тарзида таржима қилинади.

● 无他故焉。Wú tā gù yān. – Бу ерда бошқа сабаб йўқ. («Сюн-зи» “Ванг чжи” бўлими)¹⁵⁷

III. Сўроқ олмошлари бирор кимса, нарса-буом, белги ёки сон ҳақидаги сўроқни билдирадиган олмошлардир. Қадимги хитой тилидаги сўроқ олмошлари икки турга бўлинган:

- 1) киши ҳақидаги сўроқ олмошлар;
- 2) нарса-буом ҳақидаги сўроқ олмошлар.

Венянда киши ҳақидаги сўроқни ясаш учун асосан “^{shuí}**谁**”, “^{shú}**孰**” ишлатилган, “**ким**”, “**қай бири**” маъноларини англатган.

- (1) 此谁也? Cǐ shuí yě? – Бу ким? («Курашувчи подшоликлар» “Чи стратегияси”)
- (2) 父与夫孰亲? Fù yǔ fū shú qīn? Ота билан эр қайси бири яқинроқ? («Зожуан» “Хуан Гонг ҳукмронлигининг 15 йили”)¹⁵⁸

Венянда нарса-буом ҳақидаги сўроқни ясаш учун кўпинча “^{hé}**何**”, “^{h é}**曷**”, “^{h ú}**胡**”, “^{x ī}**奚**”, “**恶**” wū, “^{ā n}**安**”, “^{shú}**孰**” кабилар қўлланилган. Қуйида ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз:

1. “**何**” (^{hé}) нарса-буом ва жой номи ҳақидаги сўроқни билдириши мумкин. Грамматик вазифалари:

¹⁵⁷ 18,140

¹⁵⁸ 34,1458

- а) түлдирувчи (“қаерга”);
- б) аниқловчи (“қандай”);
- в) ҳол (“қайдай қилиб”);
- г) кесим (“нима учун”).

轸不之楚，何归乎？ Zhěn bú zhī chǔ, hé guī hū? – Жен Чу мамлакатига бормас экан, унда қаерга боради? («Тарихнома» “Жанг И таржимаи ҳоли” бўлими)¹⁵⁹

- 2. “曷” (hé)** сўроқ олмоши бўлиб келганида, асосан нарса-буюмни билдиради. Унинг грамматик вазифалари қуидагилардан иборат:
- а) эга (“нима”);
 - б) түлдирувчи (феъл ёки предлогдан олдин келади, “нимани”);
 - в) ҳол (“нима учун”, “қандай қилиб”);
 - г) аниқловчи (“қайси”, “қандай”).

庄王怒曰：“吾使子往视之，子曷为告之？” Zhuāng wáng nù yuē: “wú shǐ zǐ wǎng shì zhī, zǐ hé wéi gào zhī?” – Чу мамлакати қироли Жуанг ғазаб ила деди: “Мен сизни Сонг мамлакатидаги ахвол ҳақида билиб келиш учун жўнатгандим, сиз нима учун уларга бизнинг ахвол ҳақида айтдингиз?” («Гонгянг жуан» “Сюан Гонг ҳукмонлигининг 15 йили”)¹⁶⁰.

- 3. “胡” (hú)** сўроқ олмоши асосан нарса-буюм ҳақидаги сўроқни билдиради. Грамматик вазифалари:
- а) ҳол (“нима учун”, “қандай қилиб”);
 - б) түлдирувчи (“нима”).

¹⁵⁹ 34,559

¹⁶⁰ 34,567

4. “安” (ān) сўроқ олмоши қадимги хитой тилида кўпинча жой номи ҳақидаги сўроқни англатган, баъзида нарса-буюмни ҳам билдирган. Грамматик вазифалари:

- а) ҳол (“қандай қилиб”, “нима учун”);
- б) тўлдирувчи (“қаерда”, “нима”).

沛公安在? Pèi gōng ān zài? – Пейгонг қаерда? («Тарихнома» “Сянгюй таржимаи ҳоли” бўлими)

5. “奚” (xī) одатда жой номи ва нарса-буюмни билдирувчи сўроқ олмоши бўлиб, гапдаги грамматик вазифалари қўйидагилардан иборат:

- а) ҳол (“қандай қилиб”, “нима учун”);
- б) тўлдирувчи (“нима”).

6. “恶”¹⁶¹ (wū) одатда нарса-буюм, жой номи, ҳолатни билдирувчи сўроқ олмоши бўлиб, грамматик вазифалари қўйидагича:

- а) ҳол (“қандай қилиб”, “нима учун”);
- б) тўлдирувчи (феъл ёки предлогдан олдин келади, “нимани”).

敢问夫子恶乎长? Gǎn wèn fūzǐ wū hū zhǎng? – Илтимос айтинг-чи, устоз қайси соҳани мукаммал эгаллаган? («Менг-зи» “Гонг Сонг чоушанг” бўлими)¹⁶²

Мавзу бўйича саволлар:

1. Қадимги хитой тилида мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари қандай фарқланган? Уларнинг турларини айтиб беринг.
2. Қадимги хитой тилида от ва феълнинг ифодаланишига мисоллар келтиринг.
3. Қадимги хитой тилида олмошлар турлари ҳақида гапиринг.
4. Қадимги хитой тилида сон категорияси қандай ифодаланган?

¹⁶¹ Венянда “恶” кўп маъноли сўз бўлиб, 1) феъл (wù): “ёмон кўрмок”; 2) сифат (è): “ёмон”; 3) от (è): “ёмон одам”, “ёмонлик” 4) сўроқ олмоши (wū) маъноларига эга.

¹⁶² 22,136

Амалий машғулот вазифа ва саволлари:

1. Ян Сюань-Чжи. “Лоян ибодатхоналари ҳақида” матни
2. Матнни грамматик таҳлилини амалга оширинг, мустақил ва ёрдамчи сўз туркумларига аҳамият беринг.

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар

1. Драматург Zhu De Qing ҳақида маълумот йиғиш
2. Қадимги ва замонавий хитой тилида мусатқил сўз туркумларини солиштириш, ёрдамчи сўз туркумлари мавзусида реферат тайёрлаш.

8-Mavzu. Xitoy tilida ko’p talaffuzli iyerogliflar.

Дарснинг ўқув мақсади: Талаффузи ҳар хил, маъноси ҳам ҳар хил иероглифлар; талаффузи ҳар хил, маъноси ҳам ҳар хил иероглифлар ҳақида маълумотга эга бўлиш.

Таянч тушунчалар: талаффуз, маъно, иероглиф, “Duoyinzi” 多音字,

omonimlar 同音词.

Xitoy tilida ko’p talaffuzli iyerogliflarni “duoyinzi”¹⁶³ (多音字) deb ataladi. “Duoyinzi” deganda xitoy tilshunoslari hozirgi zamonda xitoy jamiyatida qo’llanilayotgan anchagina tarkibni egallagan ko’rinishi (yozilishi) bir xil, o’qilishi (talaffuzi) bir-biridan farq qiladigan, shuning bilan birga, ma’no jihatdan o’xshamaydigan yoki yaqin bo’lgan iyerogliflarni ko’z oldiga keltiradilar.¹⁶⁴ Ko’p talaffuzli iyerogliflar muammosi tilshunos 沈棟 (Shen Yan) tomonidan chuqr

¹⁶³ Tilshunoslar «duoyinzi»ga “polifonar” deb nom berganlar, bu so’z yunoncha so’z bo’lib, “ko’p talaffuzli” degan ma’noni anglatadi.”俄汉对教语言学名词” (Xitoycha-ruscha lingvistik atamalar lug’ati), Pekin, 1962 yil, 85-bet

¹⁶⁴ Xitoy olimi Chen Shuan (陈玄) bu toifadagi iyerogliflarning soni mingtadan ortiq bo’lsa kerak deb ta’kidlaydi. “Hanzi yindu jule”, Pekin, 1958 bet, 1 bet.

o'rganilgan bo'lib, uning “小学多音多义字手册” (Boshlang'ich maktablar uchun ko'p talaffuzli, ko'p ma'noli so'zlar qo'llanmasi) kitobi mavjud. Bu qo'llanmada 270 ga yaqin ko'p talaffuzli iyerogliflar, ularning o'qilishi, ularning turli leksik birliklarning tarkibida qo'llanilishi shuningdek gaplarda ishlatalishi tahlil qilingan.

Masalan, “长” iyeroglifi shu ko'rinishda ikki xil talaffuzga ega, birinchi talaffuzida “cháng” deb o'qilib, “uzun” degan ma'noni anglatadi. Ikkinci talaffuzda “jǎng” deb o'qilib, “o'smoq, rivojlanmoq” degan ma'nolarni anglatadi. “差” iyeroglifi esa to'rt xil tarzda talaffuz qilinadi. Birinchisida u “chā” (birinchi ohangda) kabi o'qilib, “ayirma, farq” degan ma'nolarni anglatadi. Ikkinci talaffuzida “chà” (to'rtinchi ohangda) o'qilib “deyarli, ma'qul” degan ma'noda keladi. Uchinchi talaffuzida “chā i” deb o'qilib “safar, komandirovka” degan ma'nolarni bildiradi. To'rtinchi talaffuzida “cē” deb o'qilib, “asabiy, tajang” degan ma'nolarni ifoda etadi.

Xuddi shu kabi, “乐” iyeroglifi ikki xil talaffuzga egadir. Ulardan birinchisi “lè” deb o'qiladi va “xursand bo'lmoq, shodlanmoq” degan ma'nolarni bildiradi, shuningdek, bunday ko'rinishda o'qilganda aynan xursandchilik, shodlik va quvonch bilan bog'liq bo'lgan so'zarning tarkibida keladi. Ikkinci o'qilishi esa to'rtinchi tondagi “yuè” bo'lib, bunday o'qilganda “乐” iyeroglifi “musiqa” ma'nosini anglatadi hamda musiqa, musiqiy asboblar va musiqiy atamalar tarkibida keladi.

Yana bir iyeroglis “看”ning ham ikki xil talaffuz usuli mavjud. Bular birinchi ohangdagi “kān” va to'rtinchi ohangdagi “kàn” dir. “kān” deb o'qilganda bir nechta ma'nolarni anglatadi, ya'ni “nazorat qilmoq, qarab turmoq, ko'z-qulqoq bo'lib turmoq”, “qamoqqa olmoq, vaqtincha qamamoq” kabi. Ikkinci talaffuzidek

“kàn” deb o’qilganda esa “qaramoq, nazar solmoq”, “o’qimoq, ko’rmoq”, “kuzatmoq” kabi ma’nolarni anglatadi.

“扫” iyeroglifini olsak, u ikki xil talaffuzga ega. “sǎo” (uchinchi tonda) talaffuzi “uy supurmoq” degan ma’noni anglatadi. “sáo” (ikkinchi tonda) kabi talaffuz etilganda “supurgi” degan ma’noni anglatadi.

Yana bir iyeroglif “量” ham ikki xil ravishda o’qiladi. Birinchi talaffuzi ikkinchi ohangdagi “liáng” bo’lib, “o’lchamoq” ma’nosini anglatadi. Ikkinci talaffuzi esa to’rtinchi ohangdagi “liàng” bo’lib, “miqdor, hajm, o’lchov” kabi ma’nolarni anglatadi. Keltirilgan navbatdagi ikki so’zda esa ohang morfologik vazifani, ya’ni so’z turkumini farqlash vazifasini bajarmoqda.

Yuqoridagi misollarda nafaqat so’zlarning o’qilishi balki ma’nosi ham o’zgarganligini ko’rishimiz mumkin. Demak, xitoy tilida muayyan bitta iyeroglif bir yoki undan ortiq talaffuzlarga ega bo’lishi, bundan tashqari bir yoki undan ma’nolarni ham anglatishi mumkin ekan. Shuning uchun ham, xitoy tilida so’zlaganda har bir so’zning ohangiga e’tibor bergen holda so’zlash maqsadga muvofiq bo’ladi. Aks holda, suhbatdoshlar o’rtasida turli xil tushunmovchiliklar kelib chiqish ehtimoli bor.

“Duoyinzi”ni xitoy iyeroglifshunoslari o’z navbatida ikki turga bo’ladilar:

1. Ko’p talaffuzli, ko’p ma’noli iyerogliflar “duoyin duoyizi” (多音多义字)¹⁶⁵ yoki “duoyin butong, yiye butong” (读音不同，意义也不同-o’qilishi har xil, ma’nosi ham har xil).¹⁶⁶
2. Bir ma’noli ko’p talaffuzli “tongyi doinzi” (同义多音字)¹⁶⁷ yoki “duyin butong, yiye xiangtong huo xiangjin” (读音不同，意义相同或相近 o’qilishi har xil, ma’nosi bir xil yoki bir-biriga yaqin iyerogliflar).¹⁶⁸

¹⁶⁵ “汉字基础知识”(Xitoy iyerogliflari haqida asosiy bilimlar), Urumchi, 1996 yil, 50-bet

¹⁶⁶ “小学多音多义字手册”(Boshlang’ich muktablar uchun ko’p talaffuzli, ko’p ma’noli so’zlar qo’llanmasi), 沈楼, Pekin, 1990 yil, 2-bet

¹⁶⁷ “汉字基础知识”(Xitoy iyerogliflari haqida asosiy bilimlar), Urumchi, 1996 yil, 51-bet

Muhim tomoni shundaki, biz ko'p talaffuzli so'zlar (多音字) ni omonimlar (同音词) dan farqlay bilishimiz lozim. Xitoy tilida omonim so'zlarning soni juda ko'p. Yer yuzidagi eng omonimik til deb hisoblanadi. *Omonim so'zlar* (同音词 tóngyīncí) - talaffuzi bir, ammo shakli har xil so'zlarga aytildi. Bu ta'rifga qo'shimcha qilib shuni aytish kerakki, talaffuzi bir xil bo'lishi bilan birga etimologik ohangi ham bir xil bo'lishi kerak.

Omonimlarning xususiyatlarini to'liq ko'rsatish uchun nafaqat etimologik tasnifini, balki struktura (bo'g'in hajmi) tasnifini ham berish kerak. Masalan:

“**大车**” (Dà chē) - Arava; ot; uy hayvonlari qo'shiladigan 2 yoki 4 g'ildirakli arava.

“**大车**” (Dà chē) - poezd mashinisti, kemada mexanizmlarni boshqaruvchi kishilarga nisbatan ishlataladigan so'zning mulozamatli ko'rinishi.

“**抽风**” (Chōufēng) - Akashak (falaj) bo'lmoq; fe'l; oyoq-qo'l tomirlarining tortishib, akashak bo'lib qolishi, yuz asablarining falajligi alomati.

“**抽风**” (Chōufēng) - Tortib chiqarmoq; fe'l; muayyam moslama yordamida havoni so'rib, tortib chiqarishda ishlataladi.

1.1. Talaffuzi har xil, ma'nosi ham har xil iyerogliflar.

(读音不同，意义也不同)

Bu atamaning mazmunini xitoy tilshunoslari bizga shunday ta'riflaydi: “Muayyan xitoy iyeroglifi ikki yoki undan ortiq talaffuzga ega bo'lsa va bu talaffuzlarning har biri o'z oldiga mustaqil ma'noni ifoda etsa, biz ularni o'qilishi har xil, ma'nosi ham har xil iyerogliflar deb ataymiz”.

¹⁶⁸ “小学多音多义字手册”(Boshlang'ich maktablar uchun ko'p talaffuzli, ko'p ma'noli so'zlar qo'llanmasi), 沈樑, Pekin, 1990 yil, 2, 3-bet

Ko'p talaffuzli ko'p ma'noli so'zlarda bitta iyerogliturli xil talaffuzga ega bo'ladi, bunda talaffuz faqat etimologik ohang orqali farqlanibgina qolmay balki tovushla jihatdan ham farqlanishi mukindir. Masalan, “禁” ieyroglifining ikki xil o'qilishi mavjud: “jīn” va “jìn”. Ko'riniib turibdiki, ular faqat etimologik ohang orqali farqlanmoqda, ya'ni birinchi talaffuzda birinchi ohangda o'qilsa, ikkinchi talaffuzda esa to'rtinchi ohangda o'qiladi. Bo'g'lnarning ikkalasi ham bir xil tovushlar: *j*, *i*, *n* dan tashkil topgan. Ma'no jihatdan esa turli xil ifodalanadi, ya'ni “jīn” deb o'qilganda “chidamoq, sabr qilmoq, dosh bermoq” kabi ma'nolarni ifodalasa, “jìn” deb talaffuz qilinganda esa “taqiqlamoq, man qilmoq, yo'l qo'ymaslik” kabi ma'nolarni ifodalanadi. Demak, etimologik ohang ma'no farqlash xususiyatiga ega ekan.

Yana bir iyerogliturli “卡” esa biroz boshqacharoq tahlil qilinadi, chunki uning talaffuzlari bir-biridan nafaqat ohang jihatdan balki tovushlar jihatdan ham farqlanadi, ya'ni uning birinchi o'qilishi uchinchi ohangda “kǎ” deb o'qilsa, ikkinchi talaffuzi “qiǎ” deb o'qiladi. Ma'no jihatdan “kǎ” deb o'qilganda “yuk mashinasi, gruzovik”, “kartochka”, “kaloriya” kabi ma'nolarni ifodalaydi. “qiǎ” deb o'qilganda esa “tiqilib qolmoq, qadalib qolmoq”, “to'g'nag'ich” kabi ma'nolarni ifodalab keladi. Ko'riniib turibdiki, birinchi talaffuz “k” va “a” tovushlaridan, ikkinchi talaffuz esa “q”, “i” va “a” tovushlaridan tashkil topgan. Xitoy tilida bunday iyerogliflar ko'plab uchraydi.

Masalan, “调” iyerogli “diào” deb o'qilganda “o'tkazmoq, ko'chirib o'tkazmoq” degan ma'noni anglatsa, uning ikkinchisi “tiào” deb o'qilishi “aralashtirmoq, tayyorlamoq” degan ma'nolarni anglatadi. Mazkur iyerogliturli “diào” deb o'qilganda “调查” (diàochá; tekshiruv), “声调” (shēngdiào; ohang), “曲调” (qǔdiào; kuy, tarona,navo), “腔调” (qiāngdiào; talaffuz, intonatsiya) kabi

so'zlearning tarkibida kelishi mumkin. “tiáo” deb o’qilganda esa “调整” (tiáojěng; to’g’rilamoq, tartibga solmoq), “调皮” (tiáopí; sho’xlik qilmoq, o’ynashmoq), “协调” (xiétiáo; muvofiqlashtirmoq, uyg’unlashtirmoq) kabi so'zlearning tarkibida keladi.¹⁶⁹

1.2. Talaffuzi har xil, ma’nosi bir xil yoki yaqin iyerogliflar.

(读音不同，意义相同或相近)

Xitoy tilida shunday iyerogliflar borki, ular u yoki u so'zlarni va so'z elementini ifodalaganda har xil talaffuzga ega bo'ladi, ammo bu hol ularning ma’nosini mutlaq o’zgarishiga olib kelmaydi. Ana shu turdag'i iyerogliflarni o’qilishi har xil, ma’nosi bir xil yoki bir-biriga yaqin iyerogliflar deyiladi.

Ko’p talaffuzli bir yoki yaqin ma’noli so'zlarda ham bitta iyeroglip turli xil talaffuzga ega bo'ladi, bunda talaffuz faqat etimologik ohang orqali farqlanibgina qolmay balki tovushla jihatdan ham farqlanishi mukindir. Masalan, “难” ieyroglifining ikki xil o’qilishi mavjud: “nán” va “nàn”. Ko’rinib turibdiki, ular faqat etimologik ohang orqali farqlanmoqda, ya’ni birinchi talaffuzda birinchi ohangda o’qilsa, ikkinchi talaffuzda esa to’rtinchi ohangda o’qiladi. Bo’g’inlarning ikkalasi ham bir xil tovushlar: “n”, “a” va “n” dan tashkil topgan. Ma’no jihatdan esa bir biriga yaqin ma’nolarni ifodalaydi, ya’ni “nán” deb o’qilganda “og’ir, qiyin, mashaqqatli”, “yoqimsiz, yaramas” kabi ma’nolar ifodalansa, “nàn” deb o’qilganda esa “baxtsizlik, qiyinchilik, mashaqqat, musibat” kabi ma’nolar ifodalanadi.

Yana bir iyeroglip “駄” esa biroz boshqacharoq tahlil qilinadi, chunki uning talaffuzlari bir-biridan nafaqat ohang jihatdan balki tovushlar jihatdan ham farqlanadi, ya’ni uning birinchi o’qilishi to’rtinchi ohangda “duò” deb o’qilsa, ikkinchi talaffuzi ikkinchi ohangda “tuó” deb o’qiladi. Ma’no jihatdan “duò” deb o’qilganda “yuk (hayvonlarga ortilgan yuk)” kabi ma’nosini ifodalaydi. “tuó” deb

¹⁶⁹ “汉字基础知识”(Xitoy iyerogliflari haqida asosiy bilimlar), Urumchi, 1996 yil, 51-bet

o'qilganda esa "yuk tashimoq, ko'tarib yurmoq" kabi ma'nolarni ifodalab keladi. Ko'rinish turibdiki, birinchi talaffuz "d", "u" va "o" tovushlaridan, ikkinchi talaffuz esa "t", "u" va "o" tovushlaridan tashkil topgan. Xitoy tilida bunday iyerogliflar ham ko'plab uchraydi.

Masalan: “剥” iyeroglifi yolg'iz ishlatilganda “bāo” deb o'qiladi va “shilmoq, talamoq” ma'nolarini bildiradi. Lekin u “bōxuē” deb o'qiladigan ikki bo'ginli so'z “剥削”da birinchi bo'g'in bo'lib kelib, endi u “bāo” emas, balki “bō” deb o'qilib ma'no tomondan “bāo” bilan bir xil yoki yaqin ma'noli iyeroglifga aylandi. Chunki “bāo” talaffuzda “shilmoq, talamoq” ma'nolarini bersa, “bō”da esa “ekspluatatsiya qilmoq” ma'nosini anglatmoqda.¹⁷⁰

Мавзу бўйича саволлар:

1. Қадимги хитой тилида талаффузи ҳар хил, маъноси ҳам ҳар хил иероглифларга мисоллар келтиринг.
2. Қадимги хитой тилида талаффузи ҳар хил, маъноси бир хил ёки яқин иероглифларга мисоллар келтиринг.

Амалий машғулот вазифа ва саволлари:

1. Юэфу жанридаги шеърият намуналари. Тан даври хитой тили. Бянвень жанри. “Будда хаёти” матни. Матнларда талаффузи ҳар хил, маъноси ҳам ҳар хил иероглифларнинг қўлланилиши.
2. Матнни грамматик таҳлилини амалга оширинг, талаффузи ҳар хил, маъноси ҳам ҳар хил иероглифларнинг қўлланилишига аҳамият беринг.

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар

¹⁷⁰“汉字基础知识”(Xitoy iyerogliflari haqida asosiy bilimlar), Urumchi, 1996 yil, 53-bet

1. Тан даври шеъриятидан намуналарни таржима қилиш: He Zhi Zhang, Wang Bo, Chen Zi Ang, Wang Hao Ran
2. Қадимги шеърларда талаффузи ҳар хил, маъноси ҳам ҳар хил иероглифларнинг қўлланилиши.

9-Mavzu. Talaffuzi har xil, ma'nosi ham har xil iyerogliflarga tahlil.

Дарснинг ўқув мақсади: “h” товуши билан бошланадиган талаффузи ҳар хил, маъноси ҳам ҳар хил иероглифлар таҳлили: “还” иероглифи, “号” иероглифи, “和” иероглифи, “横” иероглифи . “j” товуши билан бошланадиган талаффузи ҳар хил, маъноси ҳам ҳар хил иероглифлар таҳлили: “间” иероглифи , “降” иероглифи, “角” иероглифи.

Таянч тушунчалар: “还” iyeroglifi. “行” iyeroglifi. “号” iyeroglifi. “和” iyeroglifi“横” iyeroglifi. “间” iyeroglifi. “降” iyeroglifi. “角” iyeroglifi.

Mazkur bobda talaffuzi har xil, ma'nosi ham har xil ayrim iyerogliflar tahlil qilinadi. Ularning o'qilishi, shuningdek so'zlarning, so'z birikmalarining va gaplarning tarkibida kelishidagi muayyan farqlarga asosiy e'tibor qaratiladi. O'r ganish oson bo'lishi uchun biz faqat “h” va “j” tovushidan boshlanuvchi iyerogliflarnigina tahlil qildik.

**2.1. “h” tovushi bilan boshlanadigan talaffuzi har xil, ma'nosi ham har xil bo'lgan iyerogliflar tahlili
“还” iyeroglifi.**

“还” iyeroglifi ikki xil ko’rinishda talaffuz qilinadi.¹⁷¹ Birinchi o’qilishi “hái” bo’lib, bunda “hali ham, hali”, “yana”, “hattoki” kabi ma’nolarni anglatadi. Bunday o’qilganda “还” iyeroglifi quyidagi so’zlarning tarkibida kelib, bir qator ma’nolarni anglatadi: “还是” (háishi) ikki bo’g’inli so’zi “haliyam, baribir” kabi ma’nolarni ifodalaydi. Bu iyeroglfning ikkinchi o’qilishi “huán” sifatida talaffuz qilinib, “qaytmoq; qaytarmoq” ma’nolarini anglatadi. Bunday o’qilganda “hai” iyeroglifini quyidagi so’zlarda uchratishimiz mumkin: ikki bo’g’inli “还乡” (huánxiāng) so’zi “vatanga qaytmoq” deb tarjima qilinadi; yana bir ikki bo’g’inli so’z “还手” (huánshǒu) esa “zarbaga zarba bilan javob qaytarmoq” ma’nosini bildiradi. “讨价还价” (táojiā huánjiā) so’z birikmasida ham mazkur iyeroglf “huán” tarzida o’qiladi va bu so’z birikmasi “savdolashmoq” degan ma’noni anglatadi. Endi bu iyeroglfning ishlatilishini gapda ko’rib chiqamiz:

公园里菊花开了，有黄的，有白的，还(hái)有红的。

(Gōngyuán lǐ júhuā kāile, yǒu huáng de, yǒu bái de, hái yǒu hóng de.)

Bog’dagi xrizantema gullabdi, sariq, oq, yana qizil rangdagilari bor.

还(huán)我书，还我书，我要读书！

(Huán wǒ shū, huán wǒ shū, wǒ yào dúshū!)

Kitobimni qaytar, qaytar, men kitob o’qimoqchiman!

Yuqoridagi gaplarning birinchisida “还” iyeroglifi “有” bilan birikma hosil qilib, “bundan tashqari, yana” ma’nolarini anglatmoqda va gapda hol vazifasini bajarmoqda. Ikkinci gapda esa “还” ieyroglifi buyruq maylidagi fe’lni ifodalab, gapda kesim vazifasini bajarmoqda.

¹⁷¹ “小学多音多义字手册”(Boshlang’ich maktablar uchun ko’p talaffuzli, ko’p ma’noli so’zlar qo’llanmasi), 沈模, Pekin, 1990 yil, 116-bet

“行” iyeroglifi.

“行” iyeroglifining ham ikki xil o’qilishi bor.¹⁷² Ulardan birinchisi “háng” bo’lib, “qator”, “kasb”, “idora, do’kon” kabi bir qancha ma’nolarni anglatadi. Bu iyeroglif “外行” (wàiháng) so’zining tarkibida kelib, bu so’z “bexabar, yetarlicha bilmaydigan” kabi ma’nolarni ifodalaydi. Shuningdek, “bank” ma’nosini anglatuvchi “银行” (yínháng), “firma, savdo uyi” ma’nolarini beruvchi “商行” (shāngháng), “o’z ishining ustasi, mutaxassis” ma’nolarida qo’llaniluvchi “行家” (hángjia) kabi so’zlarning tarkibida kelganda ham “háng” kabi o’qiladi. Bu iyeroglifning ikkinchi o’qilishi “xíng” bo’lib, bunday talaffuz qilinganda “行” iyeroglifi “yurmoq, bormoq”, “qilmoq, harakat qilmoq”, “uddalamoq, eplamoq” kabi ma’nolarni anglatadi. U quyidagi so’zlarning tarkibida keladi: “ish-harakat, faoliyat” kabi ma’nolarni anglatuvchi “行为” (xíngwéi) so’zining birinchi bo’g’ini bo’lib; “ro’yobga chiqarmoq, hayotga tatbiq qilmoq” ma’nolarini anglatuvchi “实行” (shíxíng) so’zining ikkinchi bo’g’ini bo’lib; “keng yoyilmoq, urf bo’lmoq” kabi ma’nolarni ifodalaydigan “风行” (fēngxíng) so’zining ikkinchi bo’g’ini bo’lib keladi. Bu iyeroglifning ishlatilishini quyidagi ayrim gaplarda ham ko’rib chiqamiz:

井上菊花架，河边柳成行 (*háng*)。 (“绿化祖国”)

(Jǐngshàng júhuā jià, hé biān liǔ chéngxíng. (“Lǜhuà zǔguó”))

Yerda xrizantemalardan gilam to’shalgan, daryo bo’yida esa majnuntollar saflanib turardi. (“Vatanni ko’kalamzorlashtirish”)

不要紧，只要你再给我增加点“营养”就行 (*xíng*)。 (“三人行”)

¹⁷² “小学多音多义字手册”(Boshlang’ich maktablar uchun ko’p talaffuzli, ko’p ma’noli so’zlar qo’llanmasi), 沈模, Pekin, 1990 yil, 118-bet

(Bùyàojǐn, jǐyào nǐ zài gěi wǒ zēngjiā diǎn “yíngyǎng” jiùxíng (xíng). (“Sān rén xíng”))

Hech qisi yo’q, faqat meni yana ozgina “parvarish” qilsangiz, bas. (“Yurayotgan uch kishi”)

Yuqorida keltirib o’tilgan ikkita gapning birinchisida “行” iyeroglifi “成行” so’zining tarkibida kelmoqda va “saflanmoq, saf tortmoq, qator hosil qilmoq” ma’nosini anglatmoqda va gapda kesim vazifasini bajarmoqda. Ikkinchi gapda esa modal so’z vazifasini bajarib yolg’iz holda ishlatilmoqda.

“号” iyeroglifi.

Yana bir iyeroglif “号” bo’lib, u ham ikki xil talaffuzga egadir.¹⁷³ Birinchi talaffuzda mazkur iyeroglf “háo” kabi o’qiladi. Bunday o’qilganda “uvlamoq, faryod qilmoq, ho’ngrab yig’lamoq” ma’nolarini ifodalaydi. Quyidagi so’zlarni tarkibida kelganda aynan shunday talaffuzda qo’llaniladi, masalan: “ho’ngramoq, bo’zlab yig’lamoq” ma’nolarida keluvchi “号哭” (háokū) so’zining birinchi bo’g’ini bo’lib kelganda; “avjiga olmoq, kuchaymoq (shamolga nisbatan)” ma’nosini bildiruvchi “怒号” (nùháo) so’zining ikkinchi bo’g’ini bo’lib kelganda; uch bo’g’inli “uchar olmaxon (zoologiya)” ma’nosini beruvchi “寒号鸟” (hánháoni ăo) so’zining ikkinchi bo’g’ini bo’lib kelganda birinchi talaffuzda o’qiladi. Ikkinchi o’qilishi esa “hào”, ya’ni to’rtinchi tonda o’qiladi va “nomlanish, atalish”, “belgi”, “raqam, tartib raqami” kabi ma’nolarni anglatadi. Bunday o’qilganda “号” iyeroglifi quyidagi so’zlarning tarkibida keladi: ikki bo’g’inli “符号” (fúhào) so’zining birinchi bo’g’ini sifatida kelib “shartli belgi” ma’nosini bildiradi; ikki bo’g’inli “信号” (xìnhào) so’zining ham birinchi bo’g’ini bo’lib

¹⁷³ “小学多音多义字手册”(Boshlang’ich maktablar uchun ko’p talaffuzli, ko’p ma’noli so’zlar qo’llanmasi), 沈模, Pekin, 1990 yil, 120-bet

keladi va “signal” ma’nosini anglatadi; “gorn chaluvchi, karnaychi” ma’nolarini anglatuvchi ikki bo’g’inli “号手” (hàoshǒu) so’zining birinchi bo’g’ini bo’lib keladi; shuningdek “发号施令” (fāhàoshīlìng) iborasining tarkibida kelganda ham to’rtinchi ohangda “hao” deb o’qiladi va bu ibora “buyruqbozlik bilan shug’ullanmoq” degan ma’noda qo’llaniladi. Endi bu iyeroglifning gaplarda ishlatilishini ko’rib chiqamiz:

可怜的寒号(háo)鸟在半夜里冻死了。 (“寒号鸟”)

(Kělián de hán hào (háo) niǎo zài bàn yè lǐ dòng sile. (“Hán hào niǎo”))

Bechora uchar olmaxon yarim kechadi muzlab nobud bo’libdi. (“Uchar olmaxon”)

宝石岛观察通讯站的信号(hào)兵，姓高，刚从黑龙江探亲回来。 (“彩色的翅膀”)

(Bǎoshí dǎo guānchá tōngxùn jiàn de xìnhào (hào) bīng, xìng gāo, gāng cóng hēilóngjiāng tànqīn huílái. (“Cǎisè de chìbǎng”))

Gemia orolining pochta-kuzatuv bo’limining familiyasi Gao bo’lgan signal beruvchisi hozirgina Heilongjiangdan qarindoshlaridan xabar olib keldi. (“Rang-barang qanotlar”)

Yuqoridagi gaplarning birinchisida “hao” iyeroglifi “hanhaoniao” so’zining tarkibida kelgan va gapda ega vazifasini bajarmoqda. Ikkinchi gapda esa “xinhaobing” so’zining tarkibida kelib, gapda ega vazifasini bajarmoqda.

“和” iyeroglifi.

Olti xil talaffuzga ega bo’lgan “和” iyeroglifini tahlil qiladigan bo’lsak,¹⁷⁴ uning birinchi talaffuzi ikkinchi ohangdagi “hé” bo’lib, bunday o’qilganda “va, bilan”, “xushmuomalalik, ochiqko’ngillik” kabi bir qator ma’nolarni anglatadi va quyidagi so’zlarning tarkibida keladi: “iliq” ma’nosini bildiruvchi ikki bo’ginli “温

¹⁷⁴ “小学多音多义字手册”(Boshlang’ich maktablar uchun ko’p talaffuzli, ko’p ma’noli so’zlar qo’llanmasi), 沈模, Pekin, 1990 yil, 124-bet

和” (w ē nhé) so’zining ikkinchi bo’g’ini bo’lib kelganda; “xushmuomala, ochiqko’ngil” kabi ma’nolarga ega bo’lgan ikki bo’g’inli “和善” (héshàn) so’zining birinchi bo’g’ini bo’lib kelganda; “murosali kelishuv, murosali suhbat” kabi ma’nolarni anglatuvchi “和谈” (hétán) so’zining birinchi bo’g’ini sifatida kelganda aynan “hé” sifatida talaffuz qilinadi. Bundan tashqari “xayrixohlik qiluvchi, xayrixoh” kabi ma’nolarda ishlatiluvchi “和风细雨” (héfēngxìyǔ) iborasi tarkibida ham “hé” deb o’qiladi. Iyeroglifning ikkinchi o’qilishi to’rtinchi ohangda “hè” bo’lib, bunday o’qilganda “jo’r bo’lib ashula aytmoq, ashulaga qo’shilmoq” degan ma’nolarni anglatadi. Uni quyidagi so’z birikmasi tarkibida uchratishimiz mumkin: “你唱我和” (nǐchàngwǒhè), ya’ni “siz kuylang, men jo’r bo’laman”; shuningdek, “随声附和” (suíshēngfùhé) iborasida to’rtinchi bo’g’in bo’lib kelib “birovning gapini ma’qullamoq” ma’nosini bildiradi. “和” iyeroglifining uchinchi xil o’qilishi ikkinchi ohangdagi “hú” bo’lib, bunday o’qilganda “yutqizmoq” ma’nosini anglatadi, bunday talaffuzdagi “和” iyeroglifining ishlatilish doirasi ancha tor bo’lib, ko’proq qadimgi xitoy tiliga xosdir. Iyeroglifning uchinchi xil o’qilishi ikkinchi ohangdagi “huó” bo’lib, “和面” (huómian) so’zining tarkibida kelganda “xamirni qorimoq” ma’nosini, “和泥” (huóní) so’zining tarkibida kelganda esa “loyni pishitmoq” ma’nosini anglatadi. Iyeroglifning beshinchi o’qilishi to’rtinchi tondagi “huò” bo’lib, “和药” (huòyào) va “和食” (huòshí) kabi so’zlarning tarkibida qo’llaniladi, hamda mos ravishda “dori aralashtirmoq” va “ovqatni aralashtirmoq” ma’nolarini bildiradi. “和” iyeroglifining oltinchi xil talaffuzi neytral tonga ega bo’lib, “huo” deb o’qiladi. Bunda mazkur iyeroglif ikki bo’g’inli so’zlarning faqat ikkinchi bo’g’ini bo’lib

kela oladi. Masalan: “iliq, ilitmoq” ma’nolarini bildiruvchi “暖和” (nuānhuo) soz’i; “aralashtirmoq”, “chuvalashtirmoq” kabi ma’nolarni anglatuvchi 搅 和 (jiǎohuo) so’zlarning tarkibida aynan oltinchi talaffuzida o’qilishini ko’rishimiz mumkin. Endi esa bu iyeroglifning gaplarda ishlatilishini tahlil qilamiz:

小山羊和(hé)小牛一同吃青草。 (“小山羊”)

(Xiǎo shānyáng hé (hé) xiǎo niú yītóng chī qīngcǎo. (“Xiǎo shānyáng”))

Uloqcha va buzoqcha birgalikda o’tlarni yeishdi. (“Uloqcha”)

我拿着食槽去和(huò)食，心想：多喂它们一点儿吧，好让它们多下几个蛋。

(“今天我喂鸡”)

(Wǒ názhe shí cáo qù hé (huò) shí, xīn xiǎng: Duō wèi tāmen yīdiǎn er ba, hǎo ràng tāmen duō xià jǐ gè dàn. (“Jīntiān wǒ wèi jī”))

Men oxurchani olib ovqat tayyorlashga ketar ekanman, ko’nglimda o’yladim: “Ularga ko’proq tuxum berishlari uchun ko’proq ovqat beraman”. (“Men bugun tovuq boqaman”)

他醒过来，觉得很暖和(huo)，就把身子挺一挺。 (“一粒种子”)

(Tā xǐng guólái, juéde hěn nuānhuo (huo), jiù bǎ shēnzi tǐng yī tǐng. (“Yī lì jǐngzǐ”))

U uyg’ongach iliqlikni his qildi, darrov qaddini rostladi. (“Bir dona urug””)

Yuqorida keltirilgan uchta gapdan birinchisida “和” iyeroglifi morfologik jihatdan bog’ovchi hisoblanadi. Sintaktik jihatdan gapda uyushiq bo’laklarni bog’lashga xizmat qilmoqda. Ikkinci gapda esa “和” iyeroglifi “和食” (huoshi) so’zining tarkibida kelmoqda va “ovqat tayyorlamoq” ma’nosini bildirmoqda. Gapda esa murakkab kesim takibida kelmoqda, ya’ni “去和食” – “ovqat tayyorlashga ketdim”. Uchinchi gapda esa “和” iyeroglifi “暖和” (nuanhuo) sifatining tarkibida

kelib, “iliq” degan ma’noni anglatmoqda, gapda to’ldiruvchi vazifasini bajarmoqda.

“横” iyeroglifi.

Yana bir ikki xil talaffuzga ega bo’lgan iyeroglif “横” bo’lib,¹⁷⁵ uning birinchisi o’qilishi quyidagichadir: “héng”. Ikkinci ohangda “héng” deb o’qilganda quyidagi so’zlarda mazkur iyeroglifni uchratishimiz mumkin: “har holda” degan ma’noni anglatuvchi ikki bo’g’inli “横竖” (héngshù) so’zining birinchi bo’gini sifatida; “tartibsiz, alg’ov-dalg’ov, aralash-quralash” ma’nolarida qo’llaniladigan “横七竖八” (héngqīshùbā) birikmasining birinchi bo’g’ini sifatida; “transparant, lavha, mato” kabi ma’nolarni bildirib keluvchi ikki bo’g’inli “横幅” (héngfú) so’zining birinchi bo’g’ini sifatida mazkur iyeroglifning birinchi talaffuzda o’qilishini ko’rishimiz mumkin. Iyeroglifning ikkinchi o’qilishi to’rtinchi ohangdagi “hèng” bo’lib, yolg’iz o’zi ishlatilganda “daga’l, qo’rs, qo’pol, surbet” kabi ma’nolarni anglatadi. Quyidagi so’zlarda aynan shu talaffuzda o’qilishini uchratamiz: “fojiaviy o’lim” ma’nosini anglatuvchi ikki bo’g’inli “横死” (hèngsī) so’zining birinchi bo’g’ini bo’lib kelganda; “haddan oshgan, uchiga chiqqan, ashaddiy” ma’nolarini bildiruvchi “强横” (qiángèng) so’zining ikkinchi bo’g’ini bo’lib kelganda; “o’zboshimcha, boshqani gapiga kirmaydigan” kabi ma’nolarini anglatuvchi “专横” (juānhèng) so’zining ikkinchi bo’g’ini bo’lib kelganda va hokazo.

1931 年，日本帝国主义蛮横(hèng)无理，强占了我国的东北三省。

(1931 Nián, rìběn díguó jūyì mánhèng wúlǐ, qiángjìnlé wǒguó de dōngběi sānshěng.)

¹⁷⁵ “小学多音多义字手册”(Boshlang’ich maktablar uchun ko’p talaffuzli, ko’p ma’noli so’zlar qo’llanmasi), 沈模, Pekin, 1990 yil, 128-bet

1931 yilda mustabid yapon imperializmi Vatanimizning shimoli sharqidagi uchta provinsiyani istilo qildi.

横(héng) 竿又往上升高了两公分，这个高度已经超过了我们学校的最高记录了。 (“跳高”)

(Héng gān yòu wǎng shàngshēng gāole liǎng gōngfēn, jège gāodù yǐjīng chāoguòle wǒmen xuéxiào de zuìgāo jìlùle. (“Tiàogāo”))

Planka yana ikki santimetrlarga ko'tarildi, bu balandlik maktabimizning eng yuqori rekordidan oshib ketgandi. (“Balandlikka sakrash”)

Yuqoridagi namunalardagi “**横**” iyeroglifini tahlil qiladigan bo'lsak, birinchi gapda “**变 横 无理**” (bianhengwuli) birikmasining tarkibida kelib to'rtinchi ohangda o'qiladi, bu birikma “mustabid” ma'nosini anglatib, gapda aniqlovchi vazifasini bajarmoqda. Ikkinci gapda esa “heng” iyeroglifi “**横竿**” (henggan) so'zining tarkibida kelib ikkinchi ohangda talaffuz qilinadi, ma'nosni “planka (balandlikka sakrash sport turida ishlatiladigan uzun cho'p)” bo'lib gapda ega vazifasini bajarmoqda.

2.2. “j” tovushi bilan boshlanadigan talaffuzi har xil, ma'nosni ham har xil bo'lgan iyerogliflarning tahlili “间” iyeroglifi.

“**间**” ieyroglifi ikki xil talaffuzga ega iyeroglif hisoblanadi.¹⁷⁶ Uning birinchisi o'qilishi “ji ā n” bo'lib, birinchi tonda o'qiladi. Bunday o'qilganda iyeroglif “orasida, o'rtasida, ichida”, “xona, bo'lma, uy” ma'nolarini anglatishi mumkindir. Mazkur quyidagi so'zlarning tarkibida kelganida aynan shunday

¹⁷⁶ “小学多音多义字手册”(Boshlang'ich maktablar uchun ko'p talaffuzli, ko'p ma'noli so'zlar qo'llanmasi), 沈模, Pekin, 1990 yil, 140-bet

talaffuzga ega bo'ladi: “o'rtasida, markazida” degan ma'nolarni anglatadigan ikki bo'g'inli “中 间” (zhōngjiān) so'zining ikkinchi bo'g'ini bo'lib kelganida; “xalqona, xalq ichida” ma'nolarini anglatuvchi ikki bo'ginli “民 间” (mínjiān) so'zining ikkinchi bo'g'ini bo'lib kelganda; “vaqt, davr, muddat” kabi ma'nolarni ifodalovchi ikki bo'g'inli “期 间” (qíjiān) so'zining ikkinchi bo'g'ini bo'lib kelganda va hokazo. Bunday misollardan ko'rinish turibdiki, “间” iyeroglifi birinchi ohangda o'qilganida ko'pincha so'zlarning oxirgi bo'g'ini bo'lib kelar ekan. Iyeroglifning ikkinchi talaffuzi to'rtinchi ohangdagi “jiàn” kabi o'qiladi va “”ikki hodisa o'rtasidagi masofa, ikki hodisa o'rtasidagi vaqt davri” va “yagan qilmoq, siyraklashtirmoq” kabi ma'nolarni anglatishi mumkin. Quyidagi gaplarda “间” iyeroglifi aynan to'rtinchi ohangda o'qiladi: ikki bo'g'inli “bilvosita, egri yo'l bilan” kabi ma'nolarni bildiradigan “间 接” (jiānjiē) so'zining birinchi bo'g'ini bo'lib kelganida; “oraliqdagi masofa, oraliq” ma'nolarini bildiruvchi ikki bo'g'inli “间 隙” (jiānxì) so'zining birinchi bo'g'ini bo'lib kelganida va hokazo.

Iyeroglifning gapda ishtirok etishiga e'tibor qaratamiz:

小书法家伍卫，天天练字，从不间(jiàn)断。

(Xiǎo shūfǎ jiā wu wèi, tiāntiān liànzì, cóng bù jiànduàn.)

Kichkina xattot Wuwei har kuni iyerogliflarni yozishni mashq qilardi, hech ham tanaffus qilmasdi.

课间(jiān)活动真是丰富多彩。 (“课间十分钟”)

(Kè jiān huódòng zhēnshi fēngfù duōcǎi. (“Kè jiān shí fēnzhōng”))

Tanaffuslardagi mashg'ulotlar rostdan ham turli-tumandir. (“O'n daqiqalik tanaffus”)

Yuqorida keltirilgan ikkita gapning birinchisida “间” iyeroglifi “间断” (jianduan) so'zining tarkibida kelib “tanaffus, tanaffus qilmoq” ma'nosini anglatmoqda va

gapda kesim vazifasini bajarmoqda. Bu so'zning tarkibida “间” ieyroglifi “jiàn” tarzida o'qiladi. Ikkinci gapda “间” iyeroglifi “课间” so'zining tarkibida kelib “tanaffus (darslar o'rtasidagi tanaffus)” degan ma'noni anglatmoqda va mazkur gapda eganing aniqlovchisi vazifasini bajarmoqda. Bunday ishlatilganda “间” iyeroglifi birinchi ohangda “jiān” kabi talaffuz qilinadi.

“降” iyeroglifi.

Mazkur iyeroglf ham ikki xil talaffuzga egadir.¹⁷⁷ Ulardan birinchisi, to'rtinchi ohangdagi “jiàng” bo'lib, iyeroglf shunday o'qilganda “tushmoq, yiqilmoq, qo'nmoq”, “pasaymoq, pasaytirmoq” kabi ma'nolarni bildiradi. Masalan, “**降落**” (jiàngluò) so'zi aynan shunday ma'nolarni anglatadi. Shuningdek, ikki bo'g'inli “**降雨**” (jiàngyǔ) so'zi “yomg'ir yog'moq” ma'nosini; ikki bo'g'inli “**降价**” (jiàngjià) so'zi “narxlarni pasaytirmoq” ma'nosini; ikki bo'g'inli “**降温**” (jiàngwēn) so'zi “haroratni pasaytirmoq” ma'nolarini anglatadi. So'z birikmasi misolida qaraydigan bo'lsak, “**夜幕降临**” (yèmùjiànglín) turg'un birikmasining ma'nosi “tun cho'kishi” bo'lib, bu birikmada ham “**降**” iyeroglifi to'rtinchi ohangda “jiàng” kabi o'qiladi. Mazkur iyeroglfning ikkinchi xil talaffuzi ikkinchi ohangdagi “xiáng” kabi o'qiladi va “taslim bo'lmoq, topshirilmoq”, “uddalamoq, uddasidan chiqmoq, eplamoq” kabi ma'nolarni anglatadi. Bunday talaffuz qilinganda mazkur iyeroglfni quyidagi so'zlar tarkibida uchratishimiz mumkindir: “bo'ysunmoq, itoat etmoq, taslim bo'lmoq” kabi ma'nolarni anglatuvchi ikki bo'g'inli “**降服**” (xiángfú) so'zining birinchi bo'g'ini bo'lib kelganda; “taslimchilik, jur'atsizlik” ma'nolariga ega bo'lgan ikki bo'g'inli

¹⁷⁷ “小学多音多义字手册”(Boshlang'ich maktablar uchun ko'p talaffuzli, ko'p ma'noli so'zlar qo'llanmasi), 沈模, Pekin, 1990 yil, 142-bet

“投降” (tóuxiáng) so’zining ikkinchi bo’g’ini bo’lib kelganda va hokazo hollarda.

Bu iyeroglifning gaplarda ishlatalish xususiyatiga e’tibor bering:

蒲公英妈妈准备了降(jiàng)落伞，把它送给了自己的娃娃。 (“植物妈妈有办法”)

(Púgōngyīng māmā zhǔnbèile jiàngluòsǎn, bǎ tā sòng gěile zìjǐ de wáwá. (“Zhíwù māmā yǒu bànfǎ”))

Qoqigulning onasi parashyut tayyorladi, uni o’zining bolasiga sovg’a qildi. (“O’simliklar onasida yechim bor”)

他愿意脱离东吴，带兵士和粮草。投降(xiáng)曹操。 (“赤壁之战”)

(Tā yuànyì tuōlí dōng wú, dài bīngshì hé liángcǎo. Tóuxiáng cáocāo. (“Chìbì zhī zhàn”))

U Dongwuni tark etib, askarlar, oziq-ovqat va yem-xashak olib keldi. Caocaoga taslim bo’ldi. (“Chibidagi jang”)

Yuqoridagi gaplarning birinchisida “降” iyeroglifi “jiàng” tarzida o’qiladi. Ushbu gapda mazkur iyeroglif “降落伞” (jiangluosan) so’zining birinchi bo’g’ini bo’lib kelmoqda va “parashyut” parashyut ma’nosini anglatib, gapda to’ldiruvchi vazifasini bajarib kelmoqda. Ikkinci gapda “降” iyeroglifi “xiáng” tarzida talaffuz qilinadi. Bu gapda “投降” so’zining tarkibida kelib, “taslim bo’lmoq” ma’nosini anglatmoqda va gapda kesim vazifasini bajarmoqda.

“角” iyeroglifi.

“角” iyeroglifi uchinchi ohangdagi “jiǎo” va ikkinchi ohangdagi “jué” kabi ikkita talaffuzga egadir.¹⁷⁸ Uning anglatadigan ma’nolari turli-tumandir, shu sababli mazkur iyeroglif nafat polifon, balki o’z navbatida polisema hisoblanadi.

¹⁷⁸ “小学多音多义字手册”(Boshlang’ich maktablar uchun ko’p talaffuzli, ko’p ma’noli so’zlar qo’llanmasi), 沈模, Pekin, 1990 yil, 148-bet

Uning birinchi talaffuzi “ji ă o” quyidagi bir qancha ma’nolarni ifodalaydi: “shox(hayvon shoxi)”, “burun (geografik atama)”, “burchak” kabi. Quyidagi so’zlarda iyeroglifning aynan shunday o’qilishini kuzatishimiz mumkin: “buqa shoxi” ma’nosini anglatuvchi ikki bo’g’inli “牛角” (niújiǎo) so’zining ikkinchi bo’g’ini bo’lib kelganda; “urush, janjal, nizo” ma’nolarini anglatuvchi ikki bo’g’inli “口角” (kǒujiǎo) so’zining ikkinchi bo’g’ini bo’lib kelganda; “shimoli-sharqiy burun” ma;nosiga ega bo’lgan uch bo’g’inli geografik atama “东北角” (dōng běi jiǎo) so’zining uchinchi bo’g’ini bo’lib kelganda va hokazo hollarda. Iyeroglifning ikkinchi o’qilishi ikkinchi ohangda “jue” kabi talaffuz qilinadi va “rol, personaj, qahramon”, “artist, akter, aktrisa” kabi ma’nolarga egadir. “rol, personaj” kabi ma’nolarni anglatadigan “角色” (juésè) so’zining birinchi bo’g’ini bo’lib kelganda, “bosh qahramon” ma’nosini anglatadigan ikki bo’g’inli “主角” (zhǔjué) so’zining ikkinchi bo’g’ini bo’lib kelganda bu iyeroglit aynan “jué” kabi o’qiladi. Bu iyeroglifning gapdagagi xususiyatlarini ham tahlil qilib chiqamiz:
只有我才是文章的主角，没有我，话就说的没完没了。（“标点符号的吵闹”）

(Zhǐyǒu wǒ cái shì wénzhāng de zhǔjue, méiyǒu wǒ, huà jiù shuō de méiwán méiliǎo. (“Biāodiǎn fúhào de chǎonào”))

Faqat men matnning bosh qahramoniman, agar men bo’lmasam, gap tugallanmay qoladi. (“Tinish belgilari jangi”)

每当夜幕降临的时候，八角楼上的灯就亮了。（“八角楼上”）

(Měi dàng yèmù jiànglín de shíhou, bājiǎo lóu shàng de dēng jiù liàngle. (“Bājiǎo lóu shàng”))

Har safar tun cho'kayotgan paytda sakkiz burchakli uyning chirog'i yonadi. (“Sakkiz burchakli uy”)

“角” iyeroglifining ishlatilishi yuqoridagi gaplarda yaqqol ifodalangan bo'lib, mazkur iyeroglif birinchi gapdagi namunada ikkinchi ohangda “jué” tarzida talaffuz qilinadi. Mazkur gapda “jiao” iyeroglifi “主角” (zhujue) so'zining ikkinchi bo'g'ini bo'lib kelmoqda, bu so'z “bosh qahramon, bosh rol” ma'nolarini bildirib mazkur gapda murakkab ot-kesim vazifasini bajarib kelmoqda. Ikkinchi gapda esa “角” iyeroglifini “八角” (bajiao) so'zining tarkibida ko'rishimiz mumkin. Bu so'z “sakkiz burchakli” ma'nosini anglatadi va gapda aniqlovchi vazifasini bajarmoqda.

Мавзу бўйича саволлар:

1. “h” tovushi bilan boshlanadigan talaffuzi har xil, ma'nosni ham har xil bo'lgan iyerogliflar tahlilini amalga oshiring
2. “j” tovushi bilan boshlanadigan talaffuzi har xil, ma'nosni ham har xil bo'lgan iyerogliflarning tahlilini amalga oshiring

Амалий машғулот вазифа ва саволлари:

2. Линь-Цзи Лу. Юйлу тилининг айрим хусусиятлари. Матнда талаффузи ҳар хил, маъноси ҳам ҳар хил иероглифларнинг қўлланилиши.
3. Сун даври хитой тили. “Юйлу Чжу Си” матни. Матнда талаффузи ҳар хил, маъноси ҳам ҳар хил иероглифларнинг қўлланилиши.
3. Матнни грамматик таҳлилини амалга оширинг, талаффузи ҳар хил, маъноси ҳам ҳар хил иероглифларнинг қўлланилишига аҳамият беринг.

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар

1. Тан даври шеъриятидан намуналарни таржима қилиш: Du Fu, Zhang Duan, Bai Ju Yi

2. Қадимги шеърларда талаффузи ҳар хил, маъноси ҳам ҳар хил иероглифларнинг қўлланилиши.

10 Mavzu. Talaffuzi har xil ma'nolari bir xil yoki bir-biriga yaqin bo'lgan iyerogliflarning tahlili

Дарснинг ўқув мақсади: “b” товуши билан бошланадиган талаффузи ҳар хил, маънолари бир хил ёки бир-бирига яқин бўлган иероглифларнинг таҳлили: “**把**” иероглифи, “**耙**” иероглифи, “**背**” иероглифи; “d” товуши билан бошланадиган талаффузи ҳар хил, маънолари бир хил ёки бир-бирига яқин бўлган иероглифларнинг таҳлили: “**弾**” иероглифи, “**倒**” иероглифи, “**钉**” иероглифи иштироқидаги мисолларни таҳлил қилиш, талаффузи ҳар хил, маъноси бир хил ёки бир-бирига яқин бўлиши хақида мисоллар ёрдамида маълумотга эга бўлиш.

Таянч тушунчалар: “**把**” иероглифи, “**耙**” иероглифи, “**背**” иероглифи, “**弾**” иероглифи, “**倒**” иероглифи, “**钉**” иероглифи.

3.1. “b” tovushi bilan boshlanadigan talaffuzi har xil ma'nosini bir xil yoki bir-biriga yaqin bo'lgan iyerogliflarning tahlili “把**” iyeroglifi.**

“**把**” iyeroglifi ikki xil talaffuzga ega hisoblanadi.¹⁷⁹ Ulardan birinchisi to'rtinchi ohangda “bà” kabi o'qilib, ko'pincha “dasta, sop. tutqich” ma'nosida qo'llaniladi. Bunday o'qilganda “**把**” iyeroglifini quyidagi so'zlarning tarkibida

¹⁷⁹ “小学多音多义字手册”(Boshlang'ich maktablar uchun ko'p talaffuzli, ko'p ma'noli so'zlar qo'llanmasi), 沈模, Pekin, 1990 yil, 8-bet

uchratishimiz mumkin: “门把儿” (mén bàr) so’zining ikkinchi bo’g’ini bo’lib kelib, “eshik dastasi, eshik tutqichi” degan ma’noni anglatadi; “刀把子” (dāobàzi) degan uch bo’g’inli so’zning ham ikkinchi bo’g’ini bo’lib kelib, “pichoq sopi” degan ma’noni bildiradi; “壺把儿” (húbàr) so’zining ham ikkinchi bo’g’ini bo’lib keladi va “choynak dastasi” ma’nosini anglatadi. Yuqoridagi misollardan ko’rinib turibdiki, “把” iyeroglifi to’rtinchi ohangda talaffuz qilinganda faqat ot so’z turkumiga mansub bo’lar ekan. Endi esa mazkur iyeroglifning ikkinchi talaffuzini ko’rib chiqsak. “把” iyeroglifining ikkinchi talaffuzi uchinchi ohangda “bǎ” kabi o’qiladi va “ushlamoq, tutmoq”, “ko’rsatmoq (qo’l bilan)” kabi ma’nolarni anglatadi, ya’ni bunday o’qilganda ko’pincha fe’l bo’lib kelishini kuzatishimiz mumkin. Quyidagi so’zlar va so’z birikmalari tarkibida kelganida “把” iyeroglifi aynan uchinchi ohangda o’qiladi: “mash’ala” ma’nosini anglatadigan ikki bo’g’inli “火把” (huǒbǎ) so’zining ikkinchi bo’g’ini bo’lib kelganda; “arava shotisi, (velosipedning) ruli” kabi ma’nolarda ishlatiladigan “车把” (chēbǎ) so’zining ikkinchi bo’g’ini bo’lib kelganda; “himoya qilmoq, asramoq” ma’nolarida qo’llaniluvchi ikki bo’g’inli “把守” (bǎshǒu) so’zining bi9rinchi bo’g’ini bo’lib kelganda. Shuningdek, aynan shunday o’qilganda “ba” iyeroglifi hisob so’zi vazifasini ham bajarishi mumkin. Masalan: “一把刀” (yībǎdāo) – bitta pichoq; “一把椅子” (yībǎyǐzi) – bitta stul; “一把伞” (yībǎsǎn) – bitta soyabon va hokazo. “把” iyeroglifini quyidagi gaplardagi ishlatilishiga e’tibor bering:

我们连忙挖了一个坑，把(bǎ)木牌竖好。 (“不要从这儿走”)

Biz tezik bilan bitta chuqur qazib taxta doskalarni qo’yib qo’ydik. (“Bu yerdan yurish kerak emas”)

(Wǒmen liánmáng wāle yīgè kēng, bǎ mù pái shù hǎo. (“Bùyào cóng jé'er zǒu”))

他臂戴红袖章，腰挎大刀，刀把(bà)上飘着红绸。（“望着远方”）

(Tā bì dài hóng xiùzhāng, yāo kuà dàdāo, dāobà shàng piāoje hóng chóu. (“Wàngjē yuǎnfāng”))

Uning yelkasida qizil yenglar hilpirab turar, belida katta pichoq osilgan, pichog’ining sopida qizil shoyi mato parchasi osilib turardi. (“Uzoqqa intilib”)

Yuqoridagi ikki gapdan birinchisida “把” iyeroglifi yordamchi so’z vazifasini bajarib kelmoqda, bu so’z o’zbek tilidagi “-ni” tushum kelishigi qo’shimchasiga to’g’ri keladi. Shu sababdan “把” dan keyin kelgan so’z odatda tushum kelishigida bo’ladi va gapda vositali to’ldiruvchi vazifasini bajaradi. Bunday vazifani bajarganda “把” iyeroglifi uchinchi ohangda “bă” tarzida o’qiladi. Ikkinchı gapdagı “把” ning ishlatilgan holati “刀把” (daoba) so’zining tarkibida bo’lib, bu so’z “pichoqning sopi” degan ma’noni anglatadi va gapda aniqlovchi vazifasida kelmoqda. Bu so’zning rakibida kelganda “耙” iyeroglifi “bà” deb o’qiladi.

“耙” iyeroglifi.

Mazkur iyeroglif ham ikki xil ko’rinishga ega.¹⁸⁰ Bu iyeroglifning talaffuzi nafaqat ohangda balki, talaffuzda ishtirok etayotgan tovushlar bilan ham faqlanadi. Uning birinchi talaffuzi to’rtinchi ohangdagi “bà” kabi o’qiladi va “mola, sixmola” yoki “mola bosmoq” ma’nolarini ifodalaydi. Quyidagi so’zlar tarkibida kelganda “耙” iyeroglifi aynan shu talaffuzda o’qiladi: “tishli sixmola” ma’nosini anglatadigan uch bo’g’inli “钉齿耙” (dīngchǐbà) so’zining uchinchi bo’g’ini bo’lib kelganda; “diskli sixmola” ma’nosini bildiradigan uch bo’g’inli “圆 盘 耙” (yuánpánbà) so’zining uchinchi bo’g’ini bo’lib kelganda; “mexanik

¹⁸⁰ “小学多音多义字手册”(Boshlang’ich maktablar uchun ko’p talaffuzli, ko’p ma’noli so’zlar qo’llanmasi), 沈模, Pekin, 1990 yil, 9-bet

sixmola” ma’nosida qo’llaniluvchi “耙土机” (bàtǔjī) so’zining esa birinchi bo’g’ini bo’lib kelganda va hokazo. “耙” iyeroglifining ikkinchi o’qilishi “pá” bo’lib, ikkinchi ohang bilan talaffuz qilinadi. Yolg’iz kelganda “xaskash” yoki “xaskash bilan kuramoq” ma’nolarini anglatadi. “taxta xaskash” degan ma’noni bildiruvchi ikki bo’g’inli “木耙” (mùpá) so’zining ikkinchi bo’g’ini bo’lib kelganda; “xaskash (ko’pincha temir xaskash)” ma’nosini ifodalovchi ikki bo’g’inli “钉耙” (dīngpá) so’zining ikkinchi bo’g’ini bo’lib kelganda mazkur iyeroglif “pá” deb o’qiladi. Yuqoridagi misollardan kelib chiqadigan bo’lsak, bu iyeroglif asosan ish qurollari atamalarini hosil qilishda qo’llanilar ekan. Endi esa mazkur iyeroglifning gaplarda qo’llanilishini tahlil qilamiz:

这块地已经耙(bà)过两遍了。

(Jè kuài dì yǐjīng bàguò liǎng biànle.)

Bu bir parcha yerga allaqachon ikki marta mola bosildi.

我把谷子耙(pá)开晒晒。

(Wǒ bǎ gǔzi pá kāi shài shài.)

Men tariqni oftobda quritish uchun yoyib qo’ydim.

Yuqoridagi gaplardan birinchisida “耙” iyeroglifi to’rtinchi ohangda “bà” kabi talaffuz qilinadi, mazkur gapda “耙” iyeroglifi mustaqil fe’l bo’lib kelib, “mola bosmoq” ma’nosini anglatmoqda va gapda kesim vazifasini bajarmoqda. Ikkinci gapda kelgan “耙” ieyroglifi esa ikkinchi ohangda “pá” deb talaffuz qilinadi va bu gapda “耙” iyeroglifi “开” (kai) fe’li bilan birikma hosil qilmoqda va murakkab kesimga aylanmoqda. Gapda ushbu birikma “yoymoq” ma’nosini anglatmoqda.

“背” iyeroglifi.

“背” iyeroglifi ikki xil talaffuzga ega iyeroglip hisoblanadi.¹⁸¹ Birinchi talaffuzida birinchi ohangda “bēi” deb o’qiladi va “tashimoq”, “javobgarlikni o’z bo’yniga olmoq” kabi ma’nolarni anglatadi. Bunday o’qilganda “背” iyeroglifi quyidagi so’zlarning tarkibida kelishini kuzatamiz: “qarzga botmoq, qarzdor bo’lmoq” ma’nolarini anglatuvchi ikki bo’g’inli “背债” (bēi izhài) so’zining birinchi bo’g’ini bo’lib kelganda; “yelka kamari” ma’nosida ishlatiladigan ikki bo’g’ini “背带” (bēidài) so’zining birinchi bo’g’ini bo’lib kelganda; “ryukzak (yelkaga osiladigan sumka)” ma’nosida ishlatiladigan ikki bo’g’ini “背囊” (bēináng) so’zining birinchi bo’g’ini bo’lib kelganda birinchi talaffuzda o’qiladi. Ushbu iyeroglifning ikkinchi o’qilishi to’rtinchi ohangdagi “bèi” kabi talaffuz qilinib, asosan “orqa”, “orqa tomon, tashqi tomon” kabi ma’nolarni ifodlaydi. Quyidagi so’zlar tarkibida iyeroglifning shunday o’qilishini ko’rishimiz mumkin: “voz kechmoq, bahridan otmoq” ma’nolarini bildiruvchi ikki bo’g’ini “背离” (bēilí) so’zining birinchi bo’g’ini bo’lib kelganda; “omadi chopmaslik, omadsizlik” ma’nolarini anglatuvchi ikki bo’g’ini “背运” (bèiyùn) so’zining birinchi bo’g’ini bo’lib kelganda; shuningdek “qadrdon joylarini tark etmoq” ma’nosida qo’llaniladigan “离乡背井” (líxīangbēijǐng) iborasining uchinchi bo’g’ini bo’lib kelganda va hokazo holatlarda. “背” iyeroglifining gaplardagi ishlatilishini quyida ko’rib chiqamiz:

雷锋对小同学说：“来，我背(bēi)你们过桥。”（“过桥”）

(Léifēng duì xiǎo tóngxué shuō: “Lái, wǒ bēi nǐmenguò qiáo.” (“Guò qiáo”))

Leifeng kichkina o’quvchilarga qarab dedi: “Kelinglar, men sizlarni orqalab

¹⁸¹ “小学多音多义字手册”(Boshlang’ich maktablar uchun ko’p talaffuzli, ko’p ma’noli so’zlar qo’llanmasi), 沈模, Pekin, 1990 yil, 17-bet

ko'prikdan o'tkazib qo'yaman.” (“Ko'prikdan o'tish”)

我听说，去年你在背(bèi)地里说我的坏话！（“狼和小羊”）

(Wǒ tīng shuō, qùnián nǐ zài bèidì lǐ shuō wǒ de huàihuà! (“Láng hé xiǎo yáng”))
Eshitishimcha, o'tgan yili orqamdan mening g'iybatimni qilib yurganmishsan!
("Bo'ri bilan qo'zichoq")

Yuqorida keltirilgan gaplardagi “**背**” iyeroglifining ishlatalishini tahlil qiladigan bo'lsak, mazkur gaplarning birinchisida bu iyeroglit birinchi ohangda “**bēi**” deb o'qiladi va bu gapda mustaqil fe'l bo'lib kelmoqda, ma'nosi “orqalamoq” bo'lib, gapda kesim vazifasini bajarmoqda. Ikkinci gapda esa “**背地里**” (beidili) so'zining tarkibida kelmoqda. Bu so'z “yashirinch, zimdan” kabi ma'nolarni bildiradi. Bu so'z gapda hol vazifasini bajarmoqda. Bu so'zning tarkibida kelganda “**背**” iyeroglif to'rtinchi ohangda “**bèi**” tarzida talaffuz qilinadi.

3.2. “d” tovushi bilan boshlanadigan talaffuzi har xil ma'nosi bir xil yoki birbiriga yaqin bo'lgan iyerogliflarning tahlili

“弹” iyeroglifi.

“**弹**” iyeroglifi ikki xil talaffuzga ega,¹⁸² ulardan birinchisi to'rtinchi ohangdagi “**dàn**” bo'lib, uning tub ma'nosi “sharcha”, “snatyad, bomba”dir. Quyidagi so'zlar tarkibida kelganda “**弹**” iyeroglifi “**dan**” deb talaffuz qilinadi: “sharcha, o'q” ma'nolarini ifodalovchi ikki bo'g'inli “**弹丸**” (dànwán) so'zining birinchi bo'g'ini bo'lib kelganda; “bomba yoki snaryadning qoldiqlari” ma'nosini bildiruvchi ikki bo'g'inli “**弹片**” (dànpiàn) so'zining birinchi bo'g'ini bo'lib kelganda; “o'q-dorilar” ma'nosini ifodadalab keladigan ikki bo'g'inli “**弹药**”

¹⁸² “小学多音多义字手册”(Boshlang'ich maktablar uchun ko'p talaffuzli, ko'p ma'noli so'zlar qo'llanmasi), 沈模, Pekin, 1990 yil, 71-bet

(dànyào) so'zining birinchi bo'g'ini bo'lib kelganda; “granat” ma'nosini ifodalovchi uch bo'g'inli “手榴弹” (shǒuliúdàn) so'zining uchinchi bo'g'ini bo'lib kelganda va hokazo holatlarda. “弹” iyeroglifi yana ikkinchi ohangda “tán” deb ham o'qiladi va bunday talaffuz qilinganda “o'q uzmoq, o'q otmoq”, “o'ynamoq”, “chertmoq” kabi ma'nolarni ifodalab keladi. Buni quyidagi so'zlarda ko'rishimiz mumkin: “egiluvchanlik, qayishqoqlig” ma;nolarini ifodalovchi ikki bo'g'inli “弹性” (tánxìng) so'zining birinchi bo'g'ini bo'lib kelganda; shuningdek, “弹钢琴” (tán gāngqín) birikmasida ham “tan” deb o'qilib, bu birikma “pianino chalmoq” degan ma'noni bildiradi. “tan” iyeroglifi ishtirok etgan bir nechta gaplarni ko'rib chiqamiz:

暗堡里射出来的子弹(dàn)在他身边啾啾地响着。 (“英雄爆破手”)

(Ànbǎo lǐ shè chūlái de zǐdàn zài tā shēnbiān jiūjiū dì xiǎngzhe. (“Yīngxióng bàopò shǒu”))

Bunkerdan portlab chiqqan snaryad ovozi uning tanasi oldida jarangladi. (“Portlatuvchi qahramon”)

接着，他一边弹(tán)琴，一边用低沉的声音教我们唱国际歌。 (“我的爸爸”)

(Jiēzhe, tā yībiān tán qín, yībiān yòng dīchén de shēngyīn jiào wǒmen chàng guójìgē. (“Wǒ de bà ba”))

So'ngra, u ham pianino chalib, ham past ovozda bizga kuylashni o'rgatardi. (“Mening otam”)

Yuqorida keltirilgan ikkita gapdan birinchisida “弹” iyeroglifi “子弹” (zídàn) so'zining tarkibida kelib, to'rtinchi ohangda “dàn” kabi talaffuz qilinmoqda. Bu so'z gapda aniqlovchi vazifasini bajarib kelmoqda va “snaryad, bomba” ma'nolarini anglatmoqda. Ikkinchi gapda esa “弹” iyeroglifining o'qilishi “tán”ga

o'zgaradi. Bu gapda bu so'z fe'l so'z turkumiga xos bo'lib, gapda kesim vazifasini bajarmoqda va "chalmoq" ma'nosini anglatmoqda. Umuman, "彈" iyeroglifi "tán" kabi o'qilganda musiqiy asboblarni chalmoq ma'nosini bildiradi.

“倒” iyeroglifi.

“倒” iyeroglifi ham ikki xil talaffzuga ega bo'lib,¹⁸³ ulardan birinchisi uchinchi ohangdagi “dǎo” bo'lib ko'pincha “yotmoq, qulamoq, ag'darilmoq” degan ma'nolarni bildirib keladi. Quyidagi so'zlarda ushbu iyeroglifning birinchi talaffuzida o'qilishi ko'rishimiz mumkin: “peresadka, peresadka qilmoq” ma'nolarini anglatuvchi ikki bo'g'inli “倒车” (dǎochē) so'zining birinchi bo'g'ini bo'lib kelganda; “sinish, bankrot bo'lish” ma'nolarini anglatuvchi ikki bo'g'inli “倒闭” (dǎobì) so'zining birinchi bo'g'ini bo'lib kelganda; “qulamoq (hukumatga nisbatan)” ma'nosini ifodalovchi ikki bo'g'inli “倒台” (dǎotáo) so'zining birinchi bo'g'ini bo'lib kelganda va hokazo holatlarda. Ushbu iyeroglifning ikkinchi talaffuzi to'rtinchi ohangda “dào” deb o'qiladi va yolg'iz ishlatilganda “oyog'i osmondan teskari” degan ma'noni anglatadi. Quyidagi soz'larda aynan shunday o'qiladigan “dào” ieyroglifini uchratsih mumkin: “teskari tartibda sanamoq” ma'nosini ifodalaydigan ikki bo'g'inli “倒数” (dàoshù) so'zining birinchi bo'g'ini bo'lib kelganda; “choy quymoq” ma'nosida keluvchi ikki bo'g'inli “倒茶 (dàochá) so'zining birinchi bo'g'ini bo'lib kelganda; “chekinmoq, tislanmoq, nari ketmoq” kabi ma'nolarni anglatuvchi ikki bo'g'inli “倒退” (dàotuì) so'zining birinchi bo'g'ini bo'lib kelganda “dao” to'rtinchi ohangda talaffuz qilinadi. Bu iyeroglifning gaplarda ishlatilish xususiyatini ko'rib chiqamiz:

恶狼大叫一声，倒(dǎo)了下去。 (“机器羊”)

¹⁸³ “小学多音多义字手册”(Boshlang'ich maktablar uchun ko'p talaffuzli, ko'p ma'noli so'zlar qo'llanmasi), 沈模, Pekin, 1990 yil, 74-bet

(È láng dà jiào yīshēng, dàole xiàqù. (“Jīqì yàng”))

Baxtiqaro bo’ri bor ovozi bilan baqirib, yiqilib tushdi. (“Robot-qo’y”)

山林倒(dào)映在潭里，湖光山色，非常美丽。 (“日月潭”)

(Shānlín dàoyìng zài tán lǐ, húguāngshānsè, fēicháng měilì. (“Rìyuètán”))

To’g-o’rmon manzarasi soyda gavdalanardi, ko’lda tog’ manzarasi yaltirardi, juda chiroyli. (“Oy-yulduz ko’li”)

Yuqorida keltirilgan ikkita gapning birinchisida “倒” iyeroglifi natijaviy fe’l “倒了下去” tarkibida kelmoqda, gapda bu birikma kesim vazifasini bajaradi va “yiqilb tushdi” ma’nosini bajaradi. Bu gapda “倒” iyeroglifi uchinchi ohangda “dǎo” tarzida talaffuz qilinadi. Ikkinci gapda esa “倒” iyeroglifi “倒映” so’zining birinchi bo’g’ini sifatida kelmoqda va “gavdalanmoq, tasviri tushmoq” ma’nolarini anglatadi. Gapda bu so’z kesim vazifasini bajarib kelmoqda. Bu gapda “倒” iyeroglifi to’rtinchi ohangda “dào” deb talaffuz qilinadi.

“钉” iyeroglifi.

Mazkur iyeroglif ham ikki xil talaffuzga ega hisoblanib,¹⁸⁴ uning birinchi xil o’qilishi birinchi ohangda “dīng” kabi talaffuz qilinadi. Bunday talaffuz qilinadi “mix”, “izidan yurmoq, ta’qib qilmoq” degan ma’nolarni anglatadi. Ko’rinib turibdiki “钉” iyeroglifi bir paytning o’zida ham polifon, ham polisema funksiyasini bajarar ekan. Birinchi ohangda talaffuz qilinganda “钉” iyeroglifi quyidagi so’zlarning tarkibida keladi: “knopka (kanselyariya knopkasi)” ma’nosida keluvchi ikki bo’g’inli “图钉” (túdīng) so’zining ikkinchi bo’g’ini bo’lib; “rad etilmoq, norozilikka uchramoq” kabi ma’nolarni anglatuvchi uch bo’g’inli “碰钉

¹⁸⁴ “小学多音多义字手册”(Boshlang’ich maktablar uchun ko’p talaffuzli, ko’p ma’noli so’zlar qo’llanmasi), 沈模, Pekin, 1990 yil, 82-bet

子” (pèngdīngzi) birikmasining ikkinchi bo’g’ini bo’lib; “ta’qib qilmoq, kuzatmoq” ma’nolarini bildiruvchi ikki bo’g’inli “钉梢” (dīngshāo) so’zining birinchi bo’g’ini bo’lib kelib, “dīng” kabi o’qiladi. Mazkur iyeroglifning ikkinchi xil o’qilishi to’rtinchi ohangdagi “dìng” bo’lib, bunda iyeroglif “qoqmoq (mixni), mixlamoq”, “tikib qo’ymoq” kabi ma’nolarni bildiradi. Uni so’zlardagi ishlatilishini tahlil etadigan bo’lsak: “mixni qoqmoq” ma’nosini anglatuvchi “钉钉子” (dìngdīngzi) so’z birikmasida; “tugmani tikib qo’ymoq” ma’nosini ifodalashda ishlatiladigan “钉扣子” (dìngkòuzi) birikmasida ham “ding” deb o’qiladi. Mazkur iyeroglif gaplarda quyidagicha kelishi mumkin:

我愿永远做一个螺丝钉(dīng)。 (“雷锋日记”)

(Wǒ yuàn yǒngyuǎn zuò yīngè luósīdīng. (“Léifēng rìjì”))

Men har doim burama mix yasashni xohlayman. (“Leifengning kundaligi”)

他就把那块木板钉(dīng)到船上了。 (“小虫和大船”)

(Tā jiù bǎ nà kuài mù bǎn dìng dào chuánshàng qùle. (“Xiǎo chóng hé dàchuán”))

U darhol o’sha taxta parchasini olib kemaga qoqishga ketdi. (“Chuvalchang va kema”)

Yuqoridagi gaplardan birinchisida “钉” iyeroglifi “螺丝钉” (luósīdīng) so’zining tarkibida kelmoqda. Bu so’zning tarkibida kelganida “钉” iyeroglifi birinchi ohangda “dīng” deb o’qiladi. Bu so’z “burama mix” degan ma’noni anglatib, gapda to’ldiruvchi vazifasini bajarmoqda. Ikkinci gapda esa “钉” iyeroglifi “钉到” (dìngdao) so’zining tarkibida kelib, “qoqmoq” ma’nosini

anglatmoqda. Bu so'z mazkur gapda kesim vazifasida kelmoqda. Aynan shu so'z tarkibida kelganida, “钉” iyeroglifi to'rtinchi ohangda “dìng” kabi talaffuz qilinadi.

Мавзу бўйича саволлар:

- 1.“b” tovushi bilan boshlanadigan talaffuzi har xil ma’nosи bir xil yoki bir-biriga yaqin bo’lgan iyerogliflarning tahlilini amalga oshiring
- 2.“d” tovushi bilan boshlanadigan talaffuzi har xil ma’nosи bir xil yoki bir-biriga yaqin bo’lgan iyerogliflarning tahlilini amalga oshiring

Амалий машғулот вазифа ва саволлари:

1. Юань даври охири Мин даври боши хитой тили. “Хақиқатпарвар Чжан” матни.
2. Матнда талаффузи ҳар хил, маъноси ҳам ҳар хил иероглифларнинг қўлланилиши.

Мустақил таълим учун савол ва топшириқлар

1. Тан даври шеъриятидан намуналарни таржима қилиш: Li Shang Yin, Wang ma, Jin Chang Zhe
2. Қадимги шеърларда талаффузи ҳар хил, маъноси ҳам ҳар хил иероглифларнинг қўлланилиши.

ХУЛОСАЛАР

Таҳлил этилган материаллардан келиб чиқиб амалга оширилган иш бўйича қўйидаги хulosаларни келтириш мумкин:

1. Хитой тили тарихи 3000 минг йилдан қўпроқ даврни қамраб олади. Аммо Хитой тили тарихи ҳақида манбаларнинг камлиги ва даврлаштиришдаги қийинчиликлар сабабли ҳозирги пайтгача умумқабул қилинган хитой тили тарихини таснифи мавжуд эмас. Баъзи хитойшунос олимлар бу борада изланишлар олиб борган бўлиб, улар томонидан таклиф этилган даврлаштириш шартли бўлиб, қадимдан

бизгача етиб келганлари ҳам адабий ёдгорликлар асосида амалга оширилган.

2. Хитой тилини даврлаштириш масаласи Хитой тилшунос олими Ван Ли¹⁸⁵ томонидан «汉语史稿»¹⁸⁶ (hànyǔ shǐgǎo) китобида таклиф этилган. У хитой тили тарихини 4 даврга бўлган:

上古期 (shànggǔqī) – илк ёзма манбаларда келтирилган қадимги хитой тили, III асртагача бўлган даврни ўз ичига олади. Асосий хусусияти: бўлишсиз ва сўроқ гапларда олмош тўлдирувчиши феълдан олдин жойлашиши; шунингдек кириш оҳангининг (入声¹⁸⁷ rùshēng) икки тури мавжуд бўлганлиги. Милодан аввал. III ва IV асрлар ўтиш даврлари ҳисобланади;

中古期 (zhōnggǔqī) – ўрта давр хитой тили, м.а.IV-милодий XII асрларни қамраб олади. Асосий хусусияти 是(shì) боғламаси; олиб чиқилган тўлдирувчили натижа конструкцияси; 儿 (ér), 子(zǐ), 了(le),

着 (zhe) суффикслари (қўшимчалари); ва пасаювчи оҳангнинг (去声 qùshēng)¹⁸⁸ пайдо бўлиши. Ўтиш даври – XII-XIII асрлар;

近代期 (jìndàiqī) – янги хитой тили, XIII-XIX асрлар (Афюн урушигача бўлган давр). Хусусияти: шимолий шевада шундай аталмиш “Хира ундошлар” (浊声母 zhuóshēngmǔ), -t билан тугайдиган қофиялар ва кириш оҳангнинг йўқолиши. Ўтиш даври:

¹⁸⁵ Ванг Ли (王力) (1900-1986) Хитой тилшунос олими, 60 га яқин лингвистик асар муаллифи.

¹⁸⁶ “Хитой тили тарихи таснифи” Пекин (北京) 1958.

¹⁸⁷ Кирish оҳангиги (入声) 4 оҳангдан бири. Замонавий хитой тили баъзи диалектларида (粤语-юэ, 吴语-y, 阵南语-min) халигача сакланиб қолган, аммо путунхуа (хитой оғзаки адабий тили)да аллақачон муомаладан чиқкан.

¹⁸⁸ Замонавий хитой тилидаги 4-оҳангга тўғри келади.

1840 йил (Афюн урушининг бошланиши)дан 1919 йил (“4 май” ҳаракати)гача бўлган давр;

现代期 xiàndàiqī – замонавий хитой тили, XX аср бошидан то ҳозирги давргача бўлган жараён. Хусусияти: ғарб тиллари грамматикасининг таъсири кучайиши, ҳамда катта миқдорда кўп бўғинли сўзларнинг пайдо бўлиши.

3. Қадимги хитой тили иккига бўлинади:

қадимги оғзаки тил – 雅言 (yǎyán)

қадимги ёзма тил - 文言 (wényán), 白话 (báihuà)

Ян – қадимги даврларда шундай аталган қонун ва меъёрларга солинган оғзаки тил ҳисобланади. Ян Милоддан аввал. VII-VI асрдан то милодий III асригача (ҳаммаси бўлиб 10 аср атрофида) муомалада бўлган.

Венян – Милоддан аввал. VII-VI асрдан то 1919 йил 4 май ҳаракатигача (ҳаммаси бўлиб 27 аср атрофида) ишлатилган. Чин (эр.авв III аср), Хан (эр. авв. 206-эрамиз 220) сулолалари давригача оғзаки нутқда ишлатилган ва бу сулолалардан кейин олимлар томонидан шу тил қофиясида ёзма шаклга келтирилган тилдир. Венян Ян (雅言) асосида вужудга келган.

4. Венян ҳам билим ҳисобланади. Хитой тилини акс эттириш, тасвираш, унинг ички тузилиши, хусусиятлари венянни ўрганган инсон учун янада яққол намоён бўлади. Венянда ёзилган матнларни ўқиб мутола қилинганда хитой тилининг нағислиги, ўзига хослиги, Хитой анъналари, маданияти, тарихи ҳис қилинади.

5. Классик венян даври адабий ёдгорликлари ичida конфуцийшунослаr тўплами таркибиغا кирган китоблар алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу тўплам 13 китобни ўз ичига олади.

6. Асрлар мобайнида иероглифнинг маънолари кўпайди, шакл ҳамда маъно бир-биридан ажралди, иероглиф ва сўз ҳар хил қўринишга келди.

Иероглифларнинг ривожланиши ва ўзгариши оқибатида лексик тизимда ҳам ўзгаришлар юзага келди.

7. Бу эса ўз навбатида қадимги хитой тили лексикасида қуйидаги тўрт ҳодисани келтириб чиқарди:

1) 通假字 tōngjiāzì – ўзлаштирилган иероглифлар (公 $gōng$ ўрнига 功, 果 $guǒ$ ўрнига 故);

2) 古今字 gǔjīnzì – қадимги замонавий иероглифлар (莫 $mò$ ва 暮 $mù$, 两 $liǎng$ ва 轩 $liāng$);

3) 同源字 tóngyuánzì – қардош иероглифлар¹⁸⁹ (浓 $nóng$ ва 衣 $yī$, 张 $zhāng$ ва 涨 $zhàng$);

4) 连绵字 liánmiánzì – жуфт (бирикмали) иероглифлар¹⁹⁰ (玲珑 $línglóng$, 参差 $cēncī$, 蜈蚣 $wúgōng$, 蛇蝎 $zhíxié$, 姝娌 $zhízhǐ$, 匆匆 $cōngcōng$, 津津 $jīnjīn$).¹⁹¹

8. Хитой тилида бир сўз кўпинча бир қанча маъноларга эга бўлиши мумкин. Баъзи пайтда полисемияга учраган сўзларнинг ўқилиши ҳам турлича бўлади. Бу ҳолат қадимги хитой тилида нисбатан кўп учрайди.
9. Кўпгина ҳолларда битта иероглифнинг турлича ўқилиши фақатгина оҳанг ҳар хиллигига акс этади. Бундан ташқари, баъзи сўзлар гарчи кўп маъноларга эга бўлса-да, аммо ўқилиши ўзгармайди. Масалан: “因” $yīn$ феъл бўлиб келганда “анъанани давом эттирмоқ” маъносини билдиради; равиш бўлганда эса “сабабли” маъносини билдиради; олд кўмакчи бўлиб келганида “туфайли” маъносини англатади, аммо ҳамма вақт $yīn$ бўлиб ўқилади.

¹⁸⁹ Дублет, яъни ўқилиши ўхшаш ёки яқин, маъноси ўхшаш ва келиб чиқиши бир бўлган иероглифлар. Бир хил тушунчани касб этувчи иероглифлар. (29,261)

¹⁹⁰ Икки бўғинли, ажралмас сўзлар. Улар бир хил товушли (匆匆 cōngcōng), ўхшаш товушли (玲珑 línglóng), ва ҳар хил товушли (蜈蚣 wúgōng) уч кўринишга эга.

¹⁹¹ 16,16

Ўқилиши бир хил, бироқ маъноси ҳар хил бўлган сўзлар маъносини аниқлашда қадимги ва замонавий хитой тилида англатган маъноларига аҳамият бериш зарур, лугат билан ишлагандан ҳам венян ҳамда байхуа тилларига асосланиб ҳар томонлама мос бўлган маънони танлаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Полисемия ҳодисаси қадимги хитой тилида сўз маъноларининг ўзгариши ҳодисасига сабаба бўлган.

10. Қадимги хитой тилида ўзгаларни аташ учун мўлжалланган сўзлар

гурухи – эҳтиром сўзлари (敬称 jìngchēng ёки 尊称 zūnchēng) деб аталади. Инсон ўз-ўзини аташ учун қўллайдиган сўзлар гурухи эса – камтарлик сўзлари (谦称 qīānchēng) дейилади. Бу икки гурух сўзлари қадимда кенг ишлатилган, лекин кейинчалик анча камайган.

11. Қадимги хитой тилида битилган матнларнинг ўзига хос

хусусиятларини яққол кўрсатувчи ифода шакллари - мурожаат сўзларидир. Қадимги Венъян тилида мурожаатнинг ифода шакллари хилма-хил ва ҳозирги хитой тилига нисбатан анча кўп бўлганлиги илмий асарларда келтирилади. Мурожаат шаклларини танлашда кўплаб ҳам объектив омиллар: ижтимоий келиб чиқиш, ёш, сўзловчи ва тингловчининг жинси; ҳам субъектив омиллар: сўзловчининг тингловчига нисбатан ёндашуви (нейтрал, ҳурмат, юқори даражадаги ҳурмат, атайлаб инсонни ғурурига, нафсониятига тегиши, инсонни камситиш, ҳафа қилиш) га амал қилинган. Шу муносабат ила, субъектив омиллардан келиб чиқиб, мурожаатнинг нейтрал, ҳурмат, камситиш шакллари мавжуд бўлган. Бир хил шаклдаги ибора, мурожаат сўзи ҳар ҳил вазиятларда ҳам ҳурмат ҳам ҳурматсизлик тарзида, хаттоки камситиш шаклида қабул қилиниши мумкин бўлган.

12. Қадимги Хитой Венъян тилида мурожаат шакллари ва ўзини аташ

шакллари хилма-хиллиги кузатилади. Бирон-бир мурожаат шаклини танлашда сўзлашувчиларнинг ёши, жинси, сўзлашувнинг пайти, вазияти

каби объектив, сўзлашувчи ва тингловчининг бир-бирига муносабати каби субъектив омиллар таъсир қўрсатишини инобатга олсак, талабаларда қадимги Веньян тилидаги матнларни тўғри таржима қилиш кўникмасини тўғри шакллантириш вазифаси ниҳоятда долзарбдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий манбалар

- 1.Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият.- Т.: Ўзбекистон, 2006.- Т. 14.-276 б.
1. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. - Т.: Ўзбекистон, 2005.- Т. 13.- 445 б.
2. Li Dejin, Cheng Meizhen. A Practical Chinese Grammar for Foreigners, Beijing.:Slnolingua, 2003.-741 p.
3. Wang Yulin. Mingcheng youlai 1001.- Beijing, 1996.- 245 б
4. Yuyanxue mingci jieshi.- Beijing: Shangwu yinshuguan, 1960.- 156 б.
5. Xiaoxue jiaoshi shiyong yuwenzi. - Beijing: Shangwu yinshuguan, 1999.- 187 б.
6. Sun Chansui. Fanyici, duoyici, bianyici. – Changchun, 1956.- 124 б.

Адабиётлар

7. Н.Ф. Алефиренко. Современные проблемы науки о языке. – М.: «Флинта», «Наука», 2005. – 412 б.
8. Баранов А. Н. Введение в прикладную лингвистику – М.:УРСС, 2003. – 358 б.
9. Бартольд В.В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. – М.: Восточная Литература. РАН, 2002 -755 б.
10. Бегматов Э.А. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари.- Т.: Фан, 1982.- 139 б.
11. Березин Ф. М. История лингвистических учений. – М.: Высшая школа,1984. 318 б.
12. Гак В. Г. Языковые преобразования. – М., «Языки русской культуры», 1998, 763 б.
13. Гао Мин – кай, Лю Чжен тань. Исследование заимствований в современном китайском языке. - Пекин, 1958.- 116 б.
14. Горелов В.И. Лексикология китайского языка.- М.: Просвещение,1984.- 321 б.

15. Фуломов А.Ф. Ўзбек тилида сўз ясаш усуулари ҳақида.- Т.: Узбекистон Фанлар Академиясининг Тил ва Адабиёт Институти, 1950.- 118 б.
16. Жданкин И.В. Слова единицы речи в китайском языке. - М., 1986- 140 б.
17. Зограф И.Т. Монгольско – китайская интерференция. Язык монгольской канцелярии в Китае. – М.: «Наука», 1984. – 140 с.
18. Звегинцев В.А. Семасиология.- М., 1957.- б.
19. Иванов А.И., Поливанов Е.Д. Грамматика современного китайского языка. - М., 1930.- 110 б.
20. Камалов Ф. Ўзбек тили лексикаси.- Т., 1953.- 157 б.
21. Канделаки Т.Л. Семантика и мотивированность терминов.- М.: Наука, 1977.- 167 б.
22. Каримов А.А. Хитой ва Жанубий – Шарқий Осиё: филология, сиёsat ва фалсафа масалалари// ТошДШИ илмий – амалий конференция материаллари. -Т., 2006. – 88 б.
23. Каримов А.А. Хитой тилининг асосий грамматик бирликлари.- Т., 2001.- 57 б.
24. Каримов А.А. Хитойшуносликнинг долзарб муаммолари: филология, сиёsat, иқтисодиёт ва фалсафа. // ТошДШИ илмий – амалий конференция материаллари. -Т., 2006. – 160 б.
25. Коротков Н.Н. Основные особенности морфологического строя китайского языка.- М., 1968.- 400 б.
26. Кочергин И.В. Очерки лингводидактики китайского языка.- М.: Восток Запад, 2006.- 190 б.
27. В.И.Кодухов. Введение в языкознание. – М.: «Просвещение», 1979. – 350 б.
28. Курдюмов В.А. Курс китайского языка: теоретическая грамматика.- М.: цитадель-трейд, Лада, 2005.- 573 б.
29. Ли Цзинси, Лю Шижу. Учебные материалы по грамматике китайского языка.- Пекин, 1959.- 595 б.
30. Немченко В.Н. Основные понятия словообразования в терминах.-

- Красноярск, 1985.- 203 б.
31. Неъматов X., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари.- Т.: Ўқитувчи, 1995.- 135 б.
 32. Семанас А.Л. Лексикология современного китайского языка.- М.: Наука, 1992. – 277 б.
 33. Семенас А.Л. Лексика китайского языка.- М.:Муравей, 2000.- 312 б.
 34. Содиқов Қ., Иномхўжаев Р., Омонов Қ. Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари. // ТошДШИ илмий – амалий конференция материаллари.- Т.,2005. – 244 б.
 35. Солнцев В.М. Очерки по современному китайскому языку.- М.,1957.- 153 б.
 36. Усмонов О., Хамидов Ш. Ўзбек тили лексикаси тарихидан.- Т.: Фан,1981.- 114 б.
 37. Хаматова А.А..Словообразование современного китайского языка.-М.: Муравей, 2003.- 223 б.
 38. Хидоятова Ш., Каримов А.А. Хитой тили грамматикаси.- Т.: Фан ва технология ,2004. – 152 б.
 39. Шазаманов Ш.И. Китай и внешний мир: Китайский способ решения региональных проблем // Шарқшунослик. Т., 1999. №3. С. 5-15.
 40. Шоабдураҳмонов Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Т.: Ўқитувчи,1980.- 114 б.
 41. Щичко В.Ф. Китайский язык: теория и практика перевода.- М.: Восток – Запад, 2004.- 223 б.
 42. Щукин А.А. Современная китайская аббревиатура. - М.: Восток- Запад, 2004.- 214 б.

Хорижий тиллардаги адабиётлар

43. Ван Ли. Ханьюй цзянхуа (Лекции по китайскому языку) Пекин, 1956.76
44. Гао Вэньда, Ван Литин. Цыхуй Чжиши (Сведения по лексике). Цзинань, 1962. 175 б.

45. Го Лянфу. Сяньдай ханьюй ды цяньчжуй хэ хоучжуй (префиксы и суффиксы современного китайского языка) // Чжунго юйвэнь (китайский язык) 1983 , №4ю 250-256 б.
46. Ding Shenshu. Xiandai hanyu yufa jianghua.- Beijing, 1979.- 228 б.
47. Gao Minkai. Putong yuyanxue. – Shanghai, 1955.- 248 б.
48. Gao Wenda, Wan Lijin. Cihui zhishi.- Jinan, 1962.- 175 б.
49. Huan Yuezhou. Yuwen zhishi.- Beijing, 1957.- 230 б.
50. Jerome L. Packard. The morphology of Chinese: A Linguistic and Cognitive Approach. – Beijing: Foreign Language Teaching and Research Press; Cambridge University Press, 2001.- 344 б.
51. Jin Shaozhi. Cihui.- Beijing, 1963.- 316 б.
52. Ibragimov N. The Travels of Ibn Battuta to Central Asia. Itahaka Pr, Darnet Pub. Ltd. London, 1999. p.170.
53. Li Jinxì, Liu Shizhu. Hanyu yufa jiaocai. - Beijing, 1957. – 187 б.
54. Li Lanqing. Education for 1.3 billion. – Foregn Language Teaching and Resesrch Press & Pearson Education, Beijing, 2004.- 483 p.
55. Lu Zhiwei. Hanyude goucifa.- Beijing, 1964. – 231 б.
56. Nowotna Z. Affix – like word – formation Patterns in modern Chinese.- Prague, 1969.- 178 б.
57. Ren Xueliang. Han yu jiao cifa.- Beijing, 1981.- 245 б.
58. Sun Chansui. Fanyici, duoyici, bianyici. – Changchun, 1956.- 124 б.
59. Xiao Zhuangzhi. Wuzibiekeshitan.- Beijing : Shehui kexue wenxian, 2004.- 250 б.
60. Zhang Jin. Xiandai hanyu.- Shanghai, 1984.- 220 б.
61. Zhang Yongquan. Shiyong E Han Han E fanyi.- Shandong, 2000- 339 б.

Лугатлар

62. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов.- М., 1966.- 6.
63. Cihai. – Пекин, 1979.-2215 б.
64. Китайско-русский словарь. Сост. Фу Чонг.- Шанхай, 2004.- 1249 б.
65. Лингвистический энциклопедический словарь. 2 издание, дополненное.

- М.: Большая Российская энциклопедия, 2002. – 707 б.
66. Ҳожиев А.Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.- Т.: Фан, 2002.- 165б.

Интернет саҳифалари

67. <http://www.ncac.gov.cn>
68. <http://www.cninaview.org>